3 8 СЕН 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1983 йил 2 СЕНТЯБРЬ № 36 (2724) ЖУМА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳар меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, Улуғ Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун ва асос солинганлигининг 2000 йиллиги муносабати билан **Тошкент шаҳри Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ

Москва, Кремль. 1983 йил 31 август

1 СЕНТЯБРЬ — ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК КУНИ

ТИНЧЛИК — ХАЛҚЛАР ОРЗУСИ

КЕЧА мамлакатимиздаги барча мактабларда биринчи қўнғироқ жаранглади. Ҳамма жойда биринчк дарс Тинчлик ҳақида бўлди. Минглаб азиз муаллимлар ўз ўқувчиларига дунёдаги энг эзгу тилак бўлмиш тинчлик ҳақида гапирдилар, урушнинг инсоният учун машъум офат эканлигини тушунтирдилар.

Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун ҳамма масъул. Эндиликда уруш офатлари ва мусибатлари хавфидан ҳеч ким кўз юмолмайди. Бинобарин, ер юзининг бирор қитъасида портлаган бомба бошқа қитъа одамларини ҳам жароҳатлаши турган гап.

Иккинчи жаҳон уруши йигирма миллион ватандошимизнинг умрига завол бўлди. Мамлакатимизнинг кучга тўлган энг навқирон авлоди Ватан озодлиги учун, ер юзида муқаррар тинчлик бўлиши учун жонларини фидо қилдилар. Уларнинг муқаддас руҳи ёдимиздан кўтарилмайди.

Юлиус Фучикнинг: «Одамлар, мен сизларни севардим... огоҳ бўлинг!» деган хитобида жуда катта инсоний ташвиш, келажак учун ғамхўрлик мужассам. Дарҳақиқат, биз ҳар бир дақиқада ҳушёр бўлиб туришимиз шарт. Хиросима ва Нагасаки фожеаси такрорланмаслиги учун доимо бор овоз билан ҳайқирмоғимиз зарур! Бугун узоқ ва ўртача масофага учадиган ракеталар, лазер нурлари ҳақида бир-биридан ваҳимали гаплар айтилаётган ва энг ёмони ер юзида ҳар бир киши ҳисобига уч тоннадан кўпроқ портловчи модда тўпланиб қолганлигидан ташвишга тушмаслик мумкин эмас. Эндиликда уруш оловини ёқишга уринаётганлар жаҳон халқларининг нафратига дучор бўлажаклар!

Мамлакатимизда Халқаро тинчлик куни, Халқаро антифашистлар кунининг нишонланиши, бу — тинчлик учун курашнинг ўзига хос намойишидир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов «Правда» газетаси саволларига жавобида Ғарбда қуролланиш пойгасини авж олдираётган айрим кишиларнинг ҳақиқий башарасини очиб кўрсатди. Тинчлик учун тинмай курашиш зарурлигини уқдирди.

Ҳа, тинчлик учун курашиш партиямиз ва халқимизнинг бундан кейин ҳам энг зарур, энг актуал вазифаси бўлиб қолади.

ҲАР ДОИМ БУЛСИН ОСМОН...

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

Маҳмуд ХУДОЙҚУЛОВ:

ИНСОННИНГ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида ўртоқ Ю. В. Андропов: «Ҳамма поғоналардаги партия комитетлари, ҳар бир партия ташкилоти ўзи ҳал этаётган бошқа масалалар (хўжалик, ташкилий ва бошқа масалалар) нақадар муҳим бўлмасин, идеология иши тобора биринчи ўринга чиқаётганини тушуниб олиши керак», деб таъкидлади. Дарҳақиқат, ана шундай. Бугунги кунда коммунистик жамият кишисини тарбиялаш, уни ҳар томонлама камолга етказиш социалистик идеологиямизнинг бош масаласидир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакцияси партия, совет, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва бошқа турли касб соҳиблари билан ана шу соҳада суҳбат ўтказишни лозим топди. Бугун Қашқадарё область партия комитетининг секретари Маҳмуд ХУДОЙҚУЛОВ саҳифамиз меҳмони.

Мухбир. Маҳмуд Худойқулович! Маълумки, Коммунистик партия идеология ишини ривожланган социализм шароитида мамлакатда ҳал этилаётган катта ва мураккаб вазифалар даражасига кўтариш зарурлигини таъкидламоқда. Бу нарса КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида ҳам айтилди. Қашқадарё область партия комитети ана шу вазифаларни бажариш борасида қандай ишларни амалга оширяпти?

Маҳмуд Худойқулов: Саволингизга жавобни бевосита кишиларимизнинг меҳнат фаолиятидан бошламоқчиман. Зеро, идеология ишининг асосий мақсади ҳам кишиларнинг ҳаётга ва меҳнатга нисбатан онгли муносабатини тарбиялашдан иборатдир.

Жума Қурбоновнинг номини бутун Қашқадарёда яхши билишади. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Муборак газ бирлашмасида оператор бўлиб ишлайди. Смена план-топшириқларини ҳар доим ошириб бажаради. Хўш, Ж. Қурбонов илғорликка қандай эришди? Унинг бутун эл-халқ орасида ардоқланишининг боиси нимада? Мен бу саволларга бир сўз билан, Жума ака аввало, етук инсон, деган жавобни айтардим. У ўзининг ҳаётдаги ўрнини яхши билади. Ўз меҳнатини, айни пайтда, бошқа кишиларининг меҳнатларини ҳам қадрлай билади. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Муборак газни қайта ишлаш заводи областнинг машъал корхоналаридан бири. Бу ерда йилига 19 миллиард кубметр газ қайта ишланади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов Марказий Комитетнинг июнь Пленумида сўзлаган нутқида ҳар бир ишчи белгиланган кунлик вазифани тўла бажариши лозимлиги ҳақида гапирди. Бу корхона ёки ташкилотда фақат юксак интизом мавжуд бўлсагина амалга оширилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчиларининг план топшириқларини изчил бажариш борасидаги тажрибалари кишини қувонтиради. Умуман, бу соҳада бир қатор корхона ва хўжаликларни, жумладан, Қарши қурилиш инду-

М. Демак, қайси коллективнинг иш фаолияти намунали бўлса, ўша жойда идеология иши ҳам кўнгилдагидек бўлади, шундайми?

М. Х. Худди шундай. Буни нафақат ишлаб чиқаришда, шунингдек, оилавий ҳаётда ҳам учратиш мумкин. Айтайлик, тасодифан биронбир ҳовлига кириб қолдингиз. Ҳовлига қадам қўйишингиз билан бу ердаги орасталикни, саранжом-саришталикни кўриб баҳри дилингиз очилади. Уй эгаси билан суҳбатлашсангиз, у тарбия топган, мулоҳазали киши бўлиб чиқади. Албатта, баъзан бунинг акси ҳам бўлади. Бироқ кўп ҳолларда озода ҳовлининг эгаси ҳам озода хулқли бўлади. Афсуски, бошқа жойларда бўлганидек, бизнинг областда ҳам ҳалигача ишлаб чиқаришнинг ёппасига намунали, кишиларнинг эса ҳар томонлама етук бўлишига эришилганича йўқ. Бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар анчагина. Жумладан, айрим ташкилотлардаги меҳнат интизомининг сустлиги охир-оқибатда ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ёки кадрлар қўнимсизлиги масаласини олайлик. Қаршида бир кеча-кундузда юзлаб тонна ундан иссиқ, бўрсилдоқ обинонлар тайёрловчи нон заводи, Шаҳрисабз консерва заводи, Қамаши райони Карл Маркс номидаги колхозда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Бироқ кўп заводда кадрлар қўнимсизлиги катта. Хўш, нега, деган савол туғилади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Масалан, завод ишчиларининг уй-жой билан таъминланмаганлиги туфайли бу [illegible]

чилар узоқ ишлай олмаяптилар. Ишчи кадрларни уй-жой билан таъминлаш борасида область партия комитети ва область Совети ижроия комитети турли резервлардан фойдаланяпти. Лекин бир қатор сабаблар борки, уларни ҳал этмасдан туриб ишчиларни тўла уй-жой билан таъминлаш муаммо бўлиб тураверади. Аввало, қурилиш материаллари таъминотини турли Министрликларга қарашли қурилиш ташкилотлари ишини яхшилаш керак. Ёки посёлкалар қурилишини олайлик. Таллимаржон, Кўкдала районларига қарашли посёлкалар қурилиши жуда чўзиб юборилди. Одамлар пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришаяпти. Лекин турар-жойларининг мазаси йўқ. Бу посёлкаларни «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли қурилиш ташкилотлари қуришмоқда.

Бу ташкилотнинг раҳбарлари, қурувчи мутахассислари ўз ишларига нисбатан бироз жонкуярлик билан қарашса, турар-жой бинолари тезроқ ишга туширилган бўларди.

Кадрлар қўнимсизлигига, самарадорликнинг пасайиб кетишига яна бир нарса сабаб бўлмоқда. Бу корхоналарни етарли даражада хомашё билан таъминлаш масаласидир. Яна ўша Косон ёғ экстракция заводи. Мазкур завод соя экинидан ёғ ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Хом ашё йўқлиги туфайли завод яқин тўрт ойдан буён тўла ишламаяпти. Корхонада 450 нафар ишчи меҳнат қилади. Албатта, ойлаб бекор турган заводда ишчи ҳам бекор туради-да...

М. Заводни чигитдан ёғ олишга мослаш мумкин эмасми?

М. Х. Ҳамма гап ана шунда-да. Биз ёғни чигит хом ашёсидан тайёрлашни таклиф этяпмиз. Лекин бу таклифни амалга ошириш учун заводни реконструкция қилиш керак бўлади. Заводни қайта жиҳозлашга эса Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги етарли даражада аҳамият бермаяпти.

Давоми иккинчи бетда

ҒОЛИБЛАР

ЁЗУВЧИЛАР союзи партия ташкилотининг мажлисида раислик қилувчи навбатдаги нотиққа сўз берганда залда жонланиш бошланди. Бу нотиқ адабиётимиз оқсоқоли, республикамиздаги партиявий стажи ярим асрдан ошган тўрт адабиётчининг бири — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров эди. Унинг минбарда пайдо бўлиши, амалий партиявий мулоқотда одатга кирмаган эса-да, қарсаклар билан кутиб олинди. Шундай. Баъзи-баъзида ёзилмаган қонунлардан четга чиқиш ҳам зарар қилмайди. Зотан, залдагилар оқсоқолнинг ҳозир рост гапларни жонга теккан «шпаргалкалар»сиз, очиқчасига ўртага ташлашини, камчиликларни «юзинг-кўзинг» демай принципиаллик билан конкрет танқид остига олишини жуда яхши билганлари ҳолда, қандай қилиб ҳаяжонларини ошкор этмасдан туришлари мумкин. Оқсоқол муҳокамадаги масала юзасидан конкрет таклифларини ҳам албатта айтади...

Ҳа, устоз тажрибаларини ўртоқлашишга, хотираларини ҳикоя қилишга, маслаҳат беришга, таклифларини билдиришга ҳақли. Ахир, Назир Сафаровни сон-саноқсиз дўстлари ва истеъдодининг мухлислари саксон йиллик тўйи билан қутлайдиган кунга саноқли ойлар қолди-ку. Ана шу улкан, самарали кечган умрнинг учдан бири ижодга, адабиётга борлиғича бахш этилган.

Назир ака каби инсонлар — республикамизнинг жонли тарихи. Шу боис оқсоқол кўрган-кечирганлари саҳифаларини варақлай бошлаганда, одамлар сеҳрланиб тинглайдилар. Ахир, халқ хотирасига мангуга муҳрланиб қолган даҳшатли воқеалар иштирокчиси ҳикоя қилаётганда бошқача бўлиши мумкинми? 1916 йил Жиззах қўзғолонининг қонли фожиалари, халқ бошига тушган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатлар, мард инсонларнинг буюк қаҳрамонлик ва фидойиликлари, Совет ҳокимияти, янги турмуш учун олиб борилган ҳаёт-мамот жанглари, янгилик учун фидойиликка чорловчи қўлёзма газеталар, Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги оламшумул воқеалар — буларнинг барчаси худди шу бугунгидек адибнинг хотирасида!..

Ўтган йилги бир воқеа ёдимга тушди. Республикамиз меҳнаткашлари олти миллион тонналик «оқ олтин» хирмони учун кураш олиб бораётган долзарб паллалар. Биз — Назир Сафаров бошчилигидаги ёзувчилар бригадаси иш қайнаган далаларга йўл олдик. Бу ғоят мароқли, ҳаяжонли, шу билан бирга, машаққатли сафар эди.

Ҳар куни юзлаб километр масофани машинада босиб ўтдик, пахтазорлар ва қишлоқлар оралаб яёв кездик, кўпдан-кўп ажойиб тақдирли одамлар билан учрашдик, дилкаш суҳбатлар қурдик, чўл қаҳрамонларининг фидокорона меҳнатлари билан яқиндан танишдик. Буларнинг барчаси ўнлаб бадиий баркамол асарлар яратиш учун материал бера олади. Кечқурунлари эса кундузги таассуротларимизни ўртоқлашдик, алламаҳалгача машинкаларимизни чиқиллатиб очерк ва лавҳалар ёздик. Эрта тонгда чопарлар ёзилган материалларни зудлик билан Тошкентга, республика газеталарининг редакцияларига етказиш учун шошилишар, биз яна олға қараб йўл тортардик. Бу тахлит ҳаёт бир кун эмас, бир ҳафта эмас, ўн кунлаб давом этди. Шубҳасиз, бундай машаққатли сафарлар баъзан кексалар учун эмас, балки ёшлар учун ҳам оғирлик қилади. Бироқ аён бўлдики, оқсоқолимиз Назир Сафаров ҳаммамиздан чидамли, тетик, ҳаракатчан, фаол экан. Шунда хаёлимдан улкан ғайрат-шижоат, ғаройиб ижодий умрзоқлик олдида вақтнинг қудрати ҳеч нарса қилолмас экан, деган фикр кечди.

Энг қувончлиси шундаки, бу жиҳатдан Назир ака намунаси истисно ҳодиса эмас. Ўзбекистонда ёши улуғ адибларнинг бутун бир плеядаси яшамоқда, ғайрат билан ижод қилиб, ёшларга тажрибаларини ўргатмоқда. Ветеран адибларнинг саъй-ҳаракатларига айрим кучга тўлган қаламкашлар ҳавас қилса арзийди.

Бундай гапларни Назир Сафаровнинг тенгдоши, Ўзбекистон халқ шоири Уйғунга нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин. Отахон шоир ҳар қачонгидек ижодий ғайратга тўлиқ ҳаёт кечирмоқда, лирик шеърлар, драматик асарлар яратмоқда.

Таниқли ўзбек драматурги ва кинодраматурги Зиннат Фатхуллин биринчи рус инқилобидан икки йил аввал дунёга келган. Адибнинг саксон йиллик тўйи арафасида республикамизнинг театр жамоатчилиги Зиннат Равиловични «Томоша давом этади» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси билан қутлади. Ҳозирги пайтда адиб ҳужжатли автобиографик асари устидаги ишини давом эттирмоқда. Ахир, жангчи-отлиқ аскар, Гражданлар урушининг комиссари, Улуғ Ватан урушининг солдати — Зиннат оғанинг ҳали айтадиган гапи кўп...

Атоқли ўзбек драматурги, адиби, публицисти ва танқидчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин сценарийси асосида суратга олинган фильм яқиндагина Марказий телевидение орқали намойиш этилди. Ҳамза ҳаётига бағишланган кўламли роман китобхонлар қўлига тегди. Ёзувчи эса қизғин иш устида, йиллар унинг шаштини қайтаролмайди! Комил Яшин Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари бериш Комитетининг раиси сифатида ҳам масъулиятли вазифани адо этмоқда.

Ҳамза комитетидаги ташвишларнинг каттагина қисми раиснинг ўнг қўли — масъул котиб Андрей Иванов зиммасига тушади. Республикадаги кекса рус адибларидан бири — шоир А. Иванов ўн йилдан ортиқ муддатдан бери шу вазифада. Андрей Митрофанович саксон ёшдан ошиб кетди. Лекин ҳамон бардам, адабий ҳаётда фаол.

Ўзбек совет адабиёти эришаётган катта ютуқларнинг гарови — турли ёзувчилар авлодларининг вакиллари фидокорона саъй-ҳаракатидир. Лекин, барибир, адабиётимиз муваффақиятларида оқсоқолларимизнинг меҳнати ғоят салмоқли. Оқсоқолларимиз республика адабий ҳаёти ривожида бундан кейин ҳам ғайрат билан меҳнат қилаверадилар.

Болаларнинг катта ва жонажон дўсти, ажойиб шоир Қудрус Муҳаммадий ўзининг саксон йиллик тўйига тайёргарликни бошлаб юборган. Шоирни бугун ҳам, кўп йиллар бурунгидек, доимо мактабларда, боғчалар ва пионер лагерларида болалар қуршовида кўриш мумкин. «Йилдиз» журналининг бош муҳаррири Шомил Алядин ҳам саксон ёшга қараб бормоқда. Унинг ёзув столидан янги-янги асарлар китобхонлар ҳузурига йўл олмоқда.

Михаил Иванович Шевердиннинг ижодий ғайрати битмас-туганмас. Ўтган асрда туғилган адибимиз ғоят изчиллик билан ўқувчиларга том маънода китоб кетидан китоб тақдим қилиб келмоқда. Бошқа ветеранларимиз ҳақида ҳам шундай дил сўзларини баён этиш мумкин. Иззат Султон ва Йўлдош Шамшаров, Миркарим Осим ва Мумтоз Муҳамедов, Ёқуб Ҳаимов ва Галина Цодикова, Илёс Муслим ва Тўхтасин Жалолов... Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шубҳасиз, Назир Сафаров ва Зиннат Фатхуллин билан бирга «КПСС сафида 50 йил» фахрий нишони олишга муяссар бўлган Раҳмат Мажидий ва Абдулла Уразаев номларини алоҳида айтиш лозим.

«... Партия ветеранлари, меҳнат ветеранлари корпуси яхши формада, иш формасида, деб қайд этса бўлади, — деди КПСС Марказий Комитетидаги партия ветеранлари билан учрашувда ўртоқ Ю. В. Андропов. — Бу жуда қувончлидир. Дарвоқе, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас».

ПАРТИЯ ва давлатимиз раҳбарининг бу илиқ сўзлари адабиёт жабҳасининг ветеранларига, шу жумладан, қуёшли Ўзбекистон адабиёти оқсоқолларига ҳам тўла маънода тааллуқлидир.

Юрий КОВАЛЕВ

МАДАНИЯТ МЕРИДИАНЛАРИДА

✦ **Бу йил мамлакатимизнинг Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаси ташкил этилганига 60 йил тўлди.** Ёш Советлар республикасида биринчи кўргазма 1923 йил Москвада ҳозирги Горький номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғининг ўрнида қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат маҳсулотлари асосида намойиш қилинган эди. Бу, айни пайтда, мамлакатимизда кўргазма ташкил қилиш ишини ҳам бошлаб берганди.

Совет Иттифоқининг ютуқларини намойиш қилувчи бу мўъжаз шаҳарча эндиликда 234 гектардан ошиқ ерни ишғол қилиб турибди. Уни ҳар йили 11 миллиондан ортиқ киши келиб кўради. Кўргазма мамлакатимизнинг ютуқларини фақат намойиш қилибгина қолмасдан, уни оммалаштирувчи, тажрибаларни кенг ёйувчи марказ ҳамдир.

✦ **Москвада СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотига 1983 йилда номзод қилиб қўйилган тасвирий санъат асарларининг кўргазмаси очилди.**

Жамоатчиликни яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган бу кўргазма СССР Рассомлар союзининг Марказий уйида намойиш қилинмоқда.

✦ **Ватанимиз пойтахтида ЮНЕСКО масалалари бўйича СССР Комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.** Унда ЮНЕСКО фаолиятида Совет Иттифоқи иштироки билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишга СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари, ЮНЕСКО масалалари бўйича СССР Комиссиясининг раиси В. Ф. Стукалин раислик қилди.

✦ **Туркман классик адабиётининг вакили Махтумқули таваллудининг 250 йиллиги республикада муносиб кутиб олинмоқда.** Яқинда Красноводск область, Қора-Қалин район маданият уйида С. Муродовнинг Махтумқулига бағишланган «Абадий сабоқлар» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Бу спектакль областда шоир юбилейига бағишланган саҳна асарлари орасида ғолиб деб топилди.

Шу кунларда Туркманистоннинг шаҳар ва қишлоқларида Маҳтумқули поэзияси кунлари ўтказилмоқда.

✦ **Шу йилнинг ноябрь ойининг ўрталарида Франциянинг Амьен шаҳрида «Ирқчиликка қарши кураш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш!» шиори остида учинчи халқаро кинофестиваль бўлиб ўтади.**

Фестиваль ташкилий комитети «киносанъати воситалари ёрдамида апартеидга ва мустамлакачиликка қарши кураш»увчиларга Нельсон Мандел номидаги мукофот ҳам таъсис қилди.

✦ **Швецияда уч ҳафта мобайнида совет цирк санъати кунлари бўлиб ўтди.** Унда Иттифоқдош республикалар цирк санъати усталари иштирок этдилар.

✦ **АҚШ Давлат департаменти колумбиялик таниқли ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркеснинг мамлакатга келиши учун яна ижозат бермади.** Ижодкор Америкага Канзас шаҳридаги университет коллективи томонидан таклиф қилинган ва у бу ерда Симон Боливарнинг 200 йиллиги муносабати билан бир қанча лекциялар ўқиши, митингларда қатнашиши керак эди.

Маркеснинг АҚШга келишига рухсат берилмаганлиги унинг Лотин Америкасидаги империализмга қарши курашаётган ватанпарварларни қўллаб-қувватлаётганлиги билан изоҳланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ёзувчи ўртоқ Эътибор **Охуновага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

Қарши тикувчилик фабрикаси тажриба цехининг тикувчилари Башорат Қиличева, Меҳри Саломова, Саодат Фатхуддинова корхонанинг фахри.

С. МАҲКАМОВ фотолари

Область кардиология марказининг малакали мутахассислари Усмон Юсупов районидаги 10-совхозда ташкил қилинган 1-сон кўчма поликлиникада пахтакорларга яхши хизмат кўрсатмоқдалар.

СУРАТДА: врач З. Ашуров, ҳамширалар Қ. Эркаева ва Х. Усмонова билан биргаликда пахтакорларни навбатдаги кўрикдан ўтказиш учун тайёргарлик кўришмоқда.

С. МАҲКАМОВ фотоси

ИНСОННИНГ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

Боши биринчи бетда

Хуллас, бу йил область миқёсида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1 миллиард 100 миллион сўмга етказишимиз лозим. Бу 1980 йилга нисбатан 400 миллион сўм кўп демакдир. Бундай катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш учун ғоявий-тарбиявий ишларни ҳар бир корхона, ҳар бир коллектив вазифалари билан боғлаб олиб бормоқдамиз.

М. Маҳмуд Худойқулович, маълумки, Қашқадарё областини чўлқуварлар юрти ҳам дейишади. Ҳақиқатан ҳам, минглаб гектар майдонга чўзилган Қарши даштида кейинги йилларда бир нечта районлар ташкил қилинди. Ана шу чўл зоналарининг иқтисодий -маданий истиқболи, бу ердаги маданий ишлар ҳақида ҳам гапирсангиз.

М. Х. КПСС XXV съезди Қарши даштида ингичка толали пахта етиштириладиган янги йирик районни вужудга келтириш вазифасини қўйди. Бу вазифа партия даъвати сифатида майдонга чиқди. Минглаб совет кишилари партиянинг бу даъватига «лаббай» деб жавоб беришди. Қарши даштида ер юзидаги энг қудратли еттита насосдан иборат гидрокаскаднинг ишга туширилганлиги бу ерда улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётганидан далолат. Мазкур гидрокаскад Амударё сувини 132 метр баландликка кўтариб беради. Каскаднинг сув ўтказиш қуввати секундига 240 кубометрга етади. Сунъий дарё суви Пулизиндон тепаликлари ва Сандуқли қум барханларидан ошиб, 164 километр масофага чўзилган магистрал канал ва 105 километр узунликдаги Ульянов канали орқали янги ўзлаштирилаётган қўриқ ерларни суғоради. Шуни айтиш керакки, Қашқадарё иссиқ ўлка. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда каналлар кифоя қилмайди. Шу боис ҳам областда бир неча сув омборлари, селхоналар бунёд этилган. Биргина Таллимаржон сув омборида 1 миллиард кубметрдан кўп сувни тўплаш мумкин. Ана шу сув билан воҳанинг минглаб гектар ердаги экинларини суғориш мумкин. Қарши даштида ҳозиргача 150 минг гектардан зиёд қўриқ ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Ўтган йиллар қўриқ ерларда ташкил этилган элликдан ортиқ совхозда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, чорвачилик, узумчилик, боғдорчилик, балиқчилик ҳам ривожланмоқда.

Инсон кўнгли гулдан нозик. Область партия комитети аввало кишиларнинг кўнглига йўл топишни назарда тутади. Зотан, том маънодаги маданият биринчи муомаладан бошланмайдими? Буларнинг бари меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш билан чамбарчас боғлиқ.

Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ҳам худди ана шу масала — меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишни жуда тор маънода тушунаётган, уларнинг маданий «неъматлар»дан фойдаланишларига зарур шароит яратиб бермаётган раҳбар кадрлар кескин танқид қилинди. Хусусан, область маданият бошқармаси ўз ишини замонавий талаблар даражасига кўтармаётгани, кейинги пайтларда маданият муассасаларига раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги, бадиий ҳаваскорлик коллективларини ривожлантиришга кам эътибор бераётгани кескин айтилди.

Ваҳоланки, областимизда тилга олса арзийдиган бадиий ҳаваскорлар, халқ амалий санъати усталари бор. Шаҳрисабз район Ленин номидаги колхознинг «Шодиёна», Қамаши районидаги «Бўстон», Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг «Феруза» ва бошқа ашула ва рақс ансамблларининг шуҳрати кенг ёйилган. Улар ўз санъатларини Италия, Югославия меҳнаткашларига ҳам намойиш этиб қайтишди.

Лекин чўл районларида юқоридаги каби шуҳратли бадиий ҳаваскорлик коллективларини тузиш қийин кўчмоқда. Олайлик, Усмон Юсупов районининг ташкил этилганига ҳам тўрт-беш йил бўлди. Шунга қарамай, бу ерда ҳалигача бадиий ҳаваскорлик коллективлари ташкил этилмаган эди. Бўлмаса, барча шароит мавжуд. Райондаги «Пахтакор» совхозида катта клуб савлат тўкиб турибди. Ундан фақат катта йиғилишларда, шаҳардан санъаткорлар келган пайтдагина фойдаланилади. Яқинда район партия комитетининг секретари Р. Қўзиева ташаббуси билан бадиий ҳаваскорлик коллективи ташкил этилди. Бу коллектив эндигина таркиб топмоқда. Ҳали унинг олдида санъат сирларини пухта ўрганишдек мураккаб вазифа турибди.

Бу соҳада бир нарса кўнгилга ғашлик солади. Воҳадаги айрим кишиларнинг онгида ҳали ҳам эскича қарашлар бор. Бу бадиий коллективлар ташкил этишда аниқравшан кўзга ташланади. Айрим ота-оналар санъатга ҳавасманд бўлган ўғилқизларининг раъйини қайтариб, уларни саҳнага чиқишларига монелик қилишмоқда.

Область партия комитети кишилар онгидаги ана шундай эскилик сарқитларига барҳам бериш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг мақбул йўлларини белгилаб олди.

М. Маҳмуд Худойқулович, мамлакатимизда янги инсонни тарбиялаш иши комплекс равишда олиб борилмоқда. Бироқ, тўғрисини айтиш керакки, ана шу тарбия ишига катта ҳисса қўшиши лозим бўлган айрим хўжалик раҳбарларининг ўзлари баъзан оддий инсоний муомалага риоя қилишмайди. Масалан, бир хўжаликда бўлиб, унинг раҳбарларидан совхоздаги илғор бригадалар ишлари билан таништиришни сўрадик. Лекин совхоз директори бизнинг илтимосимизга жуда лоқайд муносабатда бўлди. Биз билан бирга райкомнинг идеология секретари ҳам бор эди. Совхоз директори секретарнинг гапларини ҳам аллақандай бепарволик билан, менсимай эшитаркан, шу пайт ёнимиздан ўтиб бораётган кексароқ кишини кўрсатиб «мана шу ҳам бўлим бошқарувчи, ҳей, қайси бригадаларинг илғор», — деб ҳалиги кишидан сўради. Бўлим бошқарувчи жавоб қилиб улгурмасдан директор ёнимизга келган бир танишини қўлтиқлаганча четга ўтди...

Кўриб турганингиздек, совхоз директори бизга қилган муомаласи орқали ўз қўли остида ишлайдиган кишиларга нисбатан муносабатини ҳам англатди. Инсон ўзининг хўжалик ишларига, айниқса одамларга нисбатан лоқайдлигини, совхозда ким қандай ишлаши билан ҳеч бир қизиқмаслигини кўрсатди. Ана шу фактни Сиз қандай изоҳлайсиз?

М. Х. Афсуски, бундай ҳоллар тез-тез учраб туради. Тўғриси, инсоний муносабатларнинг барқ уриб гуллашига, кишиларимизда коммунистик хулқ-атворнинг тўла шаклланишига, бир сўз билан айтганда, янги кишининг камол топишига, кўпинча, ана шундай кишилар тўғаноқ бўлаётирлар. Улардаги манманлик, шуҳратпарастлик, ўтакетган амалпарастлик бошқа бир кишига «юқмаслигига» ким кафиллик бера олади. Бундайлар ўз вазифаларини суиистеъмол қиладилар. Яна бир бор афсуски, ундайлар бизнинг областимизда ҳам учраб туради.

Яқинда область партия комитети область Совети ижроия комитетининг собиқ раиси Б. Элбоевга нисбатан жиддий партиявий чора кўрди. У ўзининг хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ўзи ва ўғиллари учун керагидан ортиқча уй-жой қурдирган. Шунингдек, Б. Элбоевнинг бевосита ёрдами билан унинг акаси, поччаси ҳам керагидан ортиқча уйжой қуришган ва навбатдан ташқари енгил автомобиллар сотиб олишган. Элбоевнинг бундай қилмишларидан Китоб район партия комитети, район ва шаҳар Совети ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар хабардор бўлишсада, лекин унга қарши бирор чора кўришмаган.

Ёки Шаҳрисабз район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Н. Ҳикматов кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қўпол хатога йўл қўйган. Ошириб ёзиш билан шуғулланган. Унинг бундай қўпол хатолари область партия комитетининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Н. Ҳикматов ўз вазифасидан олиб ташланиб, қаттиқ жазоланди. Нишон район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Ж. Хушназаров эса ахлоқий бузуқлиги учун бажараётган ишидан олиб ташланди ва партиявий жазо олди.

Кўриниб турибдики, ҳали орамизда раҳбарлик ишларига тасодифан келиб қолган ахлоқий-маънавий жиҳатдан заиф кишилар учрайди. Область партия комитети партиявий этика нормалари ва принципларини бузган, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган, нокамтар, мунофиқлик, порахўрлик билан шуғулланган, коммунист деган юксак номга доғ туширган ва ленинчи партиямизга ахлоқий зиён келтирган кишиларга нисбатан бундан кейин ҳам шафқатсиз бўлаверади.

М. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми адабиётни ривожлантириш ишига, ёзувчиларнинг ҳаёт билан ҳар доим ҳамнафас бўлишига катта эътибор берди. Хусусан, ўртоқ Ю. В. Андропов «Партия санъатнинг ривожланишини ҳамиша у халқ манфаатларига хизмат қиладиган тарзда йўналтириб бораверади» деб айтди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, областда адабий муҳит қай даражада! Қолаверса, Сизнинг адабиётимизда яратилаётган хўжалик раҳбарлари образларига муносабатингиз қандай?

М. Х. Адабиёт ва санъат ижтимоий ҳаётимиз кўзгуси. Баъзан шундай бўлади: бирор бир бадиий асарни ўқиш жараёнида образлардаги фазилат ва қусурлар ўзингда ҳам борлиги ёки йўқлиги ҳақида ўйлаб кетасан киши. Китоб қаҳрамонига ўзингни қиёслайсан. Агар дидингга ёқиб қолган образ бўлса унга ўхшагинг, «тақлид» қилгинг келади. Мен ана шундай, китобхонга ўз характерини юқтира оладиган образларни ёқтираман. Кўпгина атоқли ёзувчиларимизнинг, ёшларнинг ҳам асарлари ёқади. Айниқса, Асқад Мухторнинг Мардонқул Заргарови, Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романидаги Отақўзи ёки Ўктам Усмонов яратган жонкуяр, одил бригадир менга жуда ҳам маъқул. Бу образларнинг ютуғи шундаки, улар тирик одамлардир. Бу қаҳрамонларнинг қалб призмаси орқали ўтадиган барча ташвишлар, муаммолар ўқувчини ўйлашга, ўз-ўзига ҳаётда тўғри яшаяпманми, деган саволни беришга мажбур этади.

Кези келганда, ёзувчиларимизга ҳам бироз эътирозимиз борлигини айтишим лозим. Қарши дашти ўзлаштирила бошлангандан буён 20 йил вақт ўтди. Қалдирғоч чўлқуварлар қандай қийинчиликлар билан қўриқ очишган? Уларнинг бугунги авлоди қандай ишларни бажаришяпти? Чўлқуварларнинг орзу-мақсадлари, интилишлари, муҳаббатлари қай даражада намоён бўлмоқда? Ахир бу ерда ажойиб кишилар — турли миллат вакиллари меҳнат қилишмоқда. Афсуски, уларнинг қаҳрамона меҳнатлари ҳозирча на адабиётда ва на санъатда ўз ифодасини тўла топганича йўқ. Чўлқуварларнинг шарафли меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи, ҳатто қисқа метражли ёки телевизион фильмлар ҳам яратилгани йўқ.

Лекин бундай эътирозлардан қатъи назар Қарши чўлининг барча меҳнаткашлари адабиёт ва санъат кишиларининг сўзларига доимо махтал. Уларнинг ҳар бир ташрифини хушнудлик билан кутиб оладилар.

М. Мароқли суҳбатингиз учун, раҳмат

Суҳбатни махсус мухбиримиз Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ ёзиб олди

КИТОБНИНГ ҚАДРИ

Газетанинг шу йил 19 август сонида босилган «Маънавий хазина калити» мақоласида жуда муҳим масала кўтарилган, кўпчилик китобхонларнинг юрагидаги гаплар айтилган. Қаламга олинган муаммоларни бизнинг шаҳар кутубхоналарида ҳам учратиш мумкин.

Посёлкамиз шаҳар деб эълон қилинганига икки йил бўлди. Лекин кутубхона қаерда, деб сўрасангиз, бирор кишидан тайинли жавоб ололмайсиз. Чунки марказий кутубхона шаҳар марказидан олти километр узоқликдаги «Бўстон» қишлоқ Советида жойлашган. Ишдан сўнг транспорт бўлмайди, дам олиш кунлари кутубхона ишламайди. Тўғри, район пахта тозалаш заводи ва «СССР 50 йиллиги» паррандачилик фабрикаларида марказий кутубхонанинг иккита филиали бор, шаҳардаги эски клуб биносида эса болалар кутубхонаси жойлашган. Филиаллар фақат корхона ишчиларига хизмат қилади. Уларда ўқув заллари йўқ, китоб жавонлари ва кутубхоначи иш олиб борадиган жой битта хонада жойлашган. Пахта тозалаш заводида жойлашган кутубхонага кирсангиз ҳали иплари ечилмаган, даста- даста китобларга кўзингиз тушади.

—Нима қилай, —дейди кутубхоначи Мусаллам Қурбонова. —Ўзим ҳам ачинаман. Жой йўқ, жавонлар етишмайди. Кутубхонага тегишли ташкилот раҳбарлари эса эътибор беришмайди.

Мақолада фойдаланилмасдан макулатурага топширилаётган китоблар ҳақида ҳам асосли гаплар айтилган.

Бир куни юқорида айтилган паррандачилик фабрикасида жойлашган кутубхонага бордим. Хона бурчагида уюлиб ётган китоб тахламларини чанг босиб ётарди. Ўша томонга юра бошлаган эдим, кутубхоначи тўхтатди: «Мумкин эмас. Улар рўйхатдан ўчирилган китоблар, макулатурага топширилади». Мен олмасликка ваъда бериб кўра бошладим. У ерда нималар йўқ эди дейсиз. Жюль Верн, Мигел де Сервантес, Жек Лондонинг босмадан чиққандан буён очиб кўрилмаган китоблари.

Наҳотки, бу нодир китоблар ўз ўқувчисини кўрмай туриб рўйхатдан ўчирилиб, макулатурага топширилиб кетаверса? Бу учун наҳотки ҳеч ким адабиёт олдида, улуғ санъаткорлар олдида, ўқувчилар ва китобхонлар олдида ўзини жавобгар, деб билмаса?

А. САИДОВ
Қизилтепа райони

АКС САДО

ЗИЁ МАСКАНИ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил 19 август сонида эълон қилинган А. Жўраевнинг «Маънавий хазина калити» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Кутубхоналар ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда унинг қаерга жойлашгани катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси талабга жавоб беради. Лекин, мақола автори таъкидлаганидек, кутубхонанинг бир-биридан анча узоқ икки бинода жойлашганлиги китобхонларга анча ноқулайлик туғдирмоқда.

Москва, Ленинград каби бир қатор шаҳарларда китобхон уйидан туриб ўзига керакли китобни буюртма қилиши мумкин. Нега Тошкент кутубхоналарида бундай қулайлик йўқ? Сиз бир китобдан икки соат фойдаланишингиз керак дейлик. Уйингиз шаҳарнинг четида. Келиб китобни буюртма қилиб уйингизга қайтиб кетгунингизча икки соат вақт ўтади. Эртаси куни ҳам йўлга шунча вақт сарф бўлади. Телефонда буюртма қабул қилиш амалга оширилса, китобхонларнинг қимматли вақти анча тежалган бўларди.

Тошкент область марказий кутубхонаси Октябрь колхоз бозорида жойлашган. Бозор гавжум жой. Лекин у ерда шунақа кутубхона борлигини кўплар билмайди. Чунки у бозорнинг одамлар кам ўтадиган, аммо ғала-ғовур эшитилиб турадиган қисмида жойлашган. Шунинг учун ҳам кутубхонанинг ўқув залларида китоб ўқишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бундан ташқари 1982 йилнинг 12 майидан буён кутубхона биноси авария ҳолатида бўлганлиги учун ишламайди. Лекин шу пайтгача уни ремонт қилиш ёки бошқа бинога кўчириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаяпти. Кутубхона ходимларининг эшикка эълон осишдан бўлак чоралари қолмаганга ўхшайди.

Бу ҳол қачонгача давом этади?

Т. УММАТОВ,
студент

КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР КЕРАК

Мақолада оммабоп, қизғин масалалар кўтарилган. Қаламга олинган муаммоларга эътиборсиз қараб бўлмайди. «Улуғбек хазинаси» романидаги Али Қушчининг устозидан қолган китобларни авлодларга етказиш йўлидаги машаққатларини бир эслайлик. У бу эзгу ишда қанча қийинчиликларни бошидан кечирмади?!

Ота-боболаримиздан, замондошларимиздан қолган беҳисоб бойлик— нодир ва камёб китоблар кутубхоналаримиз ҳимоясида. У нафақат бизга, балки келгуси авлодларга ҳам хизмат қилиши керак.

Кутубхона — муқаддас даргоҳ. Афсуски, баъзи бир кутубхона ходимлари бу муқаддас даргоҳларда нима сақланаётганлигини ўзлари яхши билмайди. Баъзи китобларни сўраб борсанг, гўё биринчи марта эшитаётгандай анграйиб қолишади. Уларнинг ўз соҳасига қизиқмаслиги, шу жойдаги иш жараёнини ёмон ташкил этилганлиги сезилиб туради. Умуман, кутубхоначи кадрлар етиштириб берадиган ўқув юртлари ишни тубдан яхшилашлари лозим. Бу ҳақда мақолада жуда ўринли фикрлар айтилган.

Б. ОМОНОВ

БУ—ОЛИЖАНОБЛИК!

Ҳурматли редакция!

Ёзувчи Хайриддин Султоновнинг «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» (Ёшлик, 1983, 3-сон) қиссаси ҳақидаги икки фикрни ўқиб, бир неча кун мулоҳаза қилиб, ақл тарозисида ўлчаб, кейин Сизга хат ёзишга жазм қилдим. Айрим адабиётчилар Хайриддин Султоновнинг қиссаси, ғурбатзадалик, ғам-ғуссаларга тўлиб кетган, бу китобхонга малол келади, деганга ўхшаш фикрлар билдирдилар. Менга бу гаплар ғалати туюлди. Қачондан бошлаб адабиётга, адабий асарга бундай кўз билан, бундай ўлчов билан қараш бошланди? Хўш, Отабек ўлими, Кумушбиби фожиаси ё буюк Шекспирнинг «Гамлет» асаридаги фожиа, Гарсиа Маркеснинг «Юз йил танҳоликда» асаридаги бутун хонадон фожиасини, Гоголь, Чехов, Салтиков-Шчедрин асарларидаги фожиавийликни унда қандай изоҳлаймиз?

Насиббекнинг қурбон бўлишига ўхшаш воқеа бизнинг гузарда ҳам бўлувди. Адаш Карвон ўз ўғлининг қотили— Сатторнинг гуноҳидан кечади. Ахир, асардаги бу нурли чизиқ инсонийликнинг юқори нуқтаси эмасми? Лекин бу, яна билмадиму, чап юзингга урсалар, ўнг бетингни тут, деган фалсафа натижаси эмас. Бу— мўминлик ҳам эмас. Бу —олижаноблик. Агар автор Сатторни турмага ташласа ё олий жазога ҳукм этса, нима бўларди! Тайёр сюжет қолипи ҳосил этиларди-ку! Ваҳоланки, асар ечимида Саттор абадий оғир жазога маҳкум. Ўзининг гуноҳкорлигини бир зум ҳам эсдан чиқаролмайди, таниш-билишлар кўзига қаролмайди, уйланолмайди, телбадай юради. Бундан ортиқ жазо борми кишига!

Адаш Карвондаги эътиқод, пок имон талаби худди шундай, у бошқача йўл тутиши мумкин эмас.

Адаш Карвонни 20 йил кутган Ойниса образи нақадар миллий, ўзбекона. Бу ҳам асардаги нурли нуқталардан эмасми? Гапнинг тўғриси, мен бу асарни ўқиб (баҳсгача ва баҳсдан кейин ҳам) адабиётимизда яна бир оригинал қисса пайдо бўлибди, деган фикрга келдим.

Тўғри, асар камчиликлардан ҳам холи эмас, лекин уларни бошқача таҳлил этиш керак эди.

Ғулом АБДУҚОДИРОВ,
инженер
Бухоро

ТЕЖАМКОРЛИК ҲАҚИДА

Яқинда совхозимизда 680 ўринли икки қаватли янги мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди. Ҳамма хурсанд. Айниқса болаларни айтмайсизми. Янги бинога кўчиб ўтилгач, уч ойдан кейин синф хоналарининг эшиклари деярли яроқсиз ҳолга келди. Кўпчилиги алмаштирилди. Ачинарлиси, ўн саккизта деразанинг ойналари биринчи шамолдаёқ синиб тушди.

Тасаввур қилинг: мактаб раҳбарларининг ойна қидириб магазинма- магазин, ташкилотма- ташкилот югуришлари...

Хўш, нима учун шундай, айб кимда! Тўғрисини айтганда, буни қурилишнинг сифатсизлигида дейишдан олдин лойиҳа ҳақида ўйлаш зарур. Чунки янги корпуснинг эшиклари картондан, дераза кўзлари эса ҳаддан зиёд катта — 120—150 сантиметрли ойналардан иборат эди. Бизнингча, бу тежамкорликка кирмайди. Айниқса, болалар муассасалари учун қуриладиган катта-кичик ҳар бир бинонинг лойиҳаси ҳар томонлама пишиқ-пухта ўйлашни талаб этади.

Юқоридаги камчиликлар райондаги турли ташкилот биноларида, лойиҳаларида тез-тез учрайди.

Набижон ОРТИҚОВ
Риштон



ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ КИРИТАДИ

Ҳурматли редакция!

Кейинги пайтларда қамишдан ясалган турли буюмлар камайиб кетди. Ота-боболаримиз бу арзон ва ноёб ўсимликдан бўйра, дераза дарпардалари, чиройли пардоз қутилар, сумкачалар тайёрлашган. Ахир, бу ҳам бир санъат-ку!

Оддий бўйранинг бир неча хил хислати бор. Биринчидан, у энг яхши изоляция вазифасини ўтайди. Кигиз остига ёйсангиз, зах ўтказмайди. Бўйра устида қуритилган майиз сифатли бўлади. Ҳозир кўпгина жойларда майизчиликни ривожлантириш тадбирлари кўрилмоқда. Ширали, каҳрабодек милдираб турадиган майиз тайёрлаш учун эса кўплаб бўйра ва чипталар зарур.

Сўнгги йилларда ирригация- мелиорация тармоқларининг ривожланиши сабабли қамиш янада кўпайди. Агар, яна илгаригидек бўйрачилик цехлари, қамиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилса айни муддао бўларди.

Х. ХУДОЙҚУЛОВ

* * *

Бухородаги қадимий обидаларни таъмирловчи усталар тайёрлайдиган билим юрти очилса кўнгилдагидек бўларди. Чунки таъмирловчи усталар Бухородагина эмас, бошқа жойларда ҳам етишмаяпти.

А. ТОШПУЛАТОВ

* * *

Республикамизда кўплаб ғорлар бор. Лекин уларнинг ҳаммасига ҳам асосан мутахассисларгина кириши мумкин. Чет эллардаги ёки Кавказдаги сингари айрим ғорларда йўлкалар қилиб, уларни ёритиш йўлга қўйилиши зарур, деб биламан.

Ж. ЖАБРИЕВ

МУТАХАССИС ЖАВОБ БЕРАДИ

«Ҳурматли редакция! «Фан» нашриётида босмадан чиққан «Ўзбекистон ССР Қизил китоби»ни варақлаб, унга асосан нодир ҳайвонлар ва паррандалар киритилганига ишонч ҳосил қилдик. Бизнинг республикамизда ўсимликлар ҳам ана шу нодир жониворлардек ҳимояга олинганми ёки йўқми? Шу ҳақда билмоқчи эдик.

И. ТУРҒУНОВ
Ургут

Ҳа, ўсимликлар ҳам қонун йўли билан ҳимояга олинган. Республикамизда ўсадиган 400 турдан кўпроқ ўсимлик эндиликда «Ўзбекистон ССР Қизил китоби»га киритилган. Яқиндагина Ўзбекистон табиатни қўриқлаш жамияти бу китобни алоҳида брошюра тарзида босмадан чиқарди.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, республикамизнинг табиати жуда ҳам бой. Бизда ўсадиган айрим ўсимликларни дунёнинг бошқа бирор жойида учратиш қийин. Улардан айримларининг аҳамияти ҳали тўла тадқиқ этилмаган. Ботаникларимиз эса республикамиз бўйича 4 мингдан кўпроқ ўсимлик турини рўйхатга олишган. Нодир ўсимликларни сақлаб қолиш ишлари эса бизда асосан энди ривожланяпти. Чунки фақат бизда ўсадиган бир талай ўсимликлар кескин камайиб кетяпти. Бунга мисол қилиб, анзур пиёз, ширач, лола, бозулбанд сингари гиёҳларни кўрсатиш ўринлидир. Масалан, Туркистон, Ҳисор тоғ тизмаларида ўсадиган анзур пиёзининг меваси жуда хуштаъм ва шифобахш бўлганлиги учун кўплаб қазиб олинмоқда. Олимларимиз бу ўсимликни маданийлаштиришга ҳам эришолмаяптилар. Тоғ лолаларининг қисмати ҳам шунга ўхшаш. Асосан тоғларимизда ўсадиган турли лолалар баҳор пайтлари кўплаб териб олиняпти. Боботоғ, Бойсун тоғларида ўсадиган ширач эса гулининг жозибалиги билан диққатга сазовор. Шунингдек, унинг эндигина ердан униб чиққан барглари нонга қўшиб пиширилади. Бозулбанд ўсимлиги эса турли касалликларга шифо. Шунинг учун у пала-партиш тарзда териб олиняпти.

Айрим кишилар бу ўсимликларни бойлик орттириш манбаига айлантириб олганги ҳам сир эмас. Табиат бойликларини топтайдиган кишилар қонун олдида жавоб беришлари керак.

Р. ШАРОПОВА,
биолог

* * *

Айрим ўта лоқайд медицина ходимлари борки, улар ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб беморга ёрдам қўлини чўзмайдилар. Бундай медицина ходимларига нисбатан жиноий чоралар қўллаш мумкинми?

И. ҲОШИМОВ
Наманган

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 109-моддасига биноан врач ёки ҳамшира кўрабила туриб беморга ёрдам кўрсатмаган бўлса ва бунинг оқибатида бемор яна оғирлашиб қолса, айбдор шахс икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинади ёки бир йилгача мажбурий хизматга ҳукм этилади.

И. ОРИПОВ
юрист

АВГУСТ ПОЧТАСИ

Август ойи давомида редакция бўлимлари газетхонлардан 620 та хат олди. Айниқса, ижтимоий- сиёсий, сатира ва юмор, адабиёт, санъат бўлимларининг почтаси салмоқли бўлди.

Редакцияга келаётган хатлар ўзининг мавзу доираси, географияси билан ҳам ғоятда ранг-баранг. Кимдир газетада ёритилган мақола, шеър ёки ҳикоядан таъсирланиб мактуб йўлласа, бошқа биров ўзининг ҳаётий таклифи, қимматли мулоҳазалари билан очиқ, рўй-рост ўртоқлашади.

Кейинги пайтларда газетамизда эълон қилинган А. Жўраевнинг «Касб—умр зийнати», Ҳ. Олимжоновнинг «Эр, хотин, уй ва фарзандлар», Р. Рауповнинг «Муовиннинг мавқеи» сингари мақолалари қизғин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Тошкент Давлат маданият институтининг ўқитувчиси **Н. Нуриноов** «Касб — умр зийнати» мақоласи юзасидан йўллаган мактубида, жумладан, бундай деб ёзади: «Мақолада таъкидланганидек, ёшлар нотўғри касб танлашининг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор. Баъзан ота-оналар касб танлаш масаласида ўз фарзандларига тўғридан-тўғри тазйиқ ҳам ўтказадилар».

Автор, шунингдек, ленинградлик тадқиқотчиларнинг методикаси асосида, илк маош, авлодлар учрашуви, мураббийлар куни сингари анъаналарни нишонлашни тавсия этади.

Мазкур мунозарага қўшилган наманганлик **М. Пўлатов** билим юртларини битирган ўқувчиларни ишга жойлаштириш масаласига эътиборни тортади. Ўқишни битириб чиққанларнинг аксарияти ишга жойлашолмай қолаётганлигининг туб сабабларини қидиради.

Самарқандлик **А. Холиқов, И. Муҳаммадиев,** бухоролик **Б. Бақоев,** хоразмлик **И. Матниёзов** ўртоқлар эса «Муовиннинг мавқеи» мақоласи юзасидан қимматли таклиф, мулоҳазаларни ўртага ташлашади. Муаллифларимиз жумладан, раиснинг маданий ишлар бўйича ўринбосарларини транспорт билан таъминлаш, уларга асосан ўз юмушлари билан шуғулланиш учун имконият яратиб бериш зарурлигини таъкидлашади.

Бир қатор газетхонлар эса яна ўртача колхозлар муаммосига қайтишни, бу масалани системали ёритиб бориш зарурлигини таклиф этишган. Марҳаматлик **О. Ҳамдамов** ўзи яшайдиган Ильич номидаги колхоз ҳақида қалам тебратиб, унинг кўп йиллардан буён ўртача бўлиб қолаётгани, раҳбарлик ва экономикадаги айрим иллатлар тўғрисида мушоҳада юритади. Фарғона районидаги 43-ўрта мактаб ўқитувчиси **А. Аминжонов** «Партия XIX съезди» колхози фаолияти ҳақида шундай ёзади:

«Ўринбой ака Ҳожиматов раислик қилган 1962 —1975 йилларда хўжалик экономикаси гуркираб ўсган эди. Аммо у киши бошқа ишга ўтказилиши билан колхоз ўртача даражага тушиб қолди. Ўтган йиллар давомида хўжаликка раҳбарлик қилган ўртоқлар даромадни аввалги йиллардагига етказолмаяптилар».

Газетхонларимизни одобахлоқ мавзуи ҳам жиддий қизиқтирмоқда. Тошкентлик **К. Тўлабоев** устозларни эъзозлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлигини ёзиб, бу ҳақда кўплаб ибратли мисоллар келтиради. Бунинг учун эса авлодлар учрашувлари ўтказиб туриш катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этади.

Андижонлик **Б. Бултурова** газетамизнинг 29 июль сонида эълон қилинган «Эр, хотин, уй ва фарзандлар» мақоласи юзасидан фикр билдириб: «Ҳаётда яхши одамларнинг кўплиги бизнинг бахтимиз», дейди. Ўз умр йўлида кўп қийинчиликларга дуч келган Мастура Ҳотамованинг иродасига таҳсинлар айтади. Жамоатчилик оиладаги низоларга бефарқ бўлиб қолмаслиги зарурлигини таъкидлайди.

Фарғоналик **С. Исомиддинов** газетамизнинг шу йил 22 июль сонида босилган У. Матқосимовнинг «Виждон пок бўлса» мақоласидан таъсирланиб, орамизда учраб турадиган безбет, текинхўр одамларга нисбатан муросасиз бўлишга, уларни фош этишга чақиради. Газетхонлар бизга йўллаётган мактубларида совет кишиларининг ибратли ишлари, ватанпарварликлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қиладилар. Иштихон район Энгельс номидаги колхозда истиқомат қилувчи Тошбобо Ашуров ўз шахсий хўжалигидан бу йил давлатга минг тонна мева топширган. Биз бундай саховатли кишилар билан фахрланишимиз керак. Самарқандлик журналист **Ш. Селимов** ана шу ҳақда ёзиб юборган.

Сурхондарёлик **Г. Бозорова,** фарғоналик **К. Солиев, Т. Тусназаров,** бухоролик **А. Бозоров,** тошкентлик **Ш. Фозилова, Т. Норбўтаева,** хоразмлик **У. Матқурбонов,** навоийлик **Ғ. Султонов,** жиззахлик **О. Исломова,** самарқандлик **Г. Омонованинг** мактубларида ҳам ахлоқодоб, инсон фазилати, одамлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар тилга олинади. Газетада шундай масалалар бўйича қизиқарли чиқишлар мунтазам бериб борилса, деган истак билдирилади.

Редакция ўз навбатида бизга ишонч билан мактуб йўллаган газетхонларга ташаккур изҳор этади, алоқаларимиз тобора фаол ҳамда мустаҳкам бўлиб бориши ҳар икки томонга ҳам катта маънавий наф келтиради, деб умид қилади.

Хатларингизни кутамиз, ҳурматли газетхонлар!

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари—амалда

> **ИДЕОЛОГИЯ, ТАРБИЯ ИШИ АВВАЛО ПАРТИЯНИНГ ОММА БИЛАН АЛОҚАСИ МАСАЛАСИДИР.**
>
> **Ю. В. АНДРОПОВ**

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

ҚИШЛОҚ БАЙРАМЛАРИ

Неъмат АМИНОВ

- «Партизан»нинг эътирози
- Байрамнинг туғилиши
- Ғоядан—амалий ишга
- Афсонанинг давоми
- Оммалашса арзигулик

Халқимиз азал-азалдан маънавий бой, урфиятчи. Ҳар қандай фойдали маросим ва анъаналарни кўксига гул, бошига тож қилиб таққан. У босган қадамидан эзгулик излайди, қадаган уруғидан барака. Урф-одат, анъана дегани—бу дунёқараш дегани, турмуш тарзи дегани. Ривожланган социалистик жамиятимизда янгича урф-одатлар, анъана ва маросимлар йил сайин кўпайиб бормоқда: йигит-қизларга совет паспортлари ва «меҳнат дафтарча»ларини тантанали суратда топшириш, йигитларни ҳарбий хизматга жўнатиш, «Авлодлар учрашуви», «Биринчи маош», «Қизлар давраси» ва ҳоказолар. Бугун биз қаламга олмоқчи бўлган янги, ажойиб маросим КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумидан кейин туғилди ва қисқа фурсатда бир район миқёсида анъанага айланиб кетди. Унинг туғилган жойи—Бухоро область, Ромитан райони.

«ПАРТИЗАН»НИНГ ЭЪТИРОЗИ

Қаердаки фикр зўр бўлса, у ерда иш ҳам зўр бўлади.
В. ШЕКСПИР

ИККАЛА секретарь бир машинада камдан-кам юришади. Район партия комитетининг биринчи секретари Ҳамро Саидов «Октябрь 50 йиллиги» совхозида кўчма бюрони туғаллагач, атрофдагилар билан ҳорғин хайрлашди. Қорачадан келган, куйди-пишди, серҳаракат жувон, идеология бўйича райком секретари Моҳира Фармоновага юзланди.

—Сиз ҳам бизнинг машинага чиқинг.

—Машина бор эди-ку, — деди Моҳира Фаттоҳовна ийманиб, — кеча ремонтдан чиқарди.

Ҳамро Саидович ўз машинасининг олдинги эшигини очиб имлади.

—Ўтиринг, бирга кетамиз. Ҳазрат бизнинг изимиздан ҳайдасин.

Иккала секретарь машинага ўтиришди. Машина оҳиста ўрнидан қўзғалди. Моҳира Фаттоҳовна тунов куни биринчи секретарь ундан районда нечта «Қаҳрамон она» бор, деб сўраганини, ўзининг жавоб беролмаганини эслади. Шунда Ҳамро Саидович: «Ахир, сиз ҳам онасиз-ку, наҳотки, шуни билмасангиз?» —деди ва хотин-қизлар ҳаётига оид яна бир нечта масалани сўради. Моҳира бу саволларнинг айримларига жавоб берди, айримларига йўқ. Кейин хўжаликка оид, ободонлаштиришга оид саволлар бўлди. У қизариб, терлаб кетди. Аввалги биринчи секретарь бу қадар талабчан эмас эди. Ҳамро Саидович «Сайланганингизга уч йилча бўляпти, наҳотки шу масалалар билан қизиқмаган бўлсангиз, — деди жиддий, —бу масалалар билан шуғулланиш ҳаммамизнинг, биринчи навбатда, Сизнинг вазифангиз...» «Бугун ҳам ўша кундагидек яна саволга тутса-я...» Йўқ, бу гал биринчи секретарь ҳа деганда гапиравермади. Бошини орқага ташлаб мудраб кетяпти. «Чарчабди», дея кўнглидан кечирди Моҳира. Лекин у янглишган эди. Шу пайт улар асфальт йўл кечиб ўтган қишлоқ оралаб борардилар.

—Бу қишлоқнинг номини биласизми? — деб сўради Ҳамро Саидович.

— Наримонов номидаги колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Истам Турсунов бошлиқ бригадаси.

—Қишлоқнинг номи нима? Хайрият шофёр унинг жонига ора кирди.

—Дўрмон қишлоғи.

—Ҳа, баракалла. Машинани бир пас йўл четида тўхтатинг. Тушинглар. Энди мана бу томонга қаранг: анави ғўзапояларни кўряпсизми, анави пичан, маккажўхори поялари босилган лойшувоқ томларни-чи? Бу томондаги ипак қурти яланғочлаган шох-шаббаларни-чи, янтоқ ғарамларига қаранг, манави ҳовлини ўраб олган қамишларни кўринг. Шу ерда ҳам одамлар яшашади. Фақат лоқайд одамлар... Шундай асфальтдан тушиб йигирма қадам келадиган анави ҳовлига бориб кўринг-чи, чангдан осиёбонга айланасиз, қоласиз.. Мана сизга Қаҳрамоннинг қишлоғи. Тўхтанг, гапимни бўлманг. Бу фикр менда ўз-ўзидан туғилгани йўқ. Янги сайланган пайтларим эди. Шу ердан ўтаверсам, олдимни бир йигит тўсиб чиқди. Қарасам, эски танишим — «Партизан» лақабли сувчи. Шарттагўйлигидан шу лақабни олган бўлса керак. Машинани тўхтатдим. Тўй қилмоқчи экан. Магазинда пахта йўқ, дейди. Пахтани нима қиласиз, десам, кўрпа тикамиз, дейди. Ўтиринг машинага, дедим. Район марказига олиб келдим. «Мебель» магазинига кириб қалашиб ётган қипқизил сатин, шоҳи кўрпаларни кўрсатдим. Ҳайрон бўлиб, бу қимматда, дейди. Кейин чўтни ёнимга тортиб, кўрпанинг сатинини, пахтасини, унга кетадиган ип ва меҳнатни ҳисоблаб бердим. У бошини қашлаб туриб, тўғри айтасиз, шу томонини ўйламаган эканмиз, дейди. Чўнтагидан пул чиқариб бешта кўрпа, ўнта пар ёстиқ сотиб олди. «Энди машинангизга ортамиз-да, райком бува, тўйга қўшганингиз шу бўлади», дейди. Рози бўлдим. Қарасам, соқоли ҳам ўсиб кетган. «Соқолни неча кунда оласиз?» дедим. «Тўғри келганда, баъзан уч кунда, баъзан ҳафтада бир». «Бу яхши эмас, ҳали ёшсиз...» «Ҳа, энди колхозчиликда.» «Уйингизда электр борми?» «Ҳо-ҳо, шу пайтда иликтр ўтмаган хонадон қолдими?» Сўзсиз уни «Гуландом» магазинига олиб кирдим. Сотувчининг олдига иккита ўн сўмлик ташладим. «Мана бу кишига битта «Бердекс» соқолтарашлагич беринг!» У пулимни олиб чўнтагимга тиқди. «Нима, бизни камбағал деб ўйлайсиз, чоғи. Шукур пулимиз бор. Кимсан эллик центнерчи бригаданинг донгдор сувчиси бўлсак. Газетларда суратимиз чиқиб турган бўлса. Мана пул, мана пул... ҳозир битта «Жигули» ажратинг, сотиб олмаган номард. Олинг, яхшиликча пулингизни. Лекин бу сабилни ишлата олмайманда, яна тўк уриб...» Сотувчи йигит кула-кула соқолтарашлагични ишлатиб «Партизан»нинг соқолини олиб қўйди. «Партизан» пештахтадаги ойнага қараб, силлиқ юзларини силади. Кейин «Энди бир шиша атир ҳам беринг, мундай сепиб янгангизнинг ёнига сасиброқ борайлик», дея пул ташлади... Яқинда шу қишлоқдан ўтаётиб яна «Партизан»ни учратдим. У даладан қайтаётган экан. Жуда хушчақчақ. «Раҳмат, райком бува, дейди, — иликтрбритвангиз жуда зўр экан. Жоининг роҳати. Янгангиз ҳам хурсанд. Уста Облоқулга ялинишдан ҳам халос бўлдик. Аллақачон пули чиқиб кетди.» Бригадирни сўрадим. «Соқижондаги ўн гектарликда ўзи сув тараб юрибди», деди. Унга зап бригадирларинг борда, деб мақтаган бўлдим. «Тўғри, — деди у ўйчан,— бригадиримиз деҳқон одам. Ишнинг кўзини, пахтани билади. Ўнгида ҳам — пахта, тушида ҳам — пахта. Лекинчи бир гап. Ўзига айтсангиз ҳам майли, қўрқмайман. Фақат бир камчилиги бор— ободончилик билан иши йўқ. Агар унинг ўрнида бўлсам, биласизми, нима қилардим?» «Нима қилардингиз?» «Аввало, қишлоққа газ киритардим. Труба худди ана шу ердан, оёғимнинг тагидан ўтган. Кейин ҳамма хонадонларни тозалаб, оқлатардим... Ҳа, яна ҳар бир хонадонга мажбурий равишда биттадан халаделник ва биттадан иликтрбритва олиб берардим. Қишлоқнинг аҳволига қаранг. Шу қишлоқни ўзингиз директорлик қилган совхознинг қишлоқлари билан солиштириб кўринг...»

«Партизан»га муносиброқ бир жавоб топиб бера олмадим. Унинг эътирозларида жон бор эди. Кўнглини кўтарган бўлдим. Лекин аниқ бир гап айта олмадим. Ҳақиқатан ҳам, районимизда шу хил қаровсиз қишлоқлар жуда кўп. Ҳали-ҳали бошим қотиб юрибди. «Партизан»га нима деб жавоб берса бўлади?

Моҳира Фаттоҳовна ер остидан биринчи секретарга қаради.

—Ўйлаб кўриш керак.

Ҳамро Саидов машинага сўзсиз чиқиб ўтирди, изидан у ҳам. Яна узоқ жим кетишди. Бу орада машина райкомнинг ҳашаматли биноси олдига келиб тўхтади. Ҳамро Саидович брезент этигини тап-тап уриб чангдан тозалади ва оҳиста зинага қадам қўяркан, сал чекиниб Моҳирани олдинга ўтказди.

— Бўпти, ўйлаб кўринг, уч кундан кейин шу масалада яна суҳбатлашамиз.

БАЙРАМНИНГ ТУҒИЛИШИ

Цивилизациянинг асосий вазифаси — инсонни фикрлашга ўргатишдир.
Т. ЭДИСОН

УЧ кундан кейин Моҳира Фаттоҳовна тўрт варақ тадбир билан Ҳамро Саидов ҳузурига кирди. Унда райондаги 165 қишлоқнинг номлари келтирилган бўлиб, ана шу қишлоқлардаги барча ҳовли-жойларнинг озода, кўркам ва обод қилиш бобидаги вазифалар белгилаб чиқилган эди. Бунинг учун биринчи навбатда колхоз ва совхоз партия комитетларининг секретарлари, маданий-маиший ишлар бўйича раҳбарларнинг ўринбосарлари, донгдор кишилар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, маориф, маданият ва медицина ходимлари, ижодкор зиёлилардан иборат марказлашган штаб тузилади. Ана шу штаб ёрдамида ҳар ойда беш-олтитадан қишлоқни тартибга келтириш мумкин. Ойнинг маълум бир кунида кўп олдида якун ясалади.

—Жуда яхши ўйлабсиз, — дея ўрнидан туриб кетди Ҳамро Саидов, —айни кўнгилдаги гаплар. Эҳтимол ўша кунни бутун қишлоқ миқёсида тўй ёки байрам, деб эълон қилса ҳам бўлар. Бу тадбирни дастлаб, донгдор бригадир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Истам Турсунов, машҳур ўқитувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жума Шукуров, донгдор пиллачи, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ҳурмат Тешаева, машҳур маккажўхорикор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муяссар Барноева ўртоқлар яшаётган Дўрмон, Питмон, Саидахотин ва Бахтиёрчи қишлоқларидан бошлаймиз. Байрамгача бутун қишлоқ тартибга келтирилади: деворлар оқланади, эшик — деразалар бўялади. Бунинг учун ҳар бир хонадоннинг масъулиятини оширишимиз керак... Хуллас, бир жаҳон ажойиб ишлар...

Моҳира Фаттоҳовна қувониб кетди.

—Бир гап, — деди у ийманиброқ, — бу тадбирни «Қишлоқ байрамлари» деймизми ёки «Қишлоқ тўйлари»?

Ҳамро Саидович бир муддат ўйга толди.

—Ҳимм... «Уй тўйлари» бор... Келинг, яхшиси, «Қишлоқ байрамлари» бўла қолсин. Ҳа, бу тадбирларни қайтадан кўриб чиқамиз. Бюрода, исполкомнинг кенгайтирилган йиғилишида тасдиқлатиб оламиз.

Районда тозалик ва озодалик учун кураш мавсумий ҳолат эмас. Тозалик ва озодалик бўйича хонадонлар, қишлоқлар орасида конкурслар ҳам ўтказилиб турилади. Район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Саидов Чортуқ қишлоғида яшовчи конкурс ғолиби Бақо Ёқубовга мукофот топширяпти.

ҒОЯДАН—АМАЛИЙ ИШГА

Ҳар бир инсон қалбида ажойиб бир қўнғироқча бор. Биров тегмагунча у сираям жиринглама йди.
М. ГОРЬКИЙ

ЯНГИЛИКНИ тўлалигича, мукаммал тасаввур қилиш учун дастлаб уни атрофлича ўрганмоқ керак экан. Ана шу янгиликни ҳар бир ижрочи онгига етказиш, унинг қалбидаги «ажойиб қўнғироқча»ни беозор, усталик билан чала билиш лозим. «Қишлоқ байрамлари»ни ўтказиш дастлаб осон бўлмади. Қишлоқларда тозалик, саранжомлик ва ободонликни йўлга қўйиш масалалари билан шуғулланувчи иккита штаб тузилди. Буларнинг бирига — район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ж. Фозилов, иккинчисига — район ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Абдуллаева бошлиқ қилиб тайинланди. Район соғлиқни сақлаш, маданият ва маориф бўлимларининг мудирлари, район комсомол ва касаба союз активлари яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Қишлоқ байрам кунигача атрофлича тозаланади, ҳаммаёқ супуриб сидирилади. Ҳовлилардаги уй деворлари, ўчоқ, тандир, токи молхонагача оқлаб чиқилади. Эшик- деразалар зангорига, синчлар қизилга бўялади. Бегона ўтлар, қуриган шох-шаббалар олиб ташланади. Дарахтлар буталади. Иш жуда, шиддат билан бошланиб кетди. Айрим ҳовлилар олдида ўн-ўн беш йиллик ғўзапоя ғарамлари, чириб кетган пичанлар боси- [illegible]

ҳам бўлди. «Тандирга нима ёқамиз?» «Колхозда нонвойхона бор-ку!», «Колхоз нонвойхонасининг нонидан есам жиғилдоним қайнайди». «Айтамиз, танқид қилиб тартибга чақирамиз, жиғилдон қайнамайдиган қилиб нон ёпишади.»

Айрим ғўзапоя ғарамларини кўтарганда турли хил ҳашоротлар ва ҳатто... илон-чаёнлар чиқди. Буни кўрган хонадон соҳибаларининг ўзлари «етти бобо»ларидан қолган ғўзапоя ғарамларини барҳам беришга киришдилар. Кўпгина қишлоқларда кўчалар кенгайтирилиб, шағал тўкилди, асфальт ётқизилди. Дарвоқе, қишлоқ аҳолисига оҳак, бўёқ ва турли хилдаги қурилиш материалларини етказиб беришда «Хўжалик моллари» магазинларининг лаппак билан пашша қўриб ўтирадиган давангир сотувчилари сафарбар этилди. Улар бевосита байрамга тайёргарлик кўраётган қишлоқ марказига автолавкаларда савдо қила бошладилар. «Мебель» магазини ходими хонама-хона юриб аҳолидан буюртмалар қабул қила бошлади. Қишлоқ зиёлилари ўз қишлоқларининг тарихини ўрганишга киришдилар. Бу ерда яшаб ўтган ва яшаётган меҳнат илғорлари, уруш ва меҳнат ветеранларининг ҳаёти тўғрисида қизиқарли маълумотлар тўпланди. Байрамларда бу тўғридаги қизиқарли суҳбатларни, одатдагидек, раҳбар ўртоқлар ва пропагандистлар ўтказадилар. Хонадонлар ўртасида ўзаро ҳашарлар бошланиб кетди. Лекин бу ишлаб чиқаришга заррача ҳам зарар етказмади. Аксинча одамларнинг руҳи тозаланиб, маънавий дунёси бойиб, ишда унум орта борди. «Қишлоқ байрамлари»га хўжакўрсин учун суст тайёргарлик кўраётган айрим хонадонлар районда чиқадиган «Коммунистик мўл-кўлчилик учун» газетасида, район радиоси орқали аёвсиз танқид қилиб борилди. Байрамни ўтказувчи махсус комиссия нафақат ҳовлиларнинг, балки хонадонларнинг ички ишлари билан ҳам қизиқди. Уйни жиҳозлаш, дастурхон тузаш, кийиниш, ҳатто қозон-товоқнинг ювилишигача кўздан кечиришди, тегишли танбеҳ ва йўл-йўриқлар берилди. Натижа, ёмон бўлмади. «Қишлоқ байрамлари» бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа ўтган сари яхшиланиб, бойиб мукаммаллашиб борди.

АФСОНАНИНГ ДАВОМИ

Барака топсинлар, ўз ҳовлимни супуриб, сидирганим, оқлаб, ремонт қилганим учун менга радиоприёмник мукофот бердилар.

Питмон қишлоқлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиси **Ўрин ота НУРУЛЛАЕВ** сўзидан

РАЙОНДАГИ «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг Боғи Саидон, Чортуқ, Карл Маркс номидаги колхознинг Тошрабод ва Чандир, «Ромитан» совхозининг Питмон, Ленин номидаги колхознинг Саидахотин, Наримонов номидаги колхознинг Дўрмон қишлоқларидан кейин байрам нафаси қадимий Қўрғон қишлоқларига ҳам етиб келди.

Маълумки, бу Қўрғон машҳур бобокалонимиз Муҳам- [illegible] ниб ётади. Қўрғон ҳусусида шу қишлоқ кексалари орасида ажойиб бир афсона юради: «Эмишки, Афросиёб деган шоҳнинг якка-ю ягона бир қизи бўлган экан. У ниҳоятда оқила, ниҳоятда гўзал экан. Иттифоқо, шу қиз уйқусизлик касалига дучор бўлибди. Етти иқлим табиблари ҳам унинг дардига шифо топа олмабдилар. Ниҳоят, бир табиб топилибди. У ажойиб бир тахти равон ясатиб, қизни ўшанга ўтқазиб, баланд-баланд, баҳаво ерларда сайр қилдиришни маслаҳат берибди. Шундай қилибдилар. Тахти равонда ўтирган малика узоқ-узоқ ўлкаларда, боғи эрамдек дилкушо манзилларда бўлибди. Бироқ сира ухлай олмабди. Ниҳоят, бир ерга келганда унинг кўзи уйқуга илиниб, тани бироз ором олибди. Шунда ҳалиги ҳаким: «Бу ер ороми тан экан, малика ором олдилар», дея шоҳга хабар юборибди. Шоҳ шу тепалик устига каттакон қўрғон қурдирган экан. Шундан келиб чиққан экан «Ромитан-Оромитан» деган ном ҳам».

Бу, албатта, бир афсона. Ҳозир Қўрғон ҳам, унинг атрофидаги ҳосилдор ерлар ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муяссар Барноева директорлик қилаётган «КПСС XXVI съезди» совхозига қарайди. Бахтиёрчи қишлоғи байрамига қатнашишдан олдин ўша машҳур, афсонавий Қўрғонга кўтариламиз. Жуда баҳаво маскан. Ҳур-ҳур эсаётган салқин шабада танларга ором бағишлайди. Бу ерда қурилган янги типдаги истироҳатгоҳ деворлари кўзни қамаштиради.

Анвойи гуллар устига фонтандан сачраётган шудринг зарралар қуёш нурида марваридланади. Атрофни кузатамиз: Анови тепалик устида «Фарҳод» чойхонаси, унинг ён томонидагиси «Ширин», мана бу ёқда — пастликда «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг замонавий шаҳарчаси...

—Бу иморатни шу йил қурдик, — деди совхоз директори Муяссар Барноева. —Уни қишлоқда турмуш маданиятини ошириш республика кенгашининг раиси, ҳурматли Шароф Рашидовичнинг бу ерга қилган ташрифлари шарафига «Шон-шараф оромгоҳи» деб атадик. Бу ерда совхозимиз меҳнаткашлари чинакамига ҳордиқ чиқарадилар...

... Бахтиёрчи қишлоғи. Гул-гул сув сепилган равон кўча. Икки ёнда алвон байроқлар ҳилпираб турибди. Кўчага кираверишда «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!», «Қишлоғимиз байрамига, марҳабо!» деган сўзлар ёзилган. Йўлнинг икки четидаги қатор кетган ҳовлиларнинг дарвозалари кушод очиқ. Ҳар бир дарвоза олдида ясатилган стол. Унда турли хилдаги нозу неъматлар, мевачевалар улкан гулдасталар атрофида тартиб билан териб қўйилган. Қишлоқ узра қўшиқ янграйди, унга қўшилиб хушчақчақ кулги таралади. Дарвозалар олдида нуроний чоллар, қалби дарё онахонлар, уй бекалари қўллари кўкслари узра меҳмон кутишади. Ота-боболаримизнинг қадимий урф-одатларига содиқ қариялар қишлоқ сайлига келганларни хуштавозе билан кутиб оладилар.

Қишлоқнинг Умаровлар хонадони олдидаги хушманзара боққа стол-стуллар тартиб билан қўйилган. Кексалар бир ёнда, ёшлар бир ёнда. Қишлоқнинг етти ёшаридан етмиш ёшаригача шу ерга тўпланган. Столларда хонадонлардан пишириб чиқилган миллий таомлар — «Тухум барак», «Қовоқ сомса», «Гўжа», «Мошова», «Тешавойи сомса», «Ҳалиса» «Ловияли қайиш», «Тандир кабоб» ва бошқа хил пишириқлар қўйилган. Совхоз директори Муяссар Барноева қишлоқ тарихи ва унинг ҳозирги кишилари ҳақида тўлқинланиб гапиради.

«... Бахтиёрчи қишлоғи Қўрғондаги энг қадимий қишлоқлардан. Тўғриси, бу номни у Улуғ Октябрь революциясига қадар олган. Эзилган, афкор халқ ўзининг бахтсиз қишлоғига яхши орзу-умидлар билан «Бахтиёрчи» номини берган. 1930 йилда ВКП(б)нинг XV съездидан кейин бу ерда ҳам коллектив хўжалик тузилади. Бу колхозга «Камбағал» номи берилади. Унинг биринчи раиси Ўрин Нафасов бўлган...»

«... 1941 йилда немис-фашистлари она Ватанимизга тўсатдан бостириб кирганда 102 нафар қишлоқ йигитлари жангга отландилар. Она еримиз учун бўлган жангларда ҳамқишлоқларимиздан Зариф Ҳамроев, Латиф Маъмуров, ака-ука Ҳамид ва Ҳомид Раҳматовлар, Барот Каримов, Қодир Розиқов сингари элликка яқин йигитларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар...»

«... Ҳозир қишлоғимиз қиёфаси унинг яратувчи кишилари меҳнати билан тобора кўркамлашиб бормоқда. Қишлоғимиздан Субҳон Рамазонов биринчи марта Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланган. Қишлоқда 30 нафар олий маълумотли мутахассис, 50 нафар ўрта маълумотли мутахассис бўлиб, совхоз ишлаб чиқаришига актив иштирок этмоқда. Қишлоғимизда 38 нафар «Қаҳрамон она» бор. Қишлоқдаги ўрта мактабда совхоз ишчиларининг 620 нафар ўғил-қизлари билим ва тарбия олмоқда...»

«... 1983 йилда совхозда 680 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан маккажўхори дони, 140 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштирилади...»

Байрам тантанасида сўзга чиққан меҳнат ветерани Наврўз бобо Болтаев қишлоқ сайлининг ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди ва шу йил ўрта мактабни тугаллаган йигит-қизлардан катта бир группасига «Меҳнат дафтарча»ларини топширди. Ёшлар ўз ота-боболари бошлаб берган муқаддас вазифаларни амалга оширишга, худди ўшалардек яшаб, ўшалардек меҳнат қилишга сўз бердилар.

—Сиз ёшлар ҳар қанча фахрлансангиз, ҳар қанча ғурурлансангиз арзийди, — деди район партия комитетининг биринчи секретари Ҳамро Саидов. — Чунки сиз билан ёнма-ён меҳрибон устозлар, ажойиб, донгдор кишилар меҳнат қиладилар. Улар ва сиз ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида районимиз бўйича 60 минг тонналик пахта хирмони яратишда ва бошқа жабҳаларда бизнинг юксак ишончимизни албатта оқлайсизлар...

Райком секретари биргина қишлоқ мисолида бутун совхоз ва район истиқболларини тасвирлаб берди.

Областдан келган санъаткорлар, район маданият уйининг «Ғунча» ансамбли бадиий ҳаваскорлари катта концерт бердилар. Бу байрамнинг қатнашчиси ҳам ўн-ўн беш нафар меҳмонларни ҳисобга олмаганда Бахтиёрчи қишлоғи аҳолиси эди. Байрам сўнггида тозалик ва ободонлаштиришда фаоллик кўрсатган Тўра Ўринов, Хайри Султонов, Рустам Саидов хонадонларига, уруш ва меҳнат ветеранларидан катта бир группасига қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

Ромитан район Карл Маркс номидаги колхоз пахтазорларида йиғим-теримга тараддуд қизғин. Ёш пахтакор Муҳаррам Гулиева янги ҳосилни чамалаб кўрмоқда.

ОММАЛАШСА АРЗИГУЛИК...

Агар одамга битта балиқ инъом этсангиз, у бир кун тўқ юради. Иккита балиқ инъом этсангиз, икки кун тўқ юради. Агар унга балиқ овлашни ўргатсангиз умр бўйи тўқ юриши мумкин.

ШАРҚ ҲИКМАТЛАРИДАН

«ҚИШЛОҚ байрамлари» қишлоқдан қишлоққа кўчиб юрибди. Деярли ҳар ҳафта икки-уч қишлоқда байрам. Бу реал замон кишиларининг, социалистик қишлоқ меҳнаткашларининг янги туғилган байрами. Бу — озодалик ва ободлик, уй тутиш, меҳмон кутиш, пазандалик, бола тарбияси, санъат ва нафосат, ҳунармандлик ва донишмандлик кўриги ҳамдир. Ҳозир райондаги ҳар бир қишлоқ аҳолиси ўз туғилган қишлоғининг доимий равишда тоза ва обод бўлишига, унинг шарафини ҳамиша улуғлашга ҳаракат қилмоқда. Чунки улар бу яхши, фойдали фазилатларга одатланиб қолишди. Бу янгича, олийжаноб ишлар эса уларнинг турмуш тарзидан муносиб ўрин олди.

—Ватан остонадан бошланади. Бу—ҳақ гап. — дея ҳикоя қилади Бухоро область партия комитетининг секретари Т. Ҳамидов, — шунинг учун биз дастлаб ўз остонамизни, туғилган еримизни муқаддас билишимиз, уни ҳамиша шарафлашимиз керак. Бу жиҳатдан Ромитан район партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, бутун жамоатчилик ва биринчи навбатда қишлоқ меҳнаткашларининг олижаноб ишлари мақтовга сазовордир. Ҳозиргача райондаги 40 қишлоқда байрам ўтказилди. Шу йилнинг ўзида 165 қишлоқнинг ҳаммасида, посёлкалардаги 25 кўчада шу хил байрамлар ўтказилади ва ҳар йилнинг ўша куни бу тадбир такрорланиб, анъана тусини олади. Ҳозирча ромитанликларнинг бу ташаббусини мусобақадош Свердлов райони партия, совет ва комсомол активлари атрофлича ўрганмоқдалар...

РЕДАКЦИЯДАН: Ромитанда давом этаётган «Қишлоқ байрамлари» социалистик қишлоқларимиз қиёфасини янада кўркамлаштириш, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини тағин ҳам ошириш бобидаги жуда ажойиб, қўллаб- қувватлашга арзигулик анъана. Муҳтарам газетхонларимиз мазкур анъана хусусида фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборадилар деган умиддамиз.

Ромитан районида замон талабига жавоб берадиган уйлар қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. «Ромитан» совхозининг марказий посёлкаси.

«Октябрь 50 йиллиги» совхози марказида қад ростлаган ҳаммом қурилишида қадимий ва ҳозирги замон архитектура услублари уйғунлашиб кетган.

Б. МЎМИНОВ фотолари

ПАРТИЯ Марказий Комитетининг июнь Пленуми ижодий ходимларни ижтимоий фаол бўлиш, халқ, партия олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этиш ҳамда бутун куч-ғайратларини маънавий баркамол инсонни шакллантиришга сафарбар қилишга чорлади. «Ижодий изланишга нисбатан актив, сезгир, эътиборли марксча-ленинча танқид бадиий ижодиётга таъсир ўтказишнинг бош методи бўлиши керак, —дейилади КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорида. —Шу билан бирга, бизнинг жамиятимизга, идеологиямизга ёт бўлган қарашлар баён этиладиган, тарихий ҳақиқатдан чекинишларга йўл қўйиладиган ишларга аниқ, партиявий баҳо бериш марксча-ленинча танқиднинг бурчидир. Танқид бадиий жиҳатдан заиф, ғўр асарларга нисбатан ҳам муросасозлик қила олмайди...»

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

ТАНҚИД НИМАНИ КУЗАТАДИ?

Зотан, адабий танқид жамиятнинг бадиий-эстетик қарашларини ифодалар, адабий жараёнда сафарбар этувчилик ва ташкилотчилик омилларидан бири, санъаткорга, халқнинг ижтимоий онгига таъсир кўрсатар экан, у ўзининг ана шу улуғ вазифаси ва мақсадини вақтли матбуот орқали амалга оширади. Шу сабабли биз ўзбек адабий танқидчилигининг бугунги аҳволи юзасидан мулоҳаза юритиш мақсадида «Шарқ юлдузи» ва «Ёшлик» журналларининг 1983 йилги ярим йиллик фаолиятига назар ташлашни ният қилдик.

ИККАЛА журнал ҳам танқидий материалларга анча ўрин бермоқда, материалларнинг ранг-баранг бўлишига, айниқса, адабий жараёнга қизғин аралашишга интилмоқда. Масалан, «Шарқ юлдузи»нинг учдан бир қисмини адабиёт ва санъатга доир материаллар ташкил этади. «Ёшлик» ҳам бу йил адабий танқидга кўпроқ ўрин бериш ва танқидий материаллар салмоғини ошириш, шаклини ранг-баранглаштиришга жиддий ҳаракат қилмоқда.

Журналлардаги «Давра суҳбати», «Муҳокама, мулоҳаза, мунозара» рубрикаси остида босилган тўрт материални алоҳида таъкидлаш керак. Журналларнинг адабий ҳаётдаги янги, муҳим тенденцияларни илғаб олиши, уларнинг қарор топишига ўз ҳиссасини қўшишга интилиши айниқса адабий жамоатчилик, ҳатто халқнинг эътиборини тортган ижодий муаммоларни ҳал қилишга дадил аралашиши намоён бўлмоқда. Маълумки, республикамиз адабий жамоатчилиги диққатида ҳозир ўзбек драматургияси ва театри, театр ва режиссура масалалари кун тартибида турибди. «Шарқ юлдузи» журнали, кечикиброқ бўлса-да, «Замон ва драматургия» мавзуида жиддий давра суҳбатини, «Ёшлик» журнали «Муҳокама, мулоҳаза, мунозара» рубрикасида И. Содиқов, Н. Зоҳидованинг «Ёш гвардия» театри фаолияти тўғрисидаги ғоят кескин ва принципиал мақолаларини эълон қилди. «Замон ва драматургия» баҳсида иштирок этган Ҳ. Абдусаматов, М. Раҳмонов, А. Иброҳимов, М. Каримов, М. Қодиров, Б. Имомов, Ф. Жўраев, М. Бобоев кўтарилган масалага ҳам конкрет амалий, ҳам назарий ёндашганлар. Улар ўзбек драматургиясининг ўлмас анъаналари, эришган ютуқларини таъкидлаганлари ҳолда, ҳозирги пайтда Бутуниттифоқ томошабинларига етиб бора оладиган асарлар жуда озлиги ва бунинг туб сабабларини рўй-рост кўрсатдилар. Драматургиямиз ва театримизнинг оқсоқлик сабабларини мунаққидлар пьесаларимизда воқеликнинг муҳим, кескин масалалари кўтариб чиқилмаётганлиги, ёрқин, кучли характерларнинг яратилмаётганлиги, драматурглар маҳоратининг сустлиги, драматург билан театр ҳамкорлигининг заифлиги ва режиссёрларнинг кўпроқ таржима асарлари билан банд бўлиб, маҳаллий муаллифлар ҳамкорлигида жиддий изланишларга жазм этмаётганликларида кўрадилар. «Ёш гвардия» театри тўғрисидаги мақолалар жамоатчиликнинг кўнглидаги фикрларни ифодалайди. Ҳар иккала мақола ҳам ўта куюнчаклик ва принципиаллик билан ёзилган. Мазкур театрнинг улғайиш қийинчиликлари манзарасини аниқ чизиб берган бу мақолаларнинг мақсади, нияти, руҳи ғоят тўғри. Бу — журналнинг ўз вақтида урган бонгидир. Зотан, адабий танқид бўлимлари қиёфасини мана шунга ўхшаш ҳаққоний, жиддий ва принципиал ижодий мақолалар белгилайди. Булар чинакамига ҳаёт билан, халқнинг талаб ва эҳтиёжлари билан жипс боғланган мақолалардир. Шундай мақолаларни ўқиганда беихтиёр Герценнинг: «Муаллиф танқидий фикрининг қудрати унинг текширишида эмас, балки сизни ўйлашга мажбур этишидадир», деган ажойиб фикри эсга келади. Назаримда, «Ёшлик»да босилган «Шакл — томир, мазмун —қонми?» деган давра суҳбати, О. Шарафиддиновнинг «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» мақоласи ва «Шарқ юлдузи»да эълон қилинган О. Абдуллаевнинг «Мен нима дейман-у, қўбузим нима дейди?..», Н. Комиловнинг «Илҳом ва муҳаббат фарзанди» мақолалари ҳам шундай —ўйлашга мажбур этадиган мақолалардир. О. Абдуллаев мақоласининг моҳиятида ижодкорнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси масаласи ётади. Н. Комилов эса шеърий таржима принципларига доир эътиборли, қизиқарли илмий ва амалий фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди. У таржимон аслиятнинг ғоявий-бадиий қимматини, эстетик таъсир кучини ўз тилида қайта ярата олиш учун энг аввало ўзи етук ижодкор бўлиши керак, деган фикрни олға суради. Н. Комиловнинг тўғри келган шеърни «таржима» қилувчи сохта таржимонлар кўпайиб кетмоқда, деган фикри ҳам диққатга сазовор. Уларни маросим ёки календарь таржимонлар дейиш мумкин. Одатда, бирор юбилей ёки декада, адабиёт кунларида бундай «таржимонлар» фаолияти авж олади, яхши асарларни ўзлариникига ўхшаган жўн, ўртамиёна асар даражасига туширадилар.

Журнал таржима бўйича бошлаган мунозарани давом эттиради ва бунда прозаик асарлар таржимаси, айниқса ўзбек тилидан рус тилига таржималар савияси масаласини жиддий муҳокама қилади, деган умиддамиз.

«Ёшлик» «Литературная учёба» журнали билан ҳамкорликда ибратли тажриба ўтказди. Адабиётда миллийлик ва интернационаллик, шакл ва тасвирий воситалар борасидаги изланишлар, анъана ва новаторлик, таржима ва тил масалалари муҳокама этилган бу давра суҳбатида А. Мухтор, М. Қўшжонов, О. Ёқубов, Э. Воҳидов, Т. Пўлатов, А. Орипов, И. Ғафуров, М. Солиҳ, Э. Аъзамов, О. Матжон, Н. Қобул, Мурод Муҳаммад Дўст, А. Аъзам, С. Мадалиев каби ёзувчи ва мунаққидлар қатнашдилар. Кўтарилган масалалар, айниқса, ёшлар ижоди ва тақдири билан, уларнинг изланишлари, бугуни ва эртаси билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, адабиётимизга истеъдодли ёш ижодкорлар тўлқини дадил кириб келди. Улар кескин ҳаётий муаммоларни кўтариб чиқишда, турмуш зиддиятларининг илдизини очишда, давр қаҳрамони образини яратишда ва айниқса, ўз фикри, мақсади, идеалларини ифодалашга мос шакллар қидиришда дадиллик кўрсатмоқдалар. Бунда тақлидчилик доирасида қолиб кетаётганлари ҳам, шакл ва жанрлар имкониятларини чуқур идрок қилиб, унинг янги қирраларини кашф этаётганлари ҳам бор. Ёшлар ўзбек тили қудратини намойиш қилишда самарали изланишлар олиб бормоқдалар, айни чоғда халқимизнинг бадиий тафаккур тарзидан сунъийлик томон тойиб кетиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Миллийликка келганда, унга экзотик белгиларни тасвирлаш орқали эришиш мумкин, деб фақат миллий урф-одатларни ифодалашга ружу қўювчилар ҳам йўқ эмас. Мунозарада таржима хусусида ҳам ибратли гаплар ўртага ташланган.

Иқтидорли ёш танқидчи Ҳ. Болтабоевнинг «Оддий сўз сеҳри» мақоласида ижодий таъсир масаласи конкрет ва илмий ишонарли тарзда ёритилган. Муаллиф бир қанча ёш ўзбек ёзувчиларининг В. Шукшиндан ижодий ўрганганлигини қувватлайди, айни чоғда унга тақлид қилган, асарларининг ташқи кўринишидан гула кўтарган, мавзуларини такрорлаган, ҳатто воқеалари ва қаҳрамонларидан нусха кўчирган қаламкашларни асосли танқид қилади. Шуни дадил айтиш мумкинки, Ҳамидулла Болтабоевда адабий жараён ва адабий ҳодисаларга мустақил, ўз нуқтаи назаридан ёндашиш ва кўтарган муаммоси, аниқлаган тенденциясини илмий, асосли талқин қилиш қобилияти борлиги ёш олимнинг эртасига умид билан қараш туйғусини туғдиради.

ИЖТИМОИЙ-эстетик жиҳатдан салмоқли мақолалардан М. Қўшжоновнинг «Баркамол бирлик, миллий колорит, интернационал руҳ» («Шарқ юлдузи»), Т. Маликнинг «Мантиқ тарозиси» («Ёшлик») каби проблематик мақолаларини айтиб ўтиш керак. Матёқуб Қўшжонов ўзбек совет адабиётининг ривожланишидаги манбалар — рус адабиётининг таъсирини, адабий меросимиз мавқеини ёритади, адабиётимизнинг миллий ва интернационал фазилатларини кўрсатади. Тоҳир Малик эса Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» ва Неъмат Аминовнинг «Суварак» повестларидаги ёзувчи кашфиётларини таъкидлайди, айрим танқидий мулоҳазалар билдиради.

Афсуски, журналларимизда жиддий проблематик ва назарий теран мақолалар бармоқ билан санарлидир. Адабий жараёнда пайдо бўлаётган заиф асарлар, бачкана, бетаъсир образлар, ғоявий чалкашликларга йўл қўйиш, тарихийлик принципидан чекиниш ҳоллари, ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантира олмаслик, типик воқеа ва типик қаҳрамон топишга ноқобиллик, ҳаётий зиддиятлар ўрнига ясама, сунъий конфликтлар тўқиш, бадиий тасвир ва тил соҳасидаги сакталиклар адабий журналларнинг кўпгина жиддий масалаларни кўтариб чиқиш, чуқур таҳлил этишларини тақозо қилади. Журналларимиз саҳифаларида онда-сонда проблематик ва назарий мақолалар учрайди, обзор мақолалар деярли йўқ. Ижодий портретлар эса, асосан, юбилей мақолаларидан иборат бўлиб, аксарияти кичик справка тарзида. «Шарқ юлдузи»да босилган И. Шамшаров, Ғ. Саломов, Н. Каримов, С. Мирвалиев тўғрисидаги материаллар шу тахлитда. Улар китобхонларга ҳам, ўша ижодкорларга ҳам ҳеч нарса бермайди. Назаримда, «Шарқ юлдузи»даги О. Шарафиддиновнинг Ҳ. Шарипов ва «Ёшлик»даги У. Норматовнинг Х. Тўхтабоев тўғрисидаги ижодий портретлари бу жанрда ибратли мақола ёзиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Янги асар ҳақида биринчи сўзни айтадиган, унинг ёзувчи ижоди, умуман адабий жараёндаги қиммати, ўрнини белгилайдиган, ҳалол, объектив баҳо берадиган жанр тақриздир. «Ёшлик» журнали тақриз босишдан воз кечганини тушуниш қийин. Энг кўп босилаётган асарлар ёшларники, бу китоблар ва асарлар орасида кашфиёт даражадагиси ҳам, кескин мунозараларга сабаб бўладиганлари ҳам, жиддий профессионал маслаҳатга муҳтожлари ҳам кўп. Тақриз ёшларнинг ижодий улғайишида, журналнинг янада ўқишли бўлишида катта аҳамиятга эга. «Шарқ юлдузи»га келганда, унда турли савиядаги тақризлар босилмоқда: одилона, холис ёзилганлари ҳам, савияси паст, мунозараталаблари ҳам бор. Масалан, С. Мирвалиевнинг «Ҳамза» романига ёзган тақризидаги «ўлкага инқилобий ғояларнинг кириб келиши» жумласини «ўлкада инқилобий ғояларнинг туғилиши» деб ишлатиш тўғрироқ бўлур эди. Муаллиф «Ҳамза» романини роман-эпопея, деб айтади-ю, бироқ келтирган далиллари етарли эмас, ишонтирмайди. О. Тоғаев «Сўнмас юлдузлар нури» тақризида автор изланишлари ва ютуғини яхши кўрсатади, «Жасорат йўли» тақризида эса асар мазмунини баён қилишга берилиб кетади. Ж. Хўшбоқовнинг «Масъулият туйғуси» тақризи М. Қориевнинг «Қиз узатиб борганда...» асари ҳақида. Бунда ҳам асар сюжети айтиб берилади. Н. Бекмирзаев Ж. Абдуллахоновнинг Москвада чиққан «Борса келмас» асари тўғрисида ёзади, уни мақтайди. Асар республика матбуотида жиддий муҳокама қилинди, ҳатто «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида кескин танқидий мақола ҳам босилди. Ёзувчи адабий жамоатчиликнинг фикрини эътиборга олдимиийўқми, асарининг қайси ўринларини қайта ишлади ва меъёрига етказди — булар хусусида фикр юритиш шарт эди. Э. Бозоровнинг «Пахтакор меҳнатини шарафлаб...», Б. Алимовнинг «Тубсиз осмон ҳақида кўп ўйлардим» каби тақризларида ҳам баёнчилик устун. Мазкур тақризлар танқидчининг адабиёт тарихини, адабий жараённи пухта билиши, ҳаёт ва адабиётдаги янгиликларни илғай олиши, ўз дунёқараши, бадиий диди бўлиши зарурлигини яна бир бор таъкидлаб турибди.

А. Наумовнинг «Шарқ юлдузи»да ёритилган «Ижоднинг асл моҳияти» мақоласида Ғафур Ғулом ижодига доир баъзи фактлар бузилган ва таҳрирталаб ўринлар бор. «Ўттиз биринчи йилнинг ўзидаёқ «Кўкан»нинг биринчи нусхасини ёздим», «бири —батрак Кўкан, иккинчиси эса колхозчи Кўкан ҳақида» дейилган фикр тўғри эмас. Асарнинг биринчи нусхаси 1930 йил февралида ёзилган бўлиб, «Кўкан батрак саргузашти!» деб номланади. Достондаги Кўкан дастлаб колхозга кирмай юрса-да, кейин шаҳарга бориб Ленинга бағишланган митингда иштирок этиб, нотиқлар таъсирида онгида ўзгариш юз беради ва нотиқни қишлоғига бошлаб келиб колхоз тузадилар. Шоир асарнинг янги нусхасида Кўкан образини бутунлай бошқача талқин қилади: адашиб юрган Кўкан колхоз ва янги одамлар таъсирида тўғри йўлни топади — колхозга киради. Шоир шу йўл билан ҳаётда иккиланиб юрган деҳқонлар онги, психологиясига тезроқ ва чуқурроқ таъсир кўрсатишни истайди. Мазкур мақолада «Ўлжа соат» билан боғлиқ ўйланмай айтилган гаплар учрайди. О. Худойбергановнинг «Очеркдан романга» мақоласидан кузатилган мақсад яхши: «Оқибат», «Диёнат», «Чироқ» романларининг яратилиш тарихини текширади ва муаллифларнинг бу асарлари замирида очерклари турганини таъкидлайди. Бироқ муаллиф диққатни ёзувчиларнинг ҳаётий факт ва ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга қандай айлантирганига, бошқача айтганда, маҳорат масаласига қаратиши зарур эди. Очеркдан ўсиб чиққан ҳар қандай роман мукаммал бўлавермаганидек, очерк ёки ҳикояга суянмасдан ёзилган асар ҳам заиф бўлмаслиги мумкин. Ахир, Белинский айтганидек, «танқидчининг вазифаси ёзувчини улуғ истеъдод ёки даҳо деб эълон қилиш эмас, мутлақо ундай эмас, бу танқиддан кўра кўпроқ жамоатчиликнинг иши. Танқиднинг вазифаси — таҳлил орқали ижтимоий фикрни тушунтириш ва истеъдод ёки даҳонинг маъноси, моҳиятини очиш, унинг асарининг ўзига хос хусусияти ва ватан адабиётини ҳамда ўз жамияти ҳаётини бойитувчи фазилатини таъминловчи ҳаётий унсурларни аниқлашдир».

ЖУРНАЛЛАР ва газеталардаги адабий-танқидий мақолаларга разм солинса, адабий танқиднинг қамрови торлиги, яъни унинг нигоҳи кўпроқ оғизга тушган ижодкорларгагина қаратилаётгани сезилади. Ҳолбуки, адабий жараённинг жонланиши, ундаги янги тенденциялар ва ижобий фазилатларнинг туғилишида каттаю кичик, машҳуру номашҳур ёзувчилар иштирок этади.

Назаримда, ўртамиёна заиф асарларнинг туғилиши ва баъзиларнинг қирқ-эллик ёшга борганда ҳам қобилият булоғининг кўзи очилмай, ижод даргоҳида адашиб юришида адабий танқиднинг иқтидорсиз адибларни четлаб ўтиши ҳам сабабдир. Партиямиз адабий танқиддан ҳамма ижодкорларнинг асарларини принципиаллик билан, ғоявий-эстетик таҳлил этишни, ҳақиқатни рўй-рост айтиб, шахсни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий томондан тарбиялашга ёрдам берадиган кучли асарлар яратишда уларга яқиндан кўмаклашишни талаб қилмоқда. Адабий танқид партиямизнинг халқ дидини, унинг эстетик ва граждагнлик онгини ўстирувчи, янги инсонни камол топтирувчи ишончли қуролларидан биридир. Адабий журналлардаги танқиднинг ўрни ва вазифасига худди шу нуқтаи назардан баҳо беришимиз керак.

Журналнинг янги сони чиқибдими? С. МАҲКАМОВ фотоси

ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ ВА АДАБИЁТ

Нодир НОРМАТОВ

ШЕЪРИЯТ—ХАЛҚ ТАБИАТИ ИФОДАСИ

ШЕЪРИЙ китобни қўлга олганда биринчи навбатда шоирнинг образли фикрлаш тарзи билан қизиқасан. Қалбингда мудраб ётган туйғуларни жунбушга келтирадиган оҳанглар, табъингни пешлайдиган ташбеҳлар, фикрингни равшанлаштирадиган мазмун излайсан. Энг ишончли сирдош —китобни ўқий бошлайсан. Шоир сенга гоҳ ҳайқириб, гоҳ шивирлаб турли оҳангда сўзлайди. Агар шоирнинг сўзлари ўзига ярашса, овози сенга табиий туюлса, ишонасан. Агар у маҳорат билан, лекин атайлаб, ақлли эканлигини кўрсатиш учунгина сенга ташбеҳлар айтса, диққатингни жалб этиш учун сохта овозда гапирса, нотабиий, мантиқсиз сатрлар тизса, унда аввалига ажабланасан. Кейин, сенга шоирнинг сўзлари малол кела бошлайди. Бугунги ёшлар шеъриятида биз ана шу икки ҳолни ҳам тез-тез кузатамиз. Мен шоир Шавкат Раҳмоннинг ҳар бир тўпламини катта иштиёқ, севинч билан варақлайман. Яқинда унинг «Юрак қирралари» шеърий тўпламини ўқидим.

Сўзбоши — яшинқайтаргич. Буни Георг Кристоф Лихтенберг айтган. «Юрак қирралари»да сўзбоши йўқ. Лекин унга шеъриятимизнинг билимдонларидан бири тақриз ёзгани биринчи саҳифада айтилган. Биринчи тасаввур — демак, ундаги шеърлар ҳам теран. Иккинчи тасаввур — шубҳа. Ахир, унвондор олимларнинг сўзбошиси ёки тақризи билан чоп этилган қониқарсиз китоблар озмунчами?

Китобни иккинчи тасаввур билан қўлга оламиз. Гарчи бу муаллиф илк тўплами билан ўқувчида илиқ таассурот қолдирган бўлса ҳам. Чунки бир, икки, борингки, тўрт-беш тўплами билан ўқувчи меҳрини қозониб, энди заиф асарлар ёзаётганлар камми? Менингча, ўқувчи ҳақ: иккинчи тасаввурга суяниш лозим. Шубҳа китобнинг номланишидан бошланади. «Юрак қирралари». Яхши-ку, дейсиз, лекин у қадар равонлик сезилмайди. Сизда ғалати иккиланиш бошланади. Шубҳа сизни китобнинг йигирманчи саҳифасигача қадар таъқиб этиб келади. Тўғри, бунга қадар сиз «боғларда оқ аланга гурлашини кўрасиз» («Ечиб оппоқ кўйлагини вақт»), «олмалардай тўкилган саслар»ни тинглайсиз («Қичқирворар қайдадир хўроз»), «капалак ёққан жувонга мафтун бўлиб қоласиз» («Қизиган садолар сўнади»). Лекин шеърлардаги образлилик фикр уйғотмайди. Аммо қувонарли томони шундаки, биз шубҳалар билан шу ерда хайрлашамиз. Чунки «осмон олмазорида ўйнаётган фаришта қизлар» сизга олма отиб шубҳаларингизни тарқатиб юборади, «хаёлингиз ёйилмасида» тиниқ тасвирлар қолади («Бир кун осмон»). Охирги саҳифаларигача шубҳа билан ўқиладиган китоблар озми?

Энди сиз образларнинг ранг-баранг оламида яшай бошлайсиз. Бутун вужудингиз қулоққа айланади. Шоир айтганидек, ҳар саҳар уйдан сувлар, сўзлар ва ранглар билан чиқиш яхши, аммо шомда уйга бир ўзинг кирмоғинг ўлимдан ёмон. Шу сабабли энди «хотиранг ёйилмасига» шеърлардан олган таассуротларингни муҳрлашинг лозим...

Мана, Шавкат Раҳмоннинг «Қалин шохлар» шеърини ўқиб бўлдик. Бу шеър мавзуи Ўлжас Сулаймоновнинг «Бўри болалари» шеъри мавзуини эслатади. «Бўри болалари»да ўлаётган она бўрини эмиб ётган болалари, уларга дуч келиб қолган овчи тасвирланган. Овчи бўри болаларига тегмай кетади. Чунки улар оналарини ҳали ҳимоя қилолмайдилар. Инсон қалбининг зиддиятли қутблари... Шавкатнинг овчиси бундай эмас. У она бўрини отади, боласини олиб қопга солади.

Чор атрофга қарамас, энди
майсаларни босар хотиржам.
Титроқ босган ўрмон ичида
узоқ инграр ярадор одам.

Шоирнинг бу шартли образи кейинги сатрларда равшанлашади:

Ғарқ қилади қалин шохларни
куннинг қондай қизарган
нури
Елкасида қўшоғиз милтиқ—
чиқиб кетар ўрмондан бўри.

Манзара орқали ифодаланган фикр салмоғи сизни ҳаяжонга солади. Шавкат Раҳмон кўпинча табиат манзараларини шартли тасвирлаш орқали ўз кечинмаларини баён этади. Унинг шеърлари шартли, образли мантиқий далиллаш эвазига таъсирчан ва ишонарли. «Қарғалармас, гўё қағиллаб, учиб юрар парчаланган тун», «бу аёлларни силар меҳрибон шабадалар — маъюс аёллар», «йиқилган булутлар юрти», «етиб келар муздай шабада —қари тоғнинг хўрсиниқлари» каби кутилмаган ўхшатишлар китобхон тасаввурини бойитади. Бундай ўхшатишлар китобчада анча. Аммо шеър фақат кутилмаган ўхшатишлардангина иборат эмас-ку? Хўш, нимадан иборат бўлмаса?

Шавкат шеърларини ўқисангиз, шундай хулосага келасиз: шеър — зарурият тақозоси! Тўғри, бу сўз унинг шеърларида йўқ. Аммо сиз шеър зарурият билан ёзилишини сезасиз.

Шавкат Раҳмоннинг «Табиатнинг хилват бурчаги» сарлавҳали шеърида лирик қаҳрамон ўзининг Искандар ҳам, Чингизхон ҳам эмаслигини айтиб, табиатга қучоғини очишни сўрайди. Муҳаммад Раҳмоннинг лирик қаҳрамони эса, табиатдан бағрини очмасликни сўрайди: «тараққиёт, сендан қўрқаман», дейди. Иккала шоирнинг ҳам табиатга муносабати равшан. Лекин бу ундашлар ўқувчи қалбига ҳаяжон сололадими? Йўқ. Чунки иккала шеърдаги туйғулар чақмоқдек бир «ялт» этиб, тез сўнади. Албатта, чақмоқ бўлиши яхши. Баҳор осмонини ўқтин-ўқтин безаб турадиган чақмоқларни кўргансиз: улар кетма-кет чақилса-да, негадир хотирангизда яхлит ҳолда гавдаланади. Шоир шеърларининг ҳар сатри бир чақмоқ. Катта-кичик бўлса-да, чақмоқлардан иборат. Шавкатнинг бу шеърини эса чақмоқларга бой деб бўлмайди.

Шавкатнинг шеъриятида норавон сатрлар ҳам учраб қолади: «оқиб ўтар баҳору, ёз, куз» (88-бет), «изларимдан келар зил ёдим» (78-бет)... Лекин бу сингари сатрлар кўнглингизга шубҳа солмайди — демак, тўпламда самимий шеърлар ўқибсиз.

АЙРИМ ёшлар шеърда фақат самимиятнинг ўзи кифоя қилади, деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, самимият ҳам образли фикрларга йўғрилган бўлмоғи шарт. Ш. Қурбоннинг «Тоқатим тоқ бўлди, қоқ бўлмади дил» шеърида фикрлар яланғоч, образлилик сезилмайди:

Гоҳ ғурур қўймасдан, гоҳо
йигитлик,
Ҳажринг-ла қасдлашиб,
қилдим ҳам итлик,—

дейди шоир ва шундай тугатади:

Борай деб ёзибсан юрак
ютиб, оҳ,
Ҳар на жавобимга мунтазир,
муштоқ.
Келавер, дейман-да, бошқа
не дейман,
Келавер, жонингдан жоним
айлансин.

Шеър мазмуни хат ёзибсан, келаман, дебсан, келгин, ўзим ҳам сени хоҳлардим, деган гапдан иборат. Севимли шоиримиз Миртемирнинг «Абдулҳаққа айтганим» шеърида ҳам ўша соғинч, қалбининг тўридаги дилбар суратини чизаркан, дўстига дил дардини баён этади:

Лекин ёшлигидан норози
деманг,
Сойдек шовуллади шўх
йигитлик ҳам.
Ёки созларнинг ҳам носози
деманг,
Ўтди шеърий ишқ ҳам, расо
итлик ҳам.

Лекин шоирнинг асосий мақсади ҳали бу эмас. У хаёлидаги ёрқин суратни қай тарзда ифодалаш учун бўёқлар, образлар, ташбеҳлар топа олмаётганлигидан кўнгли хит. Шу сабабли у дардини рассомга тўкаяпти.

Менга М. Солиҳнинг «Самимий бўлайлик» мақоласидаги бир гап маъқул тушди. У ёзганидек, бугунги ёшлар шеърияти ҳар қандай танқидни кўтара оладиган, мақтовга ҳам, танқидга ҳам муносиб шеъриятдир. Унинг шоир ўзига хос бўлиши керак, деган гапи ҳам тўғри. Лекин шоирнинг образли фикрлаш тарзи ўз халқи табиатига яқин бўлмаса, у қанчалик индивидуал бўлмасин, том маънода теран бўлолмайди. Буни унутмаслик керак. Тўғри, шоирнинг миллати бўлмаслиги мумкин, аммо шеърлари миллий бўлмоғи керак, деган гап беҳуда айтилмаган. Мен халқ табиати деган тушунчага атайлаб тўхталмоқчиман. Халқ табиати шунчалик теран ва жозибалики, унда беадад оҳанглар, образларнинг сайқал топган-топмаган дунёси мужассам. Шоир эса шу халқнинг фарзанди. Шу сабабли ҳам у ўз халқи табиатига яқин. Биз халқ табиатидаги бекиёс имкониятлардан жуда кам фойдаланамиз. М. Солиҳнинг анчагина шеърларида худди ана шу ўз халқи табиатига яқинлик етишмайди. У ўзининг қайси бир шеърида айтганидек, албатта, гул бўлса — бу Шарқ, бўлмаса — Ғарб, деб фикрлайдиган кишилар ҳам йўқ эмас. Ёки фольклордан фойдаланиб, уни ўзлаштириб шеър ёзиш ҳам ҳамиша халқчилликдан далолат беравермайди.

Мана, Шукур Қурбоннинг «Бир кам дунё» шеъридаги ушбу сатрларга эътибор беринг:

Дилдан йитди шубҳа —
гумон —«қарға-зоғлар»,
Ҳижрон қолар энди ортда
чекиб оҳлар.
Гул бўйига тўлар боғлар,
сўлу соғлар,
Яшнаб кетар ёшлик аталмиш
чоғлар.
Сенинг кўнглингни мен
топган,
Ёр-ёр, ўлан, ёр-ёр.
Менинг кўнглимни сен
топган,
Ёр-ёр, ўлан, ёр-ёр.

Бу ердаги кўпсўзлилик, ғализлик, бир фикрнинг турли алфозда (ташбеҳларда эмас) ифода этилиши ғашга тегади. Халқ термаларида бир неча сатрларда кўп маънони ифодалаш биринчи шартдир.

Газетамизда М. Солиҳ шеърлари устида қизғин баҳс кетди. Унинг шеърларига ўқувчилар қизиқиш билан қараётганлигини тўғри изоҳлаш керак. Жаҳон шеърияти билан таниш китобхон М. Солиҳ шеърларини ўқиб унчалик ҳайратланмайди. Сабаби аниқ: шоир турли халқлар хазиналарини ўз ичига олган жаҳон шеърияти эшикларини бирма-бир очиб кўради. Шубҳасиз, бу жуда керакли изланиш. Лекин шоир бу эшикларда меҳмон бўлиб қайтиши, эндиликда ўзининг халқ табиатига яқин шеърият биносини қурмоғи лозим.

Яна бир масала. Бугунги ёшлар шеъриятининг, умуман, шеъриятимизнинг таҳлили кўнгилдагидек эмас. Аксарият мақолаларда мавзунинг актуаллигию, гражданлик масаласи кўтарилади, аммо маҳорат масаласи четда қолади. Бугунги кунда шеъриятни, айниқса, унинг оҳангларини ҳар томонлама таҳлил этмоқ лозим. Кўпгина шеърларда ўзбек тили табиатига зид сатр тузиш, оҳангларнинг бузилиши ёки халқ табиатига мос тушмайдиган нотабиий оҳанглар сезилади. Оҳанг — бу шоир истеъдодининг имкониятларини очиб беришда бир восита. Оҳанг сунъий бўлса, шеърхонга малол келади. Табиий, янги бўлса, у сизга таниш, қадимдан қадрдондек туюлади. Сабаби, сиз бу оҳангни қаердадир, халқ орасида сайқал топмаган ҳолда эшитгансиз. Энди у яхлит ҳолда намоён бўлади. Демак, шоирнинг ўз овози, сунъий бўлмаган ўз услуби сизга қувонч бахш этади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, М. Солиҳ шеърларини қироат билан ўқиганингизда, айрим сўзлар кетма-кет келганда гуруч орасидаги курмакдек баъзи иборалар тишга тегади.

Сўқмоқ жим кириб кетар боғ
томон...

Шеърда чизилган манзара ўзига хос. Бирок, шеърда ички оҳанг ҳам муҳим. Айрим халқларда шеър қўшиқ қилиб, қироат билан ўқилади. Шарқда эса қадимда бошловчи шоир учун уч шарт қўйилган. Шоирдан юз минг мисрадан ортиқ шеърни ёддан қироат билан ўқиш, қўшиқ айта билиш ва бирор чолғуни чала олиш талаб қилинган. Мақсад: шоирни юксак шеърий талаблардан бири —ички оҳангни ҳис этиш ва ярата олишга ўргатишдир.

Агар шеърдаги фикр салмоқли бўлмаса, сўзни ҳар мақомга солган билан наф йўқ. Бугунги кун ўқувчисини алдаш қийин. Модернизм—шеър кушандаси. Мана, М. Солиҳнинг шеърларидаги айрим сатрларга эътибор қилинг.

«Баҳор қўшиғи» шеърида:

Одамлар, бу қушлар
Сизни севмоқ учун учиб
келишди!..
Йўловчи, ортингга
ўгирилсанг-чи —
Боладай эргашар сенга
мусича!—

дейди шоир. Аввало, шуни айтиш кераккки, мусича бошқа юртлардан учиб келадиган қуш эмас.

Гуллар кўкаради яқинда,
Албатта кўкарар —
Гуллар адашмайди ҳеч
қачон!—

сатрлари эса шунчаки ахборот бўлиб қолган. Ёки мана бу учликларга эътибор беринг:

Лойда ўйнама ўғлим
Кўрмаяпсанми,
Онанг кир юваяпти.

Хўш, «устингни кир қилма ўғлим, онанг кир юваяпти, меҳнатини қадрла» деган гапни айтиш учун шеър ёзиш шартмикан? Шоирнинг учликларида бундай жўн сатрлар сероб. Тўғри, унинг манзара шеърларида салмоқли фикрлар ҳам учрайди.

Бунча зерикарли далалар—
Пахтасиз!..
Ана, пайкалларда
Кўкка анграяр
Деҳқон панжасидай бўм-
бўш чаноқлар!

Ёш шоирнинг ўзбекча талаффузга хос бўлмаган сўз қўллаши ҳам кишини ранжитади. Айтайлик, «Биз энди маҳкуммиз шу бахтга Абадий» сатрини олайлик. «Бахтга маҳкуммиз» деб айтилмайди. «Бахтга сазовормиз», «Бахтга муяссармиз» дейиш мумкин. Агар «маҳкум» сўзи киноя тарзида айтиладиган бўлса, унда қўштирноққа олиниши лозим эди. Бундан ташқари, шундай бахтга «маҳкум бўлишдан (бирга бўлишдан — Н. Н.) қўрқмаяпсанми», деб сўраш учун шеър ёзиш шарт эмас-ку.

Сўзга нисбатан лоқайдлик, ясамалик, атайлаб сунъий иборалар тузиш ўзбек тилини бойитмайди, аксинча, камбағаллаштиради. Х. Даврон «Мовий рангли осмонга боқдим» шеърида шундай дейди:

Пишиб ётган боғларга
боқдим...

Ҳолбуки, халқ «боғ пишди» демайди. «Пишиб ётган мевалар» дейилса бўлак гап. Ёки «Ҳаммани унутиб қўйибман» шеърида шоир «Овоз йўқ. Кўксимда йиғлар қон», дейди. «Юрак қон йиғлар» дейилса мантиқан ҳам, ташбеҳ сифатида ҳам тўғри бўларди. Сўзнинг янги-янги имкониятлари ҳар қандай шартли ҳолда ҳам бадиий мантиққа асосланади. Гап ана шу мантиқда.

М. Солиҳ шеърларининг кўпчилиги ҳолатлардан иборат. Унинг ёзишича, шеър фикр айтиш эмас. Ҳолбуки, ҳар бир шеърда фикр бўлмоғи шарт. Ҳар бир шеърда муаллиф фикри яширинган бўлади. Ҳолат эса баъзан ўткинчи бўлиши мумкин. Дейлик, кишида сув ичиш истаги туғилади. Лекин бу ўткинчи ҳолат. Кишида шундай чанқоқлик ҳам пайдо бўладики, у зарутатга айланади. Бинобарин, ҳар қандай ҳолатни зарурат санаб шеърга солиш шарт эмас.

ЯНА ТАКРОР айтаман, М. Солиҳ шеърияти янги услубларга, янги оҳангларга интиқ маълум доирадаги шеършунос ёшларимизда қизиқиш уйғотди. Бунинг сабаби—унинг кўпгина шаблон услубларга қарши ўлароқ, ўзига хос ижод қилаётганлигидир. Лекин ҳар қандай ўзига хослик теран шеърият бўла олмаслиги аён. М. Солиҳ шеърлари менда жаҳон шеъриятидаги турли оқимлар таъсирида туғилгандек таассурот туғдирди. Албатта, М. Солиҳга мана бундай образли фикрлаш керак, деб кўрсатиш, Лутфий ёки Бобурдан, Огаҳий ёки Навоийдан мисоллар келтириш шарт эмас. Умуман айтганда, гап нафақат шеъриятга, балки прозага ҳам тааллуқли. Дейлик, Бобур ёки Маркес прозасини олайлик. Лотин Америкаси ёзувчиси қайси услубни ёки техникани қўлламасин, биз унда Лотин Америкаси (Кариб региони) халқларининг фикрлаш тарзини бор бўй-басти билан кўрамиз. «Бобурнома»да ҳам муаллифнинг образли фикрлаш тарзи ўз халқи тафаккурига, психологиясига хос. Лекин бундай образли фикрлаш тарзи Бобурнинг тасвир маҳоратини чекламайди, аксинча, янги-янги имкониятлар яратади. Бундай услуб Абдулла Қодирий ва Ойбекда нақадар гўзал самаралар берган. Ёш ёзувчиларимиздан Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов асарларида тил оҳанглари янада сайқал топмоқда. Халқ табиатига хос бу усулларни бир-бирига ўхшаш дейиш мумкинми? Йўқ, албатта. Тўғри, тажрибалар керак, чунки улар халқ табиатига хос оҳангларни топиб олишга ёрдам берса ажаб эмас. Аммо бу тажрибалар ҳадеб такрорланаверса-чи? Унда тажриба ўз самарасини бермайди. Ҳозир элликинчи йиллар эмаски, ҳар қандай риторик ёки фикрсиз, образли ташбеҳлар учунгина шеър ёзиб чоп этилса! Адабиёт тарихида миллати бошқа бўлиб, ўзга халқ маданиятига улкан ҳисса қўшган санъаткорлар кўплаб учрайди. Шу сабабли ҳам, улар ўз миллатининг эмас, бошқа бир халқнинг вакили сифатида тан олинади. Чунки бундай санъаткорлар табиатига ўзга халқ маданияти, табиати сингиб кетган, ана шу табиат, ана шу маданият билан улар борлиқни, ҳаётни идрок этадилар, фикрлайдилар. Халқ табиатига яқин оҳанглар нималар асосида яратилади? Бу оҳанглар, шубҳасиз, шу халқ яшайдиган замин, шу халқ маданияти, руҳияти ва тил имкониятларининг узлуксиз синтези маҳсулидир. Мен Хоразм лаҳжасини қўлламай ёзадиган Омон Матжон шеъриятида хоразмлик донишмандни кўраман. Ўз юртига бағишлаб шеърлар ёзгани учун эмас! Шоир шеъриятидаги оҳанглар, унинг образли фикрлаш тарзи шундай дейишга асос беради. Санъаткор табиатидаги яширин катта имконият — образли фикрлаш тарзи жаҳон шеърияти, илму фани таъсирида сайқал топганлиги шубҳасиз. Демак, гап жаҳон шеърияти билан қай тарзда муносабатда бўлишга ҳам боғлиқ экан. Омон Матжон шеъриятида йўл қўйилаётган камчиликлар ўзиники, бошқаники эмас. Баъзи ёшларимиз шеъриятидаги заифликлар, камчиликлар эса ўзлариники эмас, балки турли таъсирлар оқибатидир.

Шубҳасиз, изланишда бўлган шеъриятда камчиликлар ҳам рўй бериб туради. Лекин бу қусурлар шоирнинг ўзиники, айни пайтда шеърхонга малол келмайдиган даражада бўлмоғи лозим.

Ўткир РАШИД

СЎРАНГ

Ишқни билмоқ истасангиз, ишқи борлардан
сўранг
Севги боғин парвариш қилган ёрлардан сўранг.
Сиз муҳаббат боғининг роҳатлигин гар сўрсангиз
Роҳатига маст бўлган кўнгли баҳорлардан сўранг.
Ёки овозини билмоқ бўлсангиз ишқ йўлида,
Билмайин дўзахга тушган ишқи хорлардан
сўранг.
Изламанг сиз ишқни тилдан, дилда у пинҳон
эрур,
Чин муҳаббатни қидирган, унга зорлардан сўранг.
Севганига хизмат айлаб севдириб бўлгаймикан?
Дейди, Ўткир, шунда куйган содда ёрлардан
сўранг.

УМР

Қайта қайтмас умрингиз, беҳуда ўткизманг уни,
Бебаҳо бойликни бой берманг-да, ютқизманг уни.
Умрингизнинг ҳар куни ипга тизилган марварид,
Ипни узманг, донасин бекорга кеткизманг уни.
Тентираб ножўя юрманг, умрингиз ўғриси кўп,
Ҳар фалокатлар узатган қўлга тутқизманг уни.
Умрингиз боғида унган ҳар ниҳол, ҳар гулни сиз
Парвариш айланг ҳамиша, бемаҳал узманг уни.
Умрингиз асли узоқдир, от қилиб гар минсангиз,
Қамчилаб йўл охирига тезда еткизманг уни.
Умрингиз йўлида қолсин нурли из, яхши сабоқ,
Бу умр қонуни, Ўткир, сиз сира бузманг уни.

ОДАМЛАР

Ватан агар тана бўлса, унга бир жон одамлар,
Бу танада равон оққан покиза қон одамлар.
Ҳаётнинг у зийнатию ҳам кўркию ҳам гули,
Ҳам юртига бойлик бўлган тошқин вулқон
одамлар.
Яхши ният, яхши орзудан қанотли от ясаб,
Эртанинг йўлига чиққан катта карвон одамлар.
Манзил узоқ, кутар унда парилардек бахт, иқбол.
Ошиқлардай шошар, тошар, ошар довон одамлар.
Бир елкада оилаю бир елкада юрт юки,
Интилади яна бахту иқбол томон одамлар.
Бу одамлар борки, Ўткир, бор бу ҳаёт, одамзод
Ватан обод, қолар зурёд, бўлсин омон одамлар.

ИШҚ КУЙИ

Ёр агар бўлса вафодор ёрини ҳоқон қилур,
Ишққа чанг солган ғанимни бағрини талқон
қилур.
Ёрки у севги, вафони хас қилиб ёндирса гар,
Гарчи ҳурдир, ёр эмас ул ёрни саргардон қилур.
Ёрни ёр дерларки, ёрнинг аҳд-вафоси бор учун,
Аҳд билан ёр васлига етмоқни у осон қилур.
Севги боғин ғунчасийди тез тўзиб кетди деманг,
Ёр агар нодон эса ишқ мулкини яксон қилур.
Яхши ёрлар, яхши авж олган ниҳолдек гуркирар
У вафони бўйнига гул баргидек маржон қилур.
Сиз муҳаббат оламига кирсангиз огоҳ бўлинг,
Узсангиз гул деб тиканни бағрингизни қон қилур.

ЎЙЛАРИМ

Ҳалима Носировага

Ўйларим сиз, ўйларим,
Сизни куйлар куйларим.
Эслатасиз ёшлигим,
Қувончларим, тўйларим.
Недур хаёлим олди,
Дилимга бир ишқ солди.
Бу ишқ билсам куй экан,
Куйим ёр бўлиб қолди.
Саҳна бағрини очди,
Севинчим тўлиб-тошди,
Куйим тинглаб эл-юртим,
Йўлимга гуллар сочди.
Саҳнада мен гоҳ Лайли,
Кимга ошиқман, майли.
Гоҳ Ширину, Гулсара,
Булар санъатим зайли.
Ёшлигимдай санъатим,
Яшар ҳали, шу аҳдим,
Санъатим менга
ҳайкал,
Эл-юрт севди, шу бахтим.

ШЕЪРИЯТ

СЕН—БИР ДАРАХТ, МЕН—БИР ДАРАХТ...

Усмон АЗИМОВ

ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Боғ қўйнида икки
дарахт —
Бир-бирига интизор.
Сен — бир дарахт,
мен — бир дарахт,
Куйиб-куйиб ўтдик, ёр.
Аммо баҳор келганида
Очилиш керак экан.
Гулу мева, хазон тўкиб,
Сочилиш керак экан.
Шамолларга дилим
ёрдим,
Гул-япроқлар тилида.
Ел кафтида олиб келган
Ҳар шивиринг дилимда.
Аммо баҳор келганида
Очилиш керак экан,
Гулу мева, хазон тўкиб,
Сочилиш керак экан.
Ерга боғлаб қўйилганман,
Илдизим ер остида.
Кечалари шовуллайман,
Боқиб бўйи бастингга.
Аммо яшаш керак экан,
Очилмоқ керак экан.
Гулу мева, хазон тўкиб,
Сочилмоқ керак экан.
Боғ қўйнида икки
дарахт —
Бир-бирига интизор.
Сен — бир дарахт,
мен —бир дарахт,
Куйиб-куйиб ўтдик, ёр!

* * *

Ўша — мени ҳеч ким соғинмаган шом
Авто бекатида вайрона турдим,
Бошимни кўтариб боқдим бир замон,
Қаршимда бир йигит, бир қизни кўрдим.
Йигитнинг пальтоси... Йўқ, ёдимда йўқ.
Аниқ, кўм-кўк эди қизнинг пальтоси,
Белларини қучган белбоғи ҳам кўк,
Ҳатто кўм-кўк эди тўртта тугмаси.
Йигитнинг кўзлари... Эслай олмайман.
Ошкор жаранглатиб пинҳон ўйини,
Қизнинг кўзларида ёқарди гулхан,
Эркалик ва ишқнинг маъсум қуюни...
Йигитнинг юзида... Билмайман нима.
Аммо қизнинг юзи ёдимда аён:
Уни кўмган эди гулгун шафаққа
Муҳаббат — энг мовий, покиза осмон.
Қор бўлса ёғарди, қизнинг бошидан
Кумуш тангаларни аямай сочиб.
Шамол титар эди кўзи, қошига,
Манглайига тушган бир тутам сочин.
Йигит... Йигит билан қанча ишим бор!
Аммо қиз йигитни шундай суярди —
Ки, гоҳ термуларди ҳазин, беозор,
Гоҳ қўлларин маҳкам ушлаб қўярди.
Тошкентдай шаҳарда, балки дунёда
Ягона — ҳаммадан гўзал эди қиз.
Чиқмаса ҳам телба орзум рўёбга,
Бўзлаб қаршисига чўкким келди тиз!
Йигит... Аммо нега сени ўйлайман,
Ҳозир ҳам ҳавасдан музлайди этим.
...Мен қорли бекатда вайрон турган шом,
Сен мендан, ҳаммадан бахтиёр эдинг.

САМАРҚАНД БЎЙЛАБ ТУНГИ САЙР

Хуршид Давронга

Кўчаларингни кезаман,
Саройларингда
базмлар тинган.
Гумбазларинг
қайси момомнинг
тўлиққан кўкраги —
Кимни соғинар бу кўкраклар
сутга тўлиб?
Осмон,
қўлинг бўлса,
чангаллаб кўр-чи,
Нималар деб шовуллар
панжаларинг орасидан
оқадиган сут?
Мен бўлса,
тамшаниб нидо қиламан:
— Самарқанд, илдизинг қаерда?
Кечангни чироқлар парчалаб ташлаган.
Тун билан нур ўртасида
узун арвоҳлар —
Миноралар
кетиб борар
келажак сари.
Баъзан
ойга боқиб
тўхтаб қолишар
(Азон саси урилдими қулоқларига?),
Зиналарингдан
чопонига ўралган
сўфи эмас,
Мен ўрлаб бораяпман
фалак
пештоқига
Ва ерга боқиб нотинч шивирлайман:
— Самарқанд, илдизинг қаерда?
Мадор бўлгин энди умидларимга,
Менинг тўрт минг йиллик боғим!
Бир япроғингман:
йўқотгим келмайди илдизларимни.
Ана, осмоннинг қурбони — шаҳид расадхона,

Ана, тарихнинг кўмилган бешиги — Афросиёб...
Неча аср бўлди ўшанга?
— Тупроқ, қани,
ёрил!
Самарқанд илдизинг қаерда?
Юлдузлар орасида келажак йўли,
Замон поездини,
қалбим,
ҳормай торт!
Ва битта вагонга
боболар руҳини,
қайғу-аламини,
шавкат-шонини,
ушалмаган орзусини орт!
Бу кимлар?
Қайдаман?
Регистон, сенми?
Нечун сенга келсам,
кўксимни тўлдирар жумлаи жаҳон?
Балки, анов, мовий гумбаз тагида ётган,
Оқсоқ жаҳонгир
армонининг
шамолидир бу?
Аммо овозлар, чиқар замин қаъридан:
— Мен, — дейди (Спитамен, сенмисан?),
— Мен, — дейди (Улуғбек, хўрсинган сенми?),
— Биз, — дейди гувиллаб бир лашкар —
келажакка эргашиб келар
сарбадорлар!
— Самарқанд, илдизинг...
Савол ортиқча!
Теграмда мен билан ўйланиб,
мен билан қийналиб,
Илдизга айланиб борар бир кеча.

Ш Е Ъ Р И Я Т

Кўзлари чақноқ тулпор,
Туёғи чақмоқ тулпор,
Сувлиқ лабларин йиртган,
Ёллари байроқ тулпор.
Бир босган изинг гулдан,
Бир босган изинг кундан.
Қуёш бўлиб лангиллаб
Ажраб борасан тундан!
Ўжар тулпор, тонг
тулпор,
Йўллари осмон тулпор,
Парвозингга куч бўлсин,
Берайинми жон, тулпор?!
Самоларда уч
шўх-шан,
Майли ерда қолсин тан.
Эй, қалдирғоч қанотим,
Сен менинг маст
руҳимсан!
Ўтасан — оғрир жоним,
Сағринг қип-қизил
қондир.
Биров қамчилаб
куйлар:
«Менинг исмим
Замондир!»
Вужуди олов тулпор,
Ёнасан лов-лов,
тулпор,
Тортган аравант— Замин,
Оловли ёлов тулпор.
Ханжар—шамол урилар,
Ўтлиғ кўзинг сузилар,
Тирқирар лабингдан қон,
Жиловлар шарт узилар!
Ҳавода ўйнар қамчи,
Қон оқар томчи-томчи,
Торт заминни, тулпорим,
Сендан ўзга алдамчи!
Кўзлари чақноқ тулпор,
Туёғи чақмоқ тулпор,
Сувлиқ лабларин йиртган,
Ёллари байроқ тулпор...

Қалбимдан севинчлар бир дунё бўлиб,
Кенгликлар бағрига сочилиб кетди.
Шодликдан само ҳам гўдакдай кулиб,
Борлиқнинг чеҳраси очилиб кетди.
Шаббода сасидан тебраниб ялпиз,
Ғунчалар лабидан янгради қўшиқ.
Мажнунтол хаёл-ла қолганда ёлғиз,
Сойларда ишқ оқди нурга қоришиқ.
Тунука томларга тутиб елкасин,
Қуёшга панжасин чўзади ишком.
Гўзаллик сеҳридан унутиб ўзин,
Табиат қўйнидан ранг излар рассом.
Дунё бор-будига елкамни тутиб,
Баҳордай бахтимдан ёниб сўзлайман.
Шеърият боғида ўзни унутиб,
Одамлар қалбидан мен ранг излайман.

Гулнора САНОЕВА

Алибек РУСТАМОВ

НУТҚ ОДОБИ САБОҚЛАРИ

УЧИНЧИ САБОҚ

Биз ўтган сабоғимизни нутқда учрайдиган бир айб ва икки санъат билан тугатган эдик. Айбнинг оти танофур эди. Танофурнинг луғавий маъноси «жирканиш», «безиш»дир; нутқда товушларнинг ноқулай тартибда келишини «танофур» дедик. Бунинг талаффуз жиҳатидан ноқулай бўлган туридан болаларнинг нутқ аъзоларининг ҳаракатини мукаммаллаштириш учун ҳам фойдаланилади. «Лайлак лакалакламоқчи эмиш, лакалакласа ҳам, лакалакламоқчи эмиш, лакаламаса ҳам, лакалакламоқчи эмиш» ёки «оқ қопқоққа кўк қопқоқ, кўк қопқоққа оқ қопқоқ» сингари тезайтишлар шу мақсадда ҳосил қилинган сунъий танофурлардир. Гапдаги товушлар қулоққа ёқмайдиган ва бирор қабиҳ сўзни ёки мавзуга зид маънони англатадиган тартибда бўлса ҳам, танофур ҳосил бўлади. Аммо танофурнинг бу туридан аскияда фойдаланилади. Танофур аслда айб бўлса ҳам, аскияда у санъатга айланади. Баъзи ҳодисалар мақсад эътибори билан ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин. Бировни масхара қилиш айб, лекин масхарабозликда санъат ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда нутқда кўп учрайдиган ва ёзув билан боғлиқ бўлган икки хил танофур учраб туради. Бири катталар нутқида бўлиб, эски ёзувдаги ҳарфларни тўғри ўқимаслик натижасида вужудга келган. Бу «келади»ни «келоди», «келган»ни «келгон» деб «а» ўрнида «о» талаффуз қилишдир. Иккинчиси ёшлар нутқида учрайди ва ҳозирги имломизнинг номукаммаллиги, талаффузга мос келмайдиган қоидаларнинг мавжудлиги туфайли пайдо бўлган. Масалан, ҳозир баъзи ёшлар «ишка»ни «ишга» деб, «келипти»ни «келибди» деб, «кеткан»ни «кетган», «очкан»ни «очган» деб айтадилар ва ҳатто «боққа»ни «боғга» деб талаффуз қиладилар. Бу айбнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган имлодаги камчилик йўқолмагунга қадар, унинг олдини олиш ўқитувчиларимиз зиммасига тушади. Тилшуносларимиз эса тил табиатига хилоф қоида ўқувчи нутқида айб пайдо бўлишига сабаб бўлишини ҳам ҳисобга олишлари керак экан.

Ўтган сабоғимизда номини тилга олган санъатларимиздан бири «тавзиъ» эди. «Тавзиъ» сўзининг луғавий маъноси улашишдир. Мазкур санъатда бир товуш гапдаги ҳамма сўзларга ёки аксарига улашилгандай бўлгани учун у шундай деб аталган. Бу ҳодисанинг ўзини «товушдошлик» ва уни вужудга келтиришни «товушдошлаштириш» деб аталса ҳам бўлади. Аммо «тавзиъ» деган махсус атама борлигини ҳам эсдан чиқармаган яхши. Бу ҳеч бўлмаганда китоб мутолаа қилганда керак бўлиб қолиши мумкин. Тавзиъдан нутқнинг ҳамма турларида фойдаланилади. Уни шоирларимиз ҳам ўз асарларида моҳирона ишлатганлар.

Масалан, «Тоқатим тоқ ўлди то бўлдим талабгоринг сенинг» деган мисрада «т» товуши билан бошланган «тоқатим», «тоқ», «то», «талабгор» сўзлари берилган. Мана шу «т»дош сўзларнинг бир мисрада келиши кишига лаззат бағишлайди. Шу мисрада шоир «талабгор» сўзи ўрнида «харидор» ёки «гирифтор» ёки яна бошқа сўзни ишлатиши мумкин эди. Лекин унда мисранинг таъсири камайган бўлар эди. Мана ҳар икки вариантни қиёслаб кўринг:

Тоқатим тоқ ўлди то
бўлдим харидоринг сенинг.
Тоқатим тоқ ўлди то
бўлдим талабгоринг сенинг.

Агар шу мисрадаги «тоқ» сўзини ҳам «т»сиз сўз билан алмаштирилса, масалан, «Тоқатим қолмади то бўлдим гирифторинг сенинг» дейилса, мисра яна ҳам сусаяди.

«Жаҳон, жонон, жамолингга тасаддуқ» деган мисрада учта «ж» товуши билан бошланадиган сўз қатор келган, шоир мисрадаги учта «ж»лик сўзни товушдошлаштириб берган. Бу ҳам тавзиънинг яхши бир кўринишидир. Агар шу мисрадаги «жонон» сўзини «дилбар» ёки бошқа «ж»сиз сўз билан алмаштириб, масалан, «жаҳон дилбар жамолингга тасаддуқ» десак, маъно бузилмайди, лекин санъат йўқолади ва мисранинг бадиий кучи заифлашади.

Товушдошликнинг маъно билан сингишиб кетган олий намуналарини Навоийнинг асарларида кўриш мумкин. Масалан, шоир «Хамса»нинг Низомий Ганжавийга бағишланган қисмларининг бирида

«Ганжа ганжурикким,
чекиб кўп ранж,
Қўймиш эрди жаҳонда
беш ганж»

дейди.

Мазкур байтда ўтган биринчи сабоғимизда номи тилга олинган иштиқоқ санъати ҳам бор.

«Иштиқоқ» сўзининг бадиий термин бўлишига унинг грамматик маъноси асос бўлган. Сарф илми (морфология)да сўз ясалиши иштиқоқ дейилади. Шунга асосан гапда бир ўзакдан ясалган сўзларни келтиришни, (масалан, бошлиқ бошини қашиб, ишни бошдан бошлади, дегандагидек) иштиқоқ санъати дейилади. Биз бу ҳодисани «ўзакдошлик» ва уни вужудга келтиришни «ўзакдошлаштириш» деб атасак ҳам бўлади. Лекин «иштиқоқ» сўзини ҳам ёдимиздан чиқармасак, яхши.

Демак, Навоий: «Ганжа ганжурикким чекиб кўп ранж Қўймиш эрди жаҳонда беш ганж» деганда сўзларни ҳам товушлаштирган, ҳам ўзакдошлаштирган. Бу байтда «ранж», «ганж», «жаҳон» сўзлари эътибори билан товушдошлик ва «ганжа», «ганж» ва «ганжур» сўзлари эътибори билан ўзакдошлик бор, чунки буларнинг ҳаммаси «хазина» маъносидаги «ганж» ўзак сўзидан ясалган. «Ганжур»нинг маъноси ганж эгасидир. Тавзиъ ва иштиқоқ санъатлари лафзга оид бўлишига қарамасдан Навоий қаламида улар маънога сингиб кетган ва маънони тасдиқлашга хизмат қилган. Бунд Ганжавийнинг Ганжада ҳақиқий ганж эгаси эканлиги ва унинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган беш ганжни қолдирганлигининг ҳақиқатлиги товушдошлик ва ўзакдошлик билан таъкидланган. Натижада, байт жуда муҳкам байтга айланган.

Бу икки санъатдан журналистларимиз ҳам фойдаланмоқдалар. Масалан, «Тошкент оқшоми» газетасида босилган бир мақоланинг сарлавҳаси «Сайёралар сайри» деб берилган эди. Бунда иштиқоқ бор. Яна бир мақоланинг сарлавҳаси «Сўнгмининг совумаган куллари» деб босилган эди. Бунда «с...дош сўзлардан тавзиъ ҳосил қилинган.

Бу санъатлардан рус журналистлари ҳам фойдаланмоқдалар. Масалан, «Известия» газетасида босилган бир мақоланинг сарлавҳаси «Острый вопрос об остроте инструмента» деб берилган. Бу сарлавҳада ҳам иштиқоқ бор ва ҳам тавзиъ бор. «Острый» билан «острота» иштиқоқ ҳосил қилган, «об» сўзидан бошқа ҳамма сўзларда мавжуд бўлган «с» товуши тавзиъ ҳосил қилган. Агар бу жумлани ўзбекчага санъатини сақлаб таржима қилсак, «Асбоб кескирлигининг кескин масаласи» бўлади.

ОЛМАЛАР БЕСАБАБ ТЎКИЛМАЙДИ

Халқ ичида шоир сифатида танилган Шукрулло 70-йилларнинг иккинчи ярмида насрга мурожаат этди — «Жавоҳирлар сандиғи» қиссасини яратди. Асар тузилиши, шакли, шунга монанд мазмуни жиҳатидан ўзбек совет адабиётида янгилик бўлди.

«Жавоҳирлар сандиғи» Шукруллонинг граждан ва ижодкор сифатида бутун умри давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, эстетик қарашлари, фалсафий мушоҳадаларининг квинтэссенцияси ўлароқ юзага келди. Қисса она замин ва замондош, устозлар ва ижодиёт, Инсон табиатининг ҳам азалий, ҳам доимо навқирон фазилатлари ҳақида Иқрорнома каби қоғозга тушди.

«Эрталаб боққа чиққан одам, тагига дув тўкилиб қолган олмаларга қараб, шамол қийратибди-ку, дейди. Бу ерда ҳам шамол бир сабаб. Аслида тўкилганлари ё қурт еган ёки пишиб етилганлари бўлади», дейди муаллиф «Жавоҳирлар сандиғи»да. Ёзувчи қалбида обдон етилган бу асар китобхонларнинг маънавий мулки бўлиб қолди.

«Шарқ юлдузи» журналининг шу йилги бешинчи ва олтинчи сонларида асарнинг иккинчи китоби — «Жавоҳирот сандиғи» босилиб чиқди. «Жавоҳирот сандиғи»да шоир ўз ҳаёт йўлида дуч келган бир қанча оддий, меҳнаткаш халқ вакиллари билан учрашамиз, уларнинг феъл-атвори билан танишамиз, мушоҳадалари замиридан ёзувчи фалсафий, ахлоқий, маънавий қарашларини уқамиз. Адибнинг халқ хазинасидан фойдаланиб ва ўзи томонидан яратилган ривоятлар, ҳикоятлар мисолида Муҳаббат, Инсоф, Ростгўйлик, Яхшилик, Эътиқод, Ҳалоллик, Шуҳрат ва Ғурур сингари ҳеч қачон эскирмайдиган, ҳамиша замонавий, Инсоннинг инсонлигини белгиловчи фазилатларнинг бадиий тадқиқини кўрамиз. Ёзувчи бу масалаларга муносабат билдиришда Ойбек, Ғафур Ғулом, Юнус Ражабий, Ҳабибий, Чингиз Айтматов, Мустай Карим, Қайсин Қулиев сингари машҳур ижодкорлар ҳақидаги хотиралари, ўйларидан ҳам унумли фойдаланади. Бу бир томондан улкан ижодкорлар сиймоси, характерларининг ихчам, лўнда, аниқ тасвирини яратишда қўл келса, иккинчи томондан, ҳаёт фалсафасининг бадиий талқини, Инсон ва Ижод моҳиятига доир Шукрулло концепциясининг ифода воситаларидир.

Шуниси эътиборлики, бу хотиралар айни вақтда ҳаётимизнинг айрим конкрет масалаларига муносабат билдиришга ҳам бўйсундирилади. Масалан, Ғафур Ғулом ва Юнус Ражабий ҳазиллари, баҳси асосида улар шахси ва ижоди буюклигининг илдизлари очилишидан ташқари, ҳозирги мусиқа ва қўшиқ санъатимизни бузаётган ўткинчи «созандалар» ҳам фош этилади.

«Жавоҳирот сандиғи»да ҳам, аввалги китобда кўринганидек, Саъдий «Бўстон» ва «Гулистон» асарларининг таъсирини сезиш қийин эмас. Лекин бу яқинлик фақат асарнинг шакли ва тузилишидадир. Асосий фарқ эса, санъаткорнинг ўзига хос ижодий услубида. Саъдий ва унинг замондошлари ёзган шу типдаги асарлар замирида асосан муаллифларнинг идеали ётади ва бу идеаллар ўз даври, жамияти учун тўкис амалга ошуви мушкул, утопик характерда эди. Жавоҳирот сандиғи»даги Инсонийлик ва Эзгуликка доир фикрлар эса конкрет-тарихийлиги жиҳатидан реал аҳамият касб этади. Асар қаҳрамонлари ҳам афсонавий — идеал даражасидаги шахслар эмас, биз билан бир даврда яшаган ва яшаётган замондошларимиздир. Лекин, шунга қарамай, «Жавоҳирот сандиғи»да баъзан ўтмишдаги панд-насиҳат китобларида учровчи дидактизм элементлари, оҳангларининг очиқ сезилиб туриши асарнинг умумий салмоғига бирмунча соя ташлаб туради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, асардаги тарихий шахслар ўзларининг тарихийлигини сақлаганлари ҳолда, бадиият қонунларига муносиб адабий қаҳрамон даражасида тасвирланадилар. Масалан, китобдаги Ота образи — бу тарихий шахс, адибнинг отаси, айни вақтда умумлаштирилган халқ донишманди образидир.

Фикримизча, «Жавоҳирот сандиғи»да баҳслашиш мумкин бўлган ўринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, асарда «Баҳор кезларида боласини тишида тишлаб, авайлаганча қўшни томдан бизнинг томга мушук сакраб ўтарди... Албатта, бу ҳам ўзига хос муҳаббатдан» деган парчага дуч келамиз. Тўғри, бу ерда «ўзига хос» деган жумла бор, лекин бундан қатъи назар, муҳаббат деган тушунча бизга фақат инсон учунгина хос туйғу бўлиб туюлади. Чунки бу сўз инстинктни ифодаловчи маънодан ташқари ижтимоий маънони ҳам ўзида акс эттиради.

Бадиий ўхшатиш, шартлилик масаласида ёзувчи имконияти ва ҳуқуқи беқиёс, албатта. Лекин, шунга қарамай, китобнинг бир ўрнида муҳаббатнинг пулга ўхшатилиши, у шоҳда ҳам гадода ҳам озми-кўпми бўлиши ҳақидаги фикрлар бироз эриш туюлади.

Асарда таҳрирталаб жумлалар талайгина. Мисоллар: «Аммо ўзи учун (деб) бировни азобга қолдириш севгими? Ахир, севгига ақл ҳам лозим. Севги фақат ўзининг хурсандчилигидан иборат бўлмаслиги керак» (5-сон, 21-бет), «Менинг колхоз раиси икки оғайним бор» (6-сон, 43-бет), «пахтанинг парвариши қилиб бўлинганидан кейин» (шу саҳифа), «Тахминан Улуғ Ватан уруши тамом бўлган кейинги йилларда бўлса керак» (6-сон, 47-бет), «Сафарда чоғимиз эди. Адабиётга аралашиб юрадиган Ойбекнинг танишларидан бири...» (шу саҳифа). Бу жумлада «Ойбекнинг» сўзи «адабиётга» сўзидан олдин келмагани учун номатлуб маъно чиқиб қолиши эҳтимол. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Яна бир мулоҳаза: «Жавоҳирлар сандиғи»нинг ушбу иккинчи китоби, асосан, биринчи китобда учрамайдиган бир қанча масалаларнинг талқинига бағишланган. Лекин шу билан бирга, унда муайян даражада аввалги китобдаги масалалар ҳам ўрин олган. Шу маънода бу масалалар бир жойда берилса маъқул бўлар ва асар биринчи, иккинчи китоб сифатида эмас, бир китоб сифатида яхлитлаштирилиб на... этилса дуруст бўларди. Зер... «Жавоҳирлар сандиғи» бар... хусусиятларига кўра, икки... алоҳида-алоҳида эмас, яго... ва ахлит асардир.

«Кишиларни маънавий ка...мол топтириш соҳасида ка...иш олиб бормай туриб, риво...ланган социализмни таком...лаштириб бўлмайди», дейи...ди ўрток Ю. В. Андропов... КПСС Марказий Комит... июнь (1983) Пленумида сўз... ган нутқида. Замондошла... мизнинг маънавий камолот... янада юксалтириш ишида ... вимли адабимиз Шукруллон... «Жавоҳирлар»и ҳам, шубҳас... муносиб ўрин эгаллайди, ... қимизни, айниқса ёшла... коммунистик идеаллар руҳ... тарбиялашга ҳиссасини қў...ди.

Бахтиёр НАЗАРОВ

ТЕРАН ВА ШОИРОНА ТАСВИРЛАР

Валентина ЛАҚОВСКАЯ,
санъатшунос

БУНДАН бир йил муқаддам ишга туширилган Кино уйи республикамиз пойтахтининг йирик маданий марказларидан бирига айланиб қолди. Бунда, шубҳасиз, мазкур қасрда жойлашган кўргазмалар зали ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ана шу қисқа даврда бу ерда Совет Ўзбекистонининг ҳозирги кундаги дастгоҳли рангтасвир санъати тенденциясини белгилайдиган йирик-йирик рассомларнинг асарлари шахсий ёхуд группали кўргазма тарзида намойиш этилди.

Инсон ва жамият, инсон ва табиат, инсон ва санъат, инсоннинг ички олами, унинг характерини бутун мураккабликлари ва ранг-баранг қирралари билан ифодалаш рассомларимизнинг диққат марказида турганлигини Кино уйида намойиш этилган асарлар яна бир карра тасдиқлади. Зеро, бу муаммонинг қай йўсинда ҳал қилиниши санъат мухлисларини ҳам тўлқинлантириб келади.

Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими И. Лимаковнинг полотнолари кўргазмалар ичида ўзининг анъанавий тематикаси, ёрқинлиги, учқур фалсафийлиги, миллий колорити, бетакрор услуби билан алоҳида ажралиб турди. Мазкур рассомнинг бадиий принципи ҳаётни бевосита акс эттиришдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам унинг шахсий кўргазмасида этюдлар, пейзажлар, жумладан, шу кунги Тошкентнинг манзараларига катта ўрин берилганига ҳайратланмаслик керак. Сиз Лимаковнинг асарларини томоша қилар экансиз, уларда ҳассос қалб эгаси —рассомнинг лирик ва колористик ҳиссиётларини дарров пайқаб оласиз.

И. Лимаков индустриал тасвирнинг таниқли намояндаларидан бири сифатида майдонга чиқади. Унинг ана шундай жанрдаги полотноларида республика саноатининг шу кунлардаги характерли белгилари кўтаринки романтик тарзда ифодаланганини «Йирик панелли завод» «Бекобод — металлурглар шаҳри», «Андижон ГРЭСи» асарларида кўрасиз. Шуниси характерлики, рассом тарихий мавзуда ҳам муваффақиятли ижод қилади. Фикримизнинг исботи учун санъаткорнинг диплом иши бўлмиш «Пржевальский экспедицияси», «Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг эълон қилиниши», «Ҳамзанинг ўлими», «Полкдошлар» асарларини эслатиш кифоя. Бу асарларнинг бадиий қиммати шундаки, уларда инқилобий давр нафаси барқ уриб туради, кескин курашлар, инсоннинг ички олами, жасорати, революция жангчиларининг интернационализми куйланади.

Агар Лимаков ижодида реаллик образнинг турли-туманлиги орқали бевосита ўз ифодасини топган бўлса, Ю. Талдикин (унинг кўргазмаси ҳайкалтарош Роберт Авакян асарлари билан бирга очилганди) ҳаётий материални шоирона позициядан туриб қайта кўриб чиқади, баҳолайди. Бунда у рангтасвир жанрига хос «тил»нинг шартлилигига таянади. Талдикиннинг талай асарларида вақтнинг шитобкорлиги, турли ижтимоий даврларнинг бир-бири билан маълум даражада алоқада бўлиши ҳам ўз инъикосини топган. «Эски буюмлар», «Ёзнинг сўнгги куни», «Асрлар қаъридан» полотнолари ана шундай асарлар сирасига киради. Хусусан, рассомнинг 60-йилларда яратган «Самарқанд» туркумига кирувчи «Регистон ёнида», «Нон бозори», «Сўзангарон кўчаси. Автопортрет» асарларида драматик пафос сезилиб туради. Бунда рассомга оралиқ масофани ва шаклларни талқин қилишда шартлилик, контрастлардан иборат рангли гаммаларнинг кучайтирилганлиги қўл келган.

Бироқ буларнинг ҳаммасига қарамасдан, меҳнат завқи ва ҳаёт қувончи Ю. Талдикин ижодида марказий ўрин тутади. Бу тенденция унинг манзара ва натюрмортларнинг бирлаштирилишидан яратилган «Баҳор мафтуни ва куз неъматлари», манзара ва жанр картинаси бўлмиш «Куз осмони остида» ва «Куз. Паркент узумзорлари»да яққол кўзга ташланиб туради. Мазкур сифатлар мусаввирнинг кўп сонли натюрмортлари учун ҳам характерли бўлиб, улар ўзининг ранглари бойлиги, рангтасвир динамикаси, материал пластикасининг қабариқлиги билан эътиборни жалб этади. Юрий Талдикиннинг бир неча картиналарида анъанавий маиший турмуш замонавий ритм билан чамбарчас боғланиб кетади. Бунинг натижасида халқ ҳаётидан олинган поэтик образ вужудга келади. Мўйқалам соҳибининг «Шоҳимардондаги чойхона», «Палос сотувчилар», «Эски қишлоқнинг янги томлари» асарлари ана шундай типдаги полотнолар жумласига киради.

Рассомнинг рангтасвир манерасида ўзбек халқи санъатига хос анъаналар сезилиб туради. Унинг ижодида, шу билан бирга, тўйинган, контрастли рангларнинг Ғарбий Европа тасвирий санъатида бўлганидек, чоғиштирилишини кузатамиз. Буларнинг ҳаммаси шаклнинг динамик умумлаштирилишига, оралиқ масофалар ҳалномасида шартлиликка, колоритнинг тиғизлигига олиб келади. Рангтасвирдаги бу сифатлар Талдикин полотнолари, шунингдек, кўп сонли автопортретлари ҳамда 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошида яратилган асарлар туркуми мазмунини очиб беришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аёнки, мусаввир ана шу асарлари орқали табиат билан бир бутунликни ташкил этган ўзига хос «олтин аср», инсоний бахт тушунчасининг идеал моделини гавдалантирган. Мазкур асарларда санъаткорнинг табиат ва жамиятда юз берган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлиги композиция таркибига автопортретлар киритиш воситасида ифодаланганлигига гувоҳ бўламиз. Биз бу ерда «Мовий жилға ёнида», «Автопортрет. Уч назокат», «Мовий жилға таронаси» каби асарларни назарда тутмоқдамиз. Бу орзу-картиналар ўзининг кўк-мовий колорити билан ҳам бошқа асарлардан ажралиб туради.

Шу билан бирга, Талдикин кўргазмага яланғоч аёллар тасвири акс эттирилган қатор полотноларни ҳам қўйдики, бу ишлар —поэтик йўсинда яратилган. «Эсдалик» бундан мустасно, албатта,— рангтасвир «тили»нинг шартлилигига қарамасдан, бирмунча дағал ва натуралистикдир. Уларни ҳақиқий илҳом билан яратилган дейиш қийин. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Юрий Талдикиннинг «Мангулик остонаси ёнида» деб номланган картинаси ҳам кишида шубҳа уйғотади. Бу асар мазмун жиҳатидан ҳам, образли ифодавийлик жиҳатидан ҳам эклектик характерга эга. Хайриятки, санъаткорнинг кўргазмадан ўрин олган кўпгина бошқа асарлари (расм ва акварелллар билан қўшиб ҳисоблаганда, улар уч юздан ошиб кетади) юксак маҳорат билан яратилган. Бу полотноларда рассом фикрлаш диапазонининг нақадар кенглиги, кўламлилиги барқ уриб туради. Лекин рассомнинг 60—70 йилларда шаклланган рангтасвир манераси кейинги йилларда ҳам ҳеч қандай ўзгаришларни бошдан кечирмади. Демоқчимизки, мусаввир янги ижодий изланишлар йўлидан бориши лозим.

РАССОМ Баҳодир Жалоловнинг намойиш этилган асарлари орасида ижодий интеллегенциямизнинг портретлари етакчи ўринни эгаллайди. Бу асарларда мусаввир инсоннинг ички оламини очиб беришда ўз тенгдошларидан жуда илгарилаб кетганлиги кўзга ташланади. Сиз ижодкорнинг «Қизиқчи Акрам Юсупов портрети», «Кинорежиссёр Комил Ёрматов портрети», «Артист Малик Қаюмов портрети», «Дераза» асарлари келгусида бундан ҳам теран ва мукаммал асар ярата олишидан дарак беради.

Гарчи Жалолов дастгоҳли рангтасвир жанрида кўп ва хўп ижод қилса-да, у ўзининг ижодий йўналиши ва касбий тайёргарлигига кўра, монументалчи рассом. Шуниси қизиқки, монументализмга хос аниқ-тиниқ белгилар бир неча дастгоҳли рангтасвир асарларида ҳам «манаман» деб туради. Булар «Ҳаётни тушуниб етиш», «Адашган думли юлдуз», «Уйғониш», «Қушонлар замини ҳақида хотира» каби муваффақиятли яратилган асарлардир. Шу билан биргаликда, Жалолов турмушнинг умумий қонуниятларини сюрреалистик принцип асосида қуриш орқали «муҳим гап» айтишга интилганлигини ҳам эслатмоқ керак. Рост, бу йўл рассом учун характерли эмас.

Ҳаётий воқеаларни кенг кўламда талқин этишга интилиш, умуминсоний муаммоларни конкрет ҳодисалар ва реал образлар орқали ифодалаш Жавлон Умарбеков ижоди учун ҳам хос хусусият. Санъаткор ўзининг жуда кўп манзара-картиналарида катта умумлаштирувчи куч соҳиби эканлигини намойиш қилиб асарлари орқали фалсафийлик ва кўтаринкилик каби муштарак туйғуларни улуғлади. Рассом жамият ва табиат ҳодисаларини жуда аниқ ва нозик фаҳмлаш иқтидорига эга бўлганлиги учун ҳам тасвирий санъатда катта муваффақият қозонди. Бу жиҳатдан унинг «Ғалаба боғида куз», «Москва» меҳмонхонаси қурилаётир», «Назарбек ёнидаги «Бўзсув», «Менинг ёрқин Сурхондарём» полотнолари ибратлидир. Рассомнинг бу ва бошқа асарларида «катта услуб»га хос кўламлилик, ритмдаги улуғворлик, шаклнинг пластика воситасида кучайтирилиши, ҳис-туйғуларнинг бир нуқтага тўпланиши, фикрнинг теранлиги ва ёрқинлиги диққатни ўзига жалб қилади.

Рассомнинг чет эл мамлакатларига қилган сафар таассуротлари асосида яратилган талай манзараларида эса драматик туйғулар устунлиги кўзга ташланади. Чунончи, унинг «Саҳрои Кабирдаги трансконтиненталь магистраль» картинасида рассом инсон ҳаёти ҳамда табиатни чоғиштириш орқали вақт ва оралиқ масофанинг чексизлигини бўрттириб кўрсатади. Мусаввирнинг кўпчилик асарларида макон ва замон конкретлилиги, миллий реаллик каби категориялар тарих ва умуминсонийлик нуқтаи назаридан ифодаланади. Тасвирий санъат мухлислари рассомнинг «Катта сув. 1930 йил», «Афсонавий дивизия командири Миркомил Миршаропов портрети» каби асарларида 20—30 йилларга хос совет ва ўзбек совет санъатидаги анъаналарга мурожаат қилганлигини яхши англайдилар. Бу асарларнинг бадиий қиммати шундаки, рассом конкрет тарихий лаҳзани мангулик категориясига айлантириб беради.

Қобилиятли рассом Г. Зильберман асарларида Ўзбекистон ўзининг характерли бўёқлари, маиший турмуши, фақат қуёшли ўлкамиз одамларига хос бўлган типларигача — бу ерда миллий психология ҳам назардан қочирилмаган — алоҳида бўртиб туради. Фикримизнинг исботи учун санъаткорнинг Бойсун табиати ва кишиларига бағишланган «Бойсун», «Каркас», «Томдаги лолалар» полотноларини кўздан кечириш кифоя. Зильберман ҳам худди Жалолов сингари халқ санъатига мурожаат қилади. У ўзи танлаган мавзуни портретлар воситасида эмас, балки халқ усталарининг умумлаштирувчи образлари орқали ҳал қилади. Унинг «Сандиқсозлар», «Кекса сеҳргар» полотнолари ана шундай асарлар жумласига киради.

Сўнгги йилларда Зильберман маълум сюжетга бўйсундирилган кўпфигурали композицияларга ҳам мурожаат қила бошлади. Бироқ бу хилдаги ёрқин образлиликкагина асосланиб яратилган асарлар «ҳикоя қилиб бериш» имкониятидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Бундай полотноларнинг айримлари, масалан, «Кўзларда акс этган виждон», «Инлар», «Эслаш», «Балоғат» умумфалсафий аҳамият касб этади. Бироқ шунга қарамасдан, Зильберманнинг бошқа бир қанча асарларида («Хўроз кўтарган бола» бунга ёрқин мисол бўла олади) Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ манзаралар эскилик ва янгилик ўртасидаги тўқнашув аспектида акс эттирилади. Рассомнинг «Эски Тошкент нони», «Лотерея билети», «Бойсун тўйи таронаси», «Тошкент —севган шаҳрим» картиналари ҳам чуқур халқчилдир.

Бухоролик ёш рассомлар ичида Баҳодир Саломовнинг ижоди халқ ҳаёти моҳиятини теран ва шоирона идрок қилиши билан ажралиб туради. Саломов палитрасида илиқ инсоний муносабатлар, инсон ва табиатнинг ажралмаслиги каби белгилар кўпроқ етакчи ўринга чиқади. У оддий иш кунларига хос турмушдан ҳам «муҳим гап айтишга» муваффақ бўлади. Саломовнинг «Куз ташвишлари», «Дарахт инсон билан тирик», «Қишни кутиб» полотнолари ана шундай руҳ билан суғорилган.

Агар рассом Саломовнинг услубида ижодни ягона мақсадга бўйсундириш ва яхлитлик етакчи ўринни эгалласа, Нисон Бобоев ижодида турли тематик ва услубий йўналишда кучни синаш жараёни кетаётганини кўрамиз. Гарчи Н. Бобоев ижодида бирмунча олақуроқлик кўзга ташланса-да, санъаткор асарларида самимийлик барқ уриб туради. Бу, шубҳасиз, ёш рассомнинг тасвирий санъат сирларини эгаллашга жиддий киришганлигини кўрсатади. Натурадан олинган этюдларда Бобоев мотивни талқин этишда том маънодаги шоирликка эришади. «Эски ҳовлидаги турмуш», «Бухородаги эски қабристон», «Кечки манзара» шундай асарлардан.

Яна бир бухоролик ёш рассом — Зелим Саиджонов полотноларининг композицион қурилиши ва ранглар гаммасида эса катта эркинлик мавжуд. Бу жиҳатдан унинг «Қуш тулуми фонидаги натюрморт» ҳамда бир неча автопортретлари қизиқиш уйғотади.

ХУЛОСА қилиб айтганда, Кино уйида очилган кўргазмалар сон жиҳатидан кўп бўлмаса-да, бир қатор рассомларимизнинг ана шу экспозициялар орқали ўз асарларини тасвирий санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола қилганликлари фактининг ўзиёқ қувонарли ҳолдир.

Мазкур кўргазмалар катта баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Бу — тасодифий ҳол эмас, албатта. Негаки, санъат, жумладан, тасвирий санъат ҳам совет кишиси маънавий оламининг ажралмас қисми сифатида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Санъат асарлари инсонни эстетик тарбиялашда катта роль ўйнабгина қолмасдан, балки унинг давримиз учун характерли бўлган муаммоларни чуқур тушуниб олишига ҳам яқиндан ёрдам беради. Худди ана шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкентдаги Кино уйи ва унинг кўргазмалар зали Ўзбекистон аҳолиси учун бебаҳо совға бўлди. Истиқболда бизни гўзаллик олами билан янгидан-янги, ҳаяжонли учрашувлар кутмоқда.

Кўргазма залида

Гулчеҳра УМАРОВА

ОВОЗ МЎЪЖИЗАСИ

МАШҲУР итальян трагик актёри Томаззо Сальвинига «Актёр учун энг муҳими нима?» деб савол берганларида, у «Биринчидан — овоз, иккинчидан — овоз, учинчидан — овоз». деб жавоб берган экан. Жаҳон театр санъати тарихидан буюк актёрнинг мазкур таъбири нақадар ҳаққонийлигини тасдиқловчи юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзбек саҳна санъатининг фахри, трагик роллар устаси Аброр Ҳидоятов ҳам овознинг аҳамиятини чуқур идрок этгани, овоз билан ишлашни жуда яхши билгани, ҳар бир образга унинг у ёки бу муайян ҳолатини теран очиб беришга қодир овоз кашф эта олгани учун халқимизнинг севимли актёрларидан бирига айланди, яшин тезлигида шуҳрат қозонди. Отелло ролидаги Аброр Ҳидоятовнинг ҳар бир монологи, айниқса, сўзсиз оҳ чекишлари, қайғули инграшлари мухлисларни қанчалик ҳаяжонга солади, томошабин ҳатто спектакль кўраётганини унутиб, актёр билан бирга яшайди, бирга фарёд чекади.

Ҳақиқатан ҳам, овоз актёрлик санъати ва маҳоратида улкан, беқиёс қудратга, аҳамиятта эга омиллардан биридир. Дубляж санъатида эса овоз энг асосий восита саналади. Зотан, мазкур ижодий жараёнда актёрнинг фақатгина овози иштирок этади. Тасаввур қилиб кўринг, актёр биргина овоз орқали конкрет характер кашф этиши, мўъжиза яратиши лозим. Шунинг учун ҳам, санъатнинг бу турида яратилган ҳар бир образ савияси, асосан, актёрнинг овоз ва нутқ билан ишлаш қобилияти, қолаверса, профессионал актёрга хос чинакам маҳорати, ижодий интеллекти ва интуициясига боғлиқ.

Римма Аҳмедова ижодий органикасининг айнан ана шу хусусиятлари мукаммал бўлгани учун ҳам у овоз орқали қайта кашф эттан образлар санъат шинавандаларига манзур бўлмоқда. Актриса, аввало, санъатсевар халқимизга Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида яратган ажойиб, сермазмун образлари билан танилган. Биз эса актриса истеъдод ва маҳоратининг дубляж санъатидаги аҳамияти хусусида сўз юритишни ният қилдик.

Римма Аҳмедова ўзининг дубляжга тайёргарлик кўриши ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Муайян фильм билан яқиндан танишиб чиқиб, ўша образга хос бўлган характерли хислатлар, унинг ички олами, дунёқараши ҳамда феъл-атворига хос фазилатларни, нутқи, нутқига хос белги ва хусусиятларни ўзлаштиришга ҳаракат қиламан». Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки тайёргарликсиз ё етарли тайёргарлик кўрмай лентага туширилган овоз образни сохталаштиради, фильмнинг умумий савиясига путур етказади.

Римма Аҳмедова ижодининг порлоқ саҳифаси бўлмиш дубляж санъати бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган, ўзига хос, бетакрор образлар силсиласини ўз ичига олади. Машҳур «Уруш ва тинчлик» фильмини ўзбек тилига дубляж қилиш жараёни актриса ҳаётининг энг ёрқин, унутилмас ва ҳаяжонли дақиқалари бўлиб қолди. Римма Аҳмедованинг машаққатли изланишлари туфайли Наташа Ростовадек тўлақонли образ ўзбек томошабинлари қалбига йўл топа олди.

Мана, бу ажойиб қиз илк бор балга ҳозирлик кўрмоқда. Унинг қувончи, ҳаяжони, тиниқ ҳиссиётлари, маълум даражада болаларга хос беғуборлиги, қалбан безовталиги, гоҳ киборларга хос нозиستиғнолари, гоҳида эса бироз далли-ғулли гап-сўзларини Римма Аҳмедова том маънода тугал — табиий, ҳаётий ва таъсирчан етказиб беришга эришади. Айниқса, князь Андрей Болконскийни уйда кутаётган вақтдаги изтиробли ҳолатлари, у билан юзма-юз тургандаги ички монологи томошабин қалбини ларзага солади.

Р. Аҳмедова овози Наташа Ростова образига шу қадар мос тушганки, актриса лаёқатига тан бермай, маҳоратини олқишламай иложингиз йўқ. Князь Анатоль Курагин билан қочмоқчи бўлган Наташа Соня томонидан фош этилиши эпизодини бир эсланг! Қизнинг тез-тез, кучли ҳаяжон билан изтиробли бидирлашлари, овозидаги ғайритабиий оҳанг тебранишлари, гоҳ йиғлаб, гоҳ ғазаб билан сўзлаши, қичқириши кишини бутунлай лол қолдиради. Хўш, актриса бунга қандай эришган? Бу жуда мураккаб эпизод бўлиб, у актрисадан бир вақтнинг ўзида бир неча зиддиятли ҳолатларни туйишни, ҳис этишни талаб қилади. Римма Аҳмедова эпизод моҳиятини чуқур англаган ҳолда қаҳрамони ҳолатини ўзида жонлантира олган. Умуман, у ҳақиқий санъат дурдонасини ўзбек тилида том маънода қайта яратишга муваффақ бўлган.

Биз юқорида актриса овозининг ўзига хослиги ҳақида сўз юритгандик. Дарҳақиқат, Римма Аҳмедова овоз берган ролларнинг қай бирини кўздан кечирмайлик, уларнинг барчасидаги овоз тебранишлари, бетакрор интонациялар кишини ҳайратга солади. Римма Аҳмедова овозининг тиниқлиги, ёқимлилиги, кенг диапазонлилиги, эгилувчанлиги, драматик образларга хос бўлган ички дардни дубляж санъатининг актёр учун ягона воситаси — овоз орқали бера олиш хусусияти «Яшил карета» бадиий фильмидаги крепостной театр актрисаси Варвара Асинкова образида янада яққолроқ намоён бўлади. Айниқса, фильмнинг Варвара Асинкова ижросидаги Офелия, Эсмеральда, Корделия ролларини акс эттирувчи эпизодларидаги таъсирчанликни сақлаб қолишда, фильмнинг яхлит жозиб кучини ўзбек томошабинларига етказиб беришда Римма Аҳмедова ҳиссаси беқиёсдир.

В. Асинкова саҳнада Офелияни ўйнаяпти. Унинг сўзлари ўзбек тилида нақадар нафис, ҳазин жаранглайди. Римма Аҳмедова бир вақтнинг ўзида ҳам В. Асинковага, ҳам Офелияга эътибор бера олган.

Мана, В. Асинкова навбатдаги премьерадан сўнг уйига қайтар экан, ҳар сафар уни зинапоя бўсағасида кутиб турувчи ошиқ йигит — поручикни учратмай, ўзининг ҳайратангиз ҳис-туйғуларини тасаввуридаги ҳамсуҳбатига тўкиб солади. Шу эпизодда ниҳоятда самимий, киши қалбининг туб-тубига етиб борувчи монолог бор. Уни ўзбек тилида тинглар экансиз, Р. Аҳмедова ўз қаҳрамонининг ички оламини, айни пайтдаги ҳолатини чуқур тушунганини, уни томошабинга юксак нафосат билан етказиб бера олганини ҳис этасиз.

«Душанбагача омон бўлсак» фильмидаги Наталья Сергеевна Наташа Ростова ва Варвара Асинковадан фарқли ўлароқ, бизнинг замондошимиз — ёш муаллима. Бунда Римма Аҳмедова овозининг яна бир хусусияти яққол кўзга ташланади. Бу — актриса овозидаги ўта босиқлик ва болаларча самимиятдир. Наталья Сергеевна ўз ўқувчиларига қанчалик қадрдон бўлиб қолган бўлса, дубляждан сўнг ўзбек томошабинларига ҳам шунчалик яқин бўлиб қолди.

«Сангам» бадиий фильми қардош республикалар ва чет элларда яратилган бошқа картиналардан фарқли ўлароқ рус тилидан эмас, балки аслидан, ҳинд тилидан ўзбекчага ўгирилиб, дубляж қилинганлиги учун ҳам дубляж фильмларининг қатор кўрик-конкурсларида биринчи ўринни эгаллади. Чиндан ҳам, фильм бамисоли ўзбек тилида яратилгандек таассурот қолдиради кишида. Бунинг боиси шуки, таржимонлар ҳинд тилидаги ўзбек тилига яқин айрим жумла, таъбир ва сўзларнинг ўзбек тилига уйқаш оҳангини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Мазкур фильмнинг бош қаҳрамонларидан бири — Радха образига овоз берган Римма Аҳмедовани дарҳол таниш бирмунча мушкул. Актриса овоз тебранишларининг сержилолиги, ҳиссиётининг нозиклиги туфайли Радха образи ўзгача руҳ, айрича жозиба кашф этди.

Актрисанинг нутқ, овоз билан ишлаш маҳорати нақадар юксаклигига ишонч ҳосил қилиш учун яна бир муҳим омилга мурожаат қилиш мумкин. Саҳна санъатига хос «травести» деган термин бор. Бу термин, асосан, спектаклардаги болалар ва ўсмирлар ролини ижро этувчи актрисаларга нисбатан қўлланилади. Ўзбек дубляж санъати ҳам ўз «травести»сига эга. Бинобарин, деярли барча дубляж фильмларидаги болалар ва ўсмирлар ролига актрисалар овоз беради. Светлана Муродхўжаева ва Светлана Тагирова ана шундай актрисалардан. Римма Аҳмедова ҳам шундай санъаткорлар сирасига киради. Римма Аҳмедова «травести» сифатида иштирок этган фильмлар сони йигирмадан ортиб кетди. Бундай фильмларда актриса овози образга мос бўлиб, унинг феъл-атвори, психикасига шу қадар муқобил ва мутаносибки, бу чиндан ҳам, Римма Аҳмедова эканлиги хаёлингизга ҳам келмайди. Буни фақатгина фильм титридан билиб олиш мумкин. Актриса «Маугли» мультфильмидаги сиртлон Багира образини ҳам овоз орқали қайта инкишоф этди. Бу Римма Аҳмедова чўнг истеъдодининг, ижодий органикасига хос чинакам артистизмнинг ёрқин далилидир.

БИЗ актрисанинг дубляж санъатидаги ижрочилик маҳорати, у яратган айрим образлар ҳақида фикр юритдик, холос. Муҳими шуки, санъатнинг бу турида актриса яратган ҳар бир образ хусусида қониқиш ҳисси билан илиқ, ижобий фикрлар айтиш мумкин. Биз актрисанинг ижоди янада баравж бўлишига, бундан кейин саҳнада ва экран ортида яратажак образлари билан санъат шинавандаларини хушнуд этишига ишонамиз.

КАМАЛАКЛАР ШАҲРИ

Ростислав Иванов — известиячи. Унинг илк расмлари «Известия» газетасида бундан йигирма йил олдин босилиб чиққан эди. Шундан бери бу графикачи рассом мазкур газета саҳифаларида актив қатнашиб келмоқда. «Кузги Таллин», «Заполярье. Биринчи қор», «Сургут—нефть ўлкаси», «Херсонда куз» сингари турли мавзудаги асарлари унинг бепоён мамлакатимиз бўйлаб қилган ижодий сафарлари жараёнида туғилди. Айниқса, унинг Қозон, Ульяновск, Москвадаги доҳий қадамжоларига бағишланган туркум асарлари муваффақият қозонди.

Графикачи рассом ижодида Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашлари ҳаёти алоҳида ўрин тутади. Унинг Норак ГЭСи қурувчилари ҳақидаги туркум асарлари газета саҳифалари орқали ўқувчиларга яхши таниш. У республикамизда ҳам бир неча бор бўлган. Биринчи бор у Тошкентга 1967 йилда, зилзиладан кейин келган ва бир қанча репортаж характеридаги ишлар, портретлар эълон қилган эди. Айниқса, унинг асарларида кўҳна шаҳардаги талофатдан кейинги улкан яратувчиликлар, қаҳрамонликлар, халқлар ўртасидаги қардошлик, дўстлик алоқалари, ҳамкорликлар муносиб тарзда аксини топганди. У республикамиз бўйлаб қилган кейинги сафар таассуротлари асосида ҳам кўплаб асарлар яратди.

—Тошкент — камалаклар шаҳри, —дейди рассом. —Уни ҳар сафар турли ранглар оғушида кўраман ва ҳар гал янгидан кашф этаман. 2000 йиллик тарихга эга бўлган бу қадимий шаҳарга камалаклар жилоси ажиб навқиронлик бағишлайди.

Суратларда: Ростислав Иванов асарларидан намуналар. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Тошкент Давлат университети, Тошкент метроси қурилишида.



ТОШКЕНТ ЖИЛОЛАРИ

Пойтахтимизнинг барча меҳнаткашлари қатори Ўзбек давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли коллективи ҳам шаҳримизнинг 2000 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Композитор Сайфи Жалилнинг «Тошкент жилолари» деб аталган вокал-хореографик композицияси шундай тўёналардан биридир. Уни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қ. Мўминов саҳналаштирган.

Композиция шаҳримизнинг фақатгина бугунги кунини эмас, балки революцион тарихи, ҳамюртларимизнинг инқилоб йилларида олиб борган кураши ҳақида ҳикоя қилади.

«Тошкент жилолари» пойтахт юбилейи кунларида намойиш қилинади.

Кришан ЧАНДР
(Ҳиндистон)



ҲИКОЯ

Бир киши ўрага йиқилиб тушди ва «Ҳой, ким бор, ёрдам беринг» деб дод-вой сола бошлади.

Ўра кўчанинг қоқ ўртасида эди ва кўзга яққол ташланиб турарди. У жуда эски ўра бўлиб, чуқур, аммо ўлгудай тор эди. Унинг устидан машиналар ҳам тап тортмай ғизиллаб ўтиб кета берарди; модомики машиналар бемалол ўтиб-қатиб турар экан, уни кўмиш ё тузатиш ҳақида ким ҳам бош қотирарди, дейсиз.

Дод-фарёдни эшитиб, икки киши шу ерга келди; улардан бири шим кийган, иккинчиси хокий некарда[1] эди. Шим кийгани ўранинг лабига келиб қаққайиб турди. Хокий некардагиси эса ўранинг оғзига чўнқайиб ўтирди-да, бирий[2] чека бошлади. У дам-бадам бирийнинг кулини ўрага чертиб-чертиб қўяр эди.

—Ёрдам беринг, мени қутқаринг!—йиқилиб тушган киши шундай дея ўра ичида қўлларини кўтариб, жони борича бақира бошлади.

Хокий некардаги одам чармдан қилинган бир думалоқ, қутичага ўхшаган нарсани чўнтагидан чиқарди, ҳалиги қутичанинг устида жездан қилинган бир тугмага ўхшаган нарсаси бор эди. Хокий некардаги одам бирийни чекиб тугатгач, жез тугмачани буради, чарм қутичанинг ичидан эгилувчан пўлат лентадай бир нарсани тортиб чиқарди. У пўлат лента билан ўранинг узунлигини, энини ўлчади. Сўнгра чуқурлигини ўлчаб туриб, «Йигирма икки фут» деди.

Шим кийган жаноб афсуслангандек тилини чиқиллатди-да, «Чуқурлиги чакки эмас» деб қўйди.

—Мен ҳам худди шуни айтаман, — деб қичқирди йиқилиб тушган киши. — Ўра жуда ҳам чуқур. Худо ҳайрингизни берсин, мени олиб чиқиб қўйингизлар, бўлмаса ўлиб кетишим ҳеч гап эмас.

—Жим бўл! —деб ўшқирди шим кийган одам унга. —Бизнинг ишимиз ўранинг ҳажмини ўлчаш, бировни ундан тортиб чиқариш эмас.

Улар кетгач, йиқилиб тушган одам яна бақира бошлади:

—Ёрдам беринг, бир бало қилиб тортиб олинг, ҳой, ким бор?..

Унинг шовқинини эшитиб уч нафар одам келди ва ўрани уч томондан қуршаб олди.

Улар жуда диққат билан ўрага йиқилиб тушган одамни кузата бошладилар.

—Йиқилиб тушдингми? — деб сўради улардан бири.

—Ҳар бир кўчада бунақа ўралардан нечталаб бор,— деди бошқа киши гапга қўшилиб. — Бизнинг муниципалитетимиз, кўзини очиб юрган одам ҳеч қачон йиқилиб тушмайди, деб кўчаларда шундай катта-катта ўралар қаздириб қўяди. Йиқилиб тушган одам ўзидан кўрсин.

—Менинг ҳеч қанақа айбим йўқ, — йиқилиб тушган одам хириллаган овозда гапирди.— Мен бу ўрага кеча-тунда йиқилиб тушган эдим. Кўча зимзиё эди, бу кўчада симёғочлар бир-биридан узоқ-узоқда экан. Шу ўранинг қаршисидаги симёғоч бор-ку, ўшанинг бошидаги чироқ синган экан; ишонмасангиз, ўзингиз қараб кўринг. Илтимос, мени чиқариб қўйингизлар, раҳмларингиз келсин, хотиним уйда йўлимни пойлаб кўзи тешилгандир.

—Юринглар тезроқ, — иккинчи одам кўчанинг нариги тарафига ишора қилиб, иккала шеригини тезлади. —Фонд биржасига борадиган автобус к[illegible], бу бадбахтни чиқариб о[illegible]ан дегунча неча минг ру[illegible] зарар кўрасан.

[illegible]алалари автобусга қараб ю[illegible]ди.

[illegible]ндан кейин ўрага йиқи[illegible] тушган киши шунақанги кучаниб бақирдики, дарров ўранинг атрофида бир талай одам пайдо бўлди. Ҳаммалари таажжуб билан ўрадаги одамга қарамоқда эдилар, бироқ ҳеч ким уни тортиб чиқарай демасди.

—Ўра жуда ҳам чуқур экан, —деди бир киши.

—Ичи шундоқ лойга ўхшайди, — деди иккинчиси.

—Уни қутқарувчининг ўзи ўрага йиқилиб тушиши мумкин, —деди учинчиси.

—Лекин барибир, кимдир бу шўрликни тортиб чиқариши лозим-ку, — деди бир ўрта ёшлардаги аёл боласини маҳкамроқ қучиб.

Кўчанинг қоқ ўртасида халойиқнинг турганини кўриб, бир полициячи чопа-чопа келди-да, дўқ-дағдаға билан одамларни тарқата бошлади:

—Нима бўлди? Қочинглар!.. Бунақа тўдалашиб туриш қонунга тўғри келмайди? Қип-қизил тентак бўлиб қолибсанлар барине!.. Тарқалинглар яхшиликча, бўлмаса ҳозир оқ калтак-қора калтак қиламан.

Полиция либосини кўрибоқ, ҳамма тум-тарақай қочди. Ўранинг оғзида полициячининг бир ўзи қолди. У блокнотини чиқарди-да, ўқрллаб деди:

—Ярамас! Атайлаб ўрага тушиб олибди-да, халқни йиғиб, одамлардан пул йиғишнинг янгича усулини ўйлаб топибди!

— Худо ҳайрингни берсин, полициячи! Мен сен ўйлагандақа одам эмасман, ўрага йиқилиб тушдим, чиқариб қўй.

Полициячи диққат билан ўранинг ичига қаради. Пастда, ўранинг ичида сув трубаси кўзга ташланарди. Ундан чак-чак сув томмоқда ва ўранинг тубида халқоб бўлиб йиғилмоқда эди.

—Сен сув трубасига зарар етказиш мақсадида ўрага тушгансан, — полициячи ғазаб билан қичқирди. — Борди-ю, шаҳарда вабо тарқалгудек бўлса, мен сени бирор чет эллик жосус, деб гумон қиламан, вассалом.

—Мен ҳеч қанақа жосус-посус эмасман, худо ҳайрингни бергур, полициячи! Мен бир ғариб шаҳарликман, янги қурилаётган иморатларга ғишт ташиб қорин тўйдираман.

—Ҳаммасини аниқлаймиз, полициячидан ҳеч нарсани беркитиб бўлмайди. Хўш, исминг нима? —Қаерда турасан? Ёшинг нечада?

Йиқилиб тушган киши жавоб айтди. Полициячи унинг башарасига қараб, афт-андомини кузатди-да, дафтарчасига ёзиб қўйди ва «Сени судга чақирамиз» деди.

—Чақириш бўлса қочмас, аввал мени ўрадан чиқариб қўй, —деди йиқилиб тушган киши тишларини ғичирлатиб.

—Мен сени бу ўрадан тортиб чиқаролмайман, — полициячи блокноти ва қаламини чўнтагига солишдан аввал бир варақ йиртиб олди-да, уни йиқилиб тушган киши томонга иткитиб туриб, таъкидлади: — Мана бу чақириқ қоғозинг. Эртага эрталаб соат ўнга қолмай Чоукдаги маҳкамага бориб рапорт бер.

... Йиқилиб тушган киши оғзини труба жўмрагига қўйиб, мириқиб сув ичди ва қайтадан жўмракни беркитди. Энди трубадан бир томчи ҳам сув томмай қўйган эди.

Сув ичиб, бир неча лаҳза тин олди, кейин осмонга қараган эди, кўзи тепадан унга тикилиб турган жуда кўп кўзларга тўқнашди.

— Назаримда, бирон гадоймадой бўлса керак, — деди бир киши.

—Ҳой биродар кела ёйсанми? —деди бир талай кела кўтариб олган одам.

Ўрага йиқилиб тушган киши жон-жаҳди билан келани ҳовучида илиб олди, ахир у очликдан зўрға турган эди-да. Пўстини арчиб, бир ямлашдаёқ ютиб юборди. Кела ташловчи унинг ҳалқумини яна бир томоша қилиш учун иккинчи келани у томонга ирғитди.

—Энди рақамингни айт.

—Ўйимнинг рақамининими? —деб сўради.

—Уйингнинг рақамини бошимга ураманми, биржангнинг рақамини... тақсир.

—Мен ҳеч қанақа тақсир-пақсир эмасман, — дея йиқилиб тушган киши овозининг борича қичқирди. — Мен бир камбағал шаҳарликман, ғишт ташувчиман. Ҳой, ноинсофлар, қанақа одамсизлар ўзи?!

—Хумпар, иккита келамизни еб туриб, тағин бизни ноинсоф дейди-я, — деди келали одам.

—Бу ҳам етмагандай рақамини ҳам айтмайди, — деди иккинчи одам ва ўранинг лабидан бир юмалоқ кесакни кўчириб олди. —Шу билан бир уриб миясининг қатиғини чиқарайми?

Сўнг булар ҳам уни ёлғиз қолдириб, кўздан йўқолишди.

Бирпасдан кейин бир енгил машина ўра яқинига келиб тўхтади ва ундан қимматбаҳо костюм-шим кийган новча, юзлари оппоқ бир киши тушди. Унинг кўзидаги кўзойнак ҳам қимматбаҳо эди. У ўрадаги йиқилиб тушган кишига қараб, ачиниш билан жилмайган эди, йиқилиб тушган киши унинг оғзида ярақлаб турган бир жуфт тилла тишни кўрди.

—Ҳело! —деди ҳалиги киши.—Менин исми шарифим—Барнзаинг.

—Тақсирим, —деди йиқилиб тушган киши ғоят мулойим оҳангда, — Мени бу ўрадан чиқариб қўйинг.

Жаноб ўзининг қимматбаҳо қўл соатига қараб бир нималарни ҳисоблаган бўлди-да, «Мен атиги ярим соат вақтингизни оламан», деди.

—Ярим соат эмас, бир соат вақтимни олинг, икки соат вақтимни олинг, фақат мени мана шу ўрадан чиқариб қўйинг.

—Сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман, —оқтанли жаноб қора чарм қопламали қалин блокнотини ва қимматбаҳо авторучкасини чиқарди.

— Сўранг- сўранг, — деди йиқилиб тушган киши жуда тоқати тоқ бўлиб.

—Сиз қачондан бери бу ўрада ётибсиз?

—Кеча тундан бери.

—Кеча тундан бери бўлса бордир, аммо сизга қандай туюлади, яъни қачондан бери ётганга ўхшайсиз?

—Ростини айтсам, бир неча юз йилдан бери ётганга ўхшайман.

—Оҳ-оҳ-оҳ, — оқбадан жаноб тез-тез ёза туриб деди.— Мен ҳам худди шу жавобни кутган эдим... Хўш, энди айтинг-чи, ўрага йиқилиб тушганингизда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

— Мен... қаёқдан билай,— деди йиқилиб тушган киши вужудини ваҳима чулғаб.

—Бундан чиқди, сиз бу ўрада ётганингиздан мамнун эмассиз?

—Худо кўрсатмасин.

—Шунақами? Жуда ношукур одам экансиз. Борди-ю, бундан ҳам чуқурроқ ўрага дуч келиб қолганингизда, суякларингиз ушалиб кетиши мумкинлигини ўйламайсизми?

—Эй-й, жаноб! Илтижо қиламан, —дея йиқилиб тушган киши қўлларини ковуштириб ёлвора бошлади. — Бунақа телба-тескари саволлар беришни бас қилинг, мен бир бекасу бечора ғариб одамман. Бир бало қилиб мени бу ўрадан чиқариб қўйинг.

— Германиянинг куч-қудрати ҳақида сизнинг фикрингиз қанақа?

—Эй-й, жаноб! Худога шукур, мен ҳалигача ҳеч кимнинг куч-қудратига рўпара бўлганим йўқ. Ўлай агар, бутун умрим ғишт ташиш билан ўтяпти.

—Америка билан Россия— бу иккаласининг қайси бирини маъқул, деб топасиз?

—Мени ўрадан чиқариб олганини, — деб жавоб берди йиқилиб тушган киши сабр косаси тўлганидан кўзларини юмиб.

Оқтанли киши блокнотини ёпди-да, жилмайиб туриб деди;

—Ташаккур. Шундай мушкул аҳволда бўлишингизга қарамай, сиз менинг саволларимга жавоб бердингиз. Бунинг учун сизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Хўп, хайр, мен кетдим.

—Мени ўрадан чиқариб кетинг ҳеч бўлмаганда, — деб яна ёлворди йиқилиб тушган киши.

—Афв этсинлар, —деди оқ танли жаноб.—Бу менинг вазифамга кирмайди.

Ўрага йиқилиб тушган киши хафачиликдан оҳ-воҳ чека бошлади. Иссиқ забтига олган эди. Қуёш шундоқ тепасидан туриб игналарини унинг баданига аёвсиз санчмоқда. У чаккаларини иккала қўли билан маҳкам сиқиб олди-да, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.

—Нега йиғлаяпсан, ҳой бола? —деган овоз келди тепадан.

Йиқилиб тушган киши йиғидан тўхтаб, тепага қаради. Тепада сочларини ўстириб олган садҳунинг[3] гавдаси кўринди.

—Садҳу маҳораж[4], — деди йиқилиб тушган киши йиғлаб—бир бало қилиб мени бу ўрадан тортиб олинг.

—Оббо, болака-ей, — деди садҳу кулиб туриб, —қанақа нодонсан ўзинг, бу мўъжазгина ўрадан чиқиб, ташқаридаги улкан ўрага тушмоқчимисан? Эҳ нодон, бу жамики ер юзининг ўзи бир катта ўра, ҳар банда бир ўрада яшайди: бири кичкина, бири катта ўрада. Ҳеч кимга қутулиб чиқиш насиб этмайди, биргина худо холос қилиши мумкин.

—Шундоқ қўлингизни бериб туринг, —деди у эланиб-ёлвориб. —Сизнинг мададингиз билан тепага, кўчага чиқиб оламан.

—Кўча нимаю, ўра нима; зофур нимаю, устун нима —бари бир гўр. Бу дунё бошдан-оёқ сароб, ёлғончи дунё, — деди садҳу қўлларини ёйиб.— Мен тўғри ҳаридворга йўл оламан, сени бу ўрада чиқаролмайман. Ҳа, дарвоқе, қаерда бўлсанг ҳам бошинг тошдан бўлсин, деб фотиҳа бера оламан, холос, болам.

Садҳу маҳораж кетгандан кейин елиб-югуриб иккита одам келдида, улардан бири. «Мана шу ўра» деди.

—Ҳа, худди шу бўлади, — деди иккинчиси, — лекин анча катта экан.

—Бунинг ичига бир киши ҳам йиқилиб тушган, —деди биринчиси.

—Бу одамни ўрадан чиқариб олинмагунча, уни кўмишнинг сира иложи йўқ. Бироқ вақтингиз кифоя қилмайди, —деди иккинчиси.

—Ўрани тўлдиришни ҳам вақтимиз тақозо қилмайди, — деди биринчиси.

—Атиги ўн дақиқа вақт қолди.

—Энди нима қилиш керак?

—Мени ўрадан чиқариб олинглар, — деди йиқилиб тушган киши заиф овозда чинқириб.

—Жим бўлсанг-чи! Мунча валақламасанг, —деди биринчиси,—Ҳозир министр жанобларининг машиналари бу ердан ўтади, шунинг учун қандай ётган бўлсанг, шундай нафасингни чиқармай ётавер, ғиринг десанг, каллангни сапчадай узаман.

Ўрага йиқилиб тушган киши қўрққанидан тили танглайига ёпишиб қолди.

—Ҳов анави янги қурилаётган бино тагида бир талай тахта ётувди, ўшаларни олиб келиб ўра оғзига терамиз-да, министр жаноблари ўтиб кетгач, яна жойига олиб бориб қўямиз.

Чунончи, шундай қилинди. ҳам. Ўрага йиқилиб тушган кишининг бошидан тахталар терилди, министр жаноблари ўтиб кетгач, яна тахталарни жойига олиб бориб қўйишди.

Кейинчалик министр жаноблари шундай баёнот эълон қилдилар: «Кўчада ҳеч қанақа ўра кўринмади, бошқа жойларда ҳам мен биронта ўра-пўра кўрганим йўқ. Кўчалар ғоят тоза ва шинам, шикоятчилар ҳукуматнинг обрўйини тўкиш учунгина шундай дейдилар».

Кун оғиб, соялар чўзила бошлади. Тўрт-беш кундан бери соқоли олинмаган, сурнай поча шим кийган, сочлари елкасига тушган бир йигит ўра тепасида кўринди.

Ўрага йиқилиб тушган кишининг кўнглида умид учқуни йилт этгандек бўлди, чунончи, паст овозда деди:

—Ҳой йигитча, мени ўрадан чиқариб қўй.

—Бу менинг қўлимдан келмайди, — деб жавоб берди йигит йўқ дегандек бошини чайқаб. — Бундай қилгудек бўлсам, менинг ижодий фаолиятимда сентиментализм, эҳтимолки, утилитаризм ғоялари пайдо бўлиши мумкин. Ҳолбуки, мен бу ҳар иккала тенденциядан қаттиқ нафрат қиламан.

—Сен ўзинг ким бўласан, ҳой йигит? — йиқилиб тушган киши ҳайрат билан унга тикилиб туриб сўради.

—Менми? Мен янги ёзилган шеърнинг муаллифиман. Мен бундан юз йил кейин истифода этилиши лозим бўлган шеърлар ижод қиламан. Шеърлар мажмуам эса «Зулматдан зиё» номи билан бугун босмадан чиқди. Қалай, номи чакки эмас-а? Мен сизга шу мажмуамдан бир нусхани тақдим этиб кетаман. Ўрада ўтириб, бир мириқиб ўқинг уни.

Шундай деб, шоир янги шеърий тўпламидан бир нусхани пастга, ўрага итқитди-да, қаҳвахона сари равона бўлди.

Кун ўтиб, тун чўкди. Ўрага йиқилиб тушган кишига бу ўра яна ҳам қўрқинчли ва яна ҳам қоронғи туюла бошлади. Аллақаерларда, узоқ-узоқдан хирагина чироқлар милтиллаб кўринмоқда эди. Ўқтин-ўқтин машиналар гувиллаб ўтарди. Ғилдираклар нақ унинг боши устидан ўтар ва даҳшатдан дағ-дағ титрар эди. Энди совуқдан унинг аъзойи бадани титраб-қақшамоқда, худди тиззаларигача билқиллаб турган балчиққа ботиб тургандек ҳис қилмоқда эди ўзини. Бирдан у боши устида қандайдир шарпа турганини кўрди.

Йиртиқ-ямоқ сорий кийган, сочлари тўзғиган бир аёл телбаларча у ёқ-бу ёққа алангжаланг қарамоқда эди. У бу одам ўз оёғи остида ётганидан, бундан, ташқари унинг оёғи остида қанақанги даҳшатли ўра борлигидан мутлақо бехабар эди.

Шунда эр ўз хотинини таниб қолди ва таниши ҳамоноқ унинг оғзидан кучли бир қичқириқ отилиб чиқди. У хотинининг исмини айтиб чақирди.

Аёл чўчиб тушди, овоз қайси томондан келаётганини билиш учун у ёқ-бу ёққа қарай бошлади.

—Мен бу ердаман, —овозининг борича бақириб ўрадаги киши. — Ўранинг ичидаман.

Аёл ўрага энгашди.

Эр қувончдан титраган қўйи хотинининг исмини айтиб деди:

—Қўлингни узатсанг-чи, ҳой, энгашиб бундоқ қўлингни пастга узат.

Аёл шодликдан кўз ёшларини арта-арта қўлини пастга чўзди, пастда ўрага йиқилиб тушган киши хотинининг қўлидан ушлаб ташқарига чиқиш учун куч билан бир интилган эди, унинг хотини ҳам сирғаниб кетиб, ўрага йиқилиб тушди.

Орадан ўн йил ўтгач йўлим шу кўчадан тушиб қолди. Кўчанинг аҳволи илгаригидан бешбаттар бўлиб кетганди. Ҳалиги ўра ўша-ўша жойида турарди. Бизлар намойишчи сифатида кетмоқда эдик. Қўлларимизда баланд-баланд байроқлар бор эди, уларга «Бизга нон бер, кийим-кечак бер, меҳнатимизга ҳақ бер, ҳамма тушунадиган шеърлар бер, меҳр тўла кўзлари билан ҳаёт бер, автобус бекатларида кўпчилик қатори навбат кутиб турувчи ҳоким бер» деган шиорлар битилган эди.

Бизлар байроқларни кўтарганча аста-секин ўша кўчадан бораётган эдик, кўчанинг қоқ ўртасида ҳалиги ўрага дуч келдик. Ҳаммамиз ўранинг лабига келиб тўхтадик ва таажжуб билан унинг ичига қарай бошладик.

Ўрага йиқилиб тушган киши ҳали-ҳамон ўша ерда эди, унинг хотини ҳам ўзи билан бирга эди. Бу орада улар иккита бола кўришган ва ҳалиги ботқоқ, бадбўй ва ифлосга кўмилиб ётганча инсонлик қиёфасин ҳам йўқотишган эди. Одамзоддан кўра кўпроқ даҳшатли қурбақа ё тошбақани эслатарди улар.

Бирдан жуда кўп қўл ўранинг ичига қараб чўзилди.

—Юринглар, юринглар, юқорига чиқинглар, ўрадан чиқинглар, биз билан бирга юринглар, — дедим мен.

Ҳалиги кишининг кўзлари қинидан чиқаёзди. У битта боласини қўллари билан тўсиб олди ва иккинчи боласини хотини маҳкам бағрига босди. «Йўқ, йўқ», деди аёл қўрқаписа.

Мен ўрага йиқилиб тушган кишига қараб дедим:

—Биз сени ўрадан тортиб чиқаргани келдик, биз билан юр, қара, ташқарининг ҳавоси нечоғлик тоза, ҳаётнинг бағри нечоғлик кенг, осмон нечоғлик тиниқ, юр, бизларга қўшилиб, аъло ҳаёт ташвишини қил.

Биз унга ёрдам бериш учун қўлларимизни ҳам пастроққа чўздик. Эру хотин ҳам, болалар ҳам—ҳаммаси бараварига пусиб, ўранинг тубида ғужанак бўлиб ўтириб олди.

Шу топ ўрага йиқилиб тушган киши бошини чайқаб туриб деди:

—Йўқ, йўқ, энди мен сизлар билан ҳеч қаёққа кетолмайман, бу ўрада мен роса ўзимдан тинчиб олганман.

Ҳинди тилидан Амир ФАЙЗУЛЛАЕВ таржимаси

1. Хокий некар — кулранг аскарча либос.
2. Бирий — тамаки (ўраб чекилади)
3. Садҳу — қаландар.
4. Маҳораж — улуғ, муҳтарам.

Расмни А. Мирзаев чизган

ОЛТМИШ ОЛТИНЧИ МАВСУМ

Тўкин-сочин август республикамиз пойтахтидаги кўпгина театрлар учун таътил ойи бўлди. Аммо саҳна санъати ижодкорлари бу муддатда ҳам фақат томошабин наздидагина дам олишди, холос. Аслида эса ташқаридан қараганда кимсасиз кўринган мана шу бинолар ичида, атрофида саргашта япроқлар учиб юрган мана шу берк эшиклар ортида тинимсиз ҳаёт қайнади, янги саҳна асарлари дунёга келди. Эндиликда санъат мухлислари уларни интизорлик билан кутишмоқда.

Бугун Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри тантанали равишда ўзининг 66-мавсумини очади. Шу муносабат билан театрнинг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ленин орденли академик театримиз ўзининг 65-мавсумини муваффақиятли якунлади. «Юрак операцияси» (А. Софронов), «Рўё» (Д. Соломон), «Ҳар тўкисда бир айб» (А. Островский), «Аризасига кўра» (Ў. Умарбеков) каби янги спектаклларимизни жамоатчилик яхши кутиб олди. «Рўё» спектакли социалистик мамлакатлар драматургияси ва театр санъати конкурсида юксак мукофотга сазовор бўлди.

Бу мавсумда Мухтор Авезов номидаги Қозоқ давлат академик драма театри билан уюштирилган ўзаро гастролларимиз ҳар иккала халқнинг қардошлик байрамига айланди.

Театримиз ўзининг янги 66-мавсумини ўзбек саҳна санъати ва драматургиясининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» спектакли билан очади. Жонажон шаҳримиз Тошкентнинг 2000 йиллик тўйи кунлари эса улуғ бобомиз Бобур ҳақидаги «Юлдузли тунлар» (П. Қодиров) спектакли намойиш этилади. Бу асарда асосий ролларни Ё. Аҳмедов, М. Орипов, Э. Комилов, Т. Мўминов каби иқтидорли актёрларимиз ижро этадилар.

Ҳозир режиссёр Рустам Ҳамидов, М. Хайруллаевнинг «Кетар жафоси» комедияси устида иш олиб бормоқда.

Бундан ташқари, Уйғуннинг «Зебуннисо» драмасини саҳналаштириш, бирорта янги спектакль қўйиб бериш учун СССР халқ артисти Л. Е. Симоновни таклиф этиш, кичик саҳнани ишга тушириш каби ниятларимиз бор.

Бу мавсумда кўрсатиладиган янги спектаклларимиз ҳам асар талқини, саҳна безаклари, роллар ижроси жиҳатидан бирмунча янгича. Масалан, «Бой ила хизматчи»нинг янги саҳна вариантини олайлик. Эҳтимол, бунда Ёдгор Саъдиев Ғофир ролини Шукур Бурҳоновга, Сайёра Юнусова Жамилани Сора Эшонтўраевага, Ёқуб Аҳмедов бойни Обид Жалиловга, Дилбар Каримова, Хонзодани Холида Хўжаевага етказиб ўйнай олмагандир, аммо булар ижросида ҳам ўзига хос янгиликлар, такрорланмас топилмалар мавжуд. Яна шуниси қувончлики, бу мавсумда ҳам сафимиз эндигина институтни битириб келган актёр ва актрисалар билан бойиди. Биз театримиз замона билан ҳамнафас қадам ташлаётганидан, кундан-кунга ўсиб-ўзгариб бораётганидан хурсандмиз.

Сапар ХЎЖАНИЁЗОВ

Қорақалпоқ совет адабиёти оғир жудоликка учради. ҚҚАССР халқ ёзувчиси, Бердақ мукофоти лауреати Сапар Хўжаниёзов узоқ давом этган оғир бетобликдан сўнг, 70 ёшида вафот этди.

Сапар Хўжаниёзовнинг бутун ҳаёти Станиславский номидаги қорақалпоқ Давлат театри билан чамбарчас боғлиқ эди. У актёр, режиссёр, директор, адабий эмакдош ва, ниҳоят, театрнинг етук драматурги сифатида қорақалпоқ томошабинларига яхши таниш эди.

Унинг «Суймаганга суйкалма», «Менинг Баҳодирим», «Бахт», «Зиёда» каби йигирмага яқин драма ва комедияси қисса ва ҳикоялар тўплами совет турмуш тарзини ифода қилди.

Драматург, шоир, публицист Сапар Хўжаниёзов бутун онгли фаолиятини адабиёт ва театр ишига ўзи 1952 йилдан бери аъзо бўлган Коммунистик партия ғояларига бағишлади.

У жамоат ишларида фаол қатнашди. С. Хўжаниёзов «Ҳурмат белгиси» ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР ва ҚҚАССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофтланган эди.

Коммунист ёзувчи, меҳрибон дўст хотираси қалбларимизда умрбод сақланади.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленияси
ҚҚАССР Ёзувчилар союзи правленияси

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Жаҳон жамоатчилиги КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларини тинчлик манфаатларини кўзлаб қўйилган муҳим қадам сифатида кутиб олди. Хорижий мамлакатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқининг собитқадам сиёсатини юксак баҳолаб Ю. В. Андропов жавобларида ўртага қўйилган таклифларни янги совет тинчлик ташаббуси сифатида олқишламоқдалар.

Ю. В. Андропов ўртага ташлаган амалий ташаббуслар, дейилади шу муносабат билан эълон қилинган Жаҳон Тинчлик Кенгашининг баёнотида, СССР холис ниятининг нишонасидир.

Дарҳақиқат, Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини чеклаш муаммосини ҳал этиш, Европадаги мавжуд ўртача олисликка учириладиган ракеталарни қисқартириш йўлида имкони бўлган барча ишларни қилмоқда. Ўртоқ Ю. В. Андропов таъкидлаб ўтганидек, мақбул битимга эришилган тақдирда Совет Иттифоқи ўзининг мамлакат Европа қисмидаги ўртача олисликка учириладиган ракеталарининг Англия билан Франциянинг ракеталари миқдорига тенг даражада қисқартирган ва йўқ қилиб ташланган бўлур эди. Англияда чиқадиган «Обсервер» газетаси, уқтириб ёзганидек, бу Женевада бир битимга эришиш йўлида қўйилган жиддий қадамдир. Шу боисдан ҳам ядро қуролларини қисқартиришгина эмас, бу қуролларни батамом йўқ қилиб ташлашни талаб қилаётган ер юзидаги миллионлаб кишилар учун Женевадаги Совет-Америка музокаралари бошланиши арафасида киритилган янги совет тинчлик таклифи бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Совет Иттифоқи бундай тинчлик ташаббуслари билан бир неча бор майдонга чиқди. Жумладан, совет томони тинчликка эришиш учун Европадаги ўртача олисликка учириладиган ракеталарни, шунингдек, тактик ядро воситаларининг ҳаммасини ҳам йўқ қилиб ташлашни таклиф қилди. Аммо бу ташаббус ва таклифлар Ғарб сиёсатдонлари томонидан рад этилди. Ўртоқ Ю. В. Андропов «Правда» газетаси саволларига жавобларида таъкидлаганидек, Женева музокаралари бошланганидан бери Қўшма Штатлар эмас, балки Совет Иттифоқи эпчиллик кўрсатиб келяпти. Чунки айни Совет Иттифоқи Европада ядро воситаларнинг ҳаммасини йўқотишни таклиф этди. Лекин АҚШ бу ҳақда гапиришни ҳам хоҳламаяпти.

Ўртоқ Ю. В. Андропов ўз жавобларида Совет — Хитой муносабатларига ҳам тўхталиб, кейинги вақтларда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларда ижобий тенденциялар юз берганини қайд этди. Ўзаро муносабатларни янада яхшилаш хусусида сиёсий маслаҳатлар олиб борилмоқда. Савдо-сотиқ ҳажми ўсмоқда, бошқа соҳаларда ҳам алоқалар ривожланмоқда. Шубҳасиз, Совет-Хитой муносабатларининг ижобий ривожланишидан мамлакатларимиз ҳам ютиб чиқади, бутун халқаро вазият ҳам наф кўради.

Шу тариқа ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларида ўртага ташланган янги совет тинчлик таклифи халқаро вазият АҚШ маъмуриятининг милитаристик сиёсат туфайли кескинлашган ҳозирги шароитда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу таклиф келажак учун умид ва ишонч бахш этади.

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсинга укаси **Маъруф МУСЛИМОВ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУЗИКАЛИ ДРАМА МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Театрлар бошқармаси репертуар-редакцион коллегиясида Ҳайитмат Расулнинг «Орзу» фантастик музикали драмасининг муҳокамаси ўтказилди.

Муҳокамада репертуар-редакцион коллегиянинг бош редактори Максим Каримов, репертуар-редакцион коллегия аъзолари Яздон Худойқулов, Тўра Мирзо, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри драматургия лабораториясининг мудири Машраб Бобоев, Огаҳий номидаги Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг бош режиссёри Ибодулла Ниёзматов, театршунос Мирҳосил Тўрабеков, ёзувчи Эргаш Раимов ва бошқалар сўзга чиқиб, асарнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирдилар.

Репертуар-редакцион коллегиянинг қарорига биноан Ҳайитмат Расулнинг «Орзу» фантастик музикали драмаси Огаҳий номидаги Хоразм область музикали драма ва комедия театрига ўзаро ҳамкорликда унинг саҳна варианти устида ишлаш учун тавсия этилди.

УСТА ЁЗГАН КИТОБ

Самарқандлик машҳур таъмирчи уста Абдуғаффор Ҳаққуловнинг номи кўпчиликка таниш. Шаҳардаги Регистон, Бибихоним, Нодирдевонбеги каби тарихий обидаларни қайта тиклашда Абдуғаффор аканинг ҳиссаси озмунча эмас.

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти устанинг «Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» деган китобини босмадан чиқарди. Мазкур рисола асосан ёш усталар, бинокорлик ва таъмирлаш бўйича таълим олувчи билим юртларининг талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда халқ усталарининг кўп йиллик тажрибалари мужассамлашган.

Китобда таъмир турлари, устахона жиҳозлари, кошин таёрлаш, уни ўрнатиш, қурилиш материалларидан фойдаланиш масаласига кенг ўрин берилган. Уста, шунингдек, бу қўлланмада қадимий обидаларни тиклашда замонавий қурилиш ашёларидан фойдаланиш ҳақида қимматли мулоҳазаларини ўртага ташлайди.

Абдуғаффор Ҳаққуловнинг «Тарихий обидаларни таъмирлаш» деб аталган китоби фақат қўлланма сифатида, эмас, бу соҳада амалга оширилган ишларнинг якуни сифатида ҳам диққатга сазовордир.

ЯКДИЛЛИК

Жиззах областининг Октябрь райони ва Тошкент шаҳрининг Ленин райони меҳнаткашларининг дўстлик алоқалари узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда. Ҳар бир байрам ва тантаналарни бирга ўтказиш одат тусига кирган.

Яқинда Октябрь райони маркази Уч қаҳрамон посёлкаси стадионида пойтахтимизнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланган «Ўроқ ва болға бирлиги» байрами ўтказилди. Анъанага биноан тантаналарга Ленин райони меҳнаткашларининг вакиллари, санъаткорлар, лекторлар келишди.

Октябрь район совети ижроия комитетининг раиси Х. Назаров сўз олиб бундай деди:

—Районимиз меҳнаткашлари катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган йили областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардик. Бу йилги режаларимиз ҳам юксак. Шу кунгача пилла, дон, картошка етиштириш планлари ошириб бажарилди.

Ленин райони меҳнаткашлари номидан ўзбекистонлик биринчи машинист паровозчи, парашютчи аёл Башорат Мирбобоева гапирди.

—Мен, —деди у, —илгари поезд бошқариб бу ерларга кўп келганман. Аммо у пайтларда ҳамма томон қақроқ чўл эди. Чўлнинг бугунги жамолини кўриб ниҳоятда қувондим. Шаҳардан қолишмайдиган обод посёлкалар, кўзни қамаштирувчи ям-яшил пахтазорлар, каналлар ва бошқа сув иншоотлари — ҳаммаси сизнинг мардона меҳнатингиз маҳсулидир.

Ўзбек Давлат филармониясининг «Шодлик» ансамбли, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрининг бир гуруҳ хонандалари ва рақкосаларининг чиқишлари район меҳнаткашларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Малика Аҳмедованинг рақслари ҳаммага манзур бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги вокал-чолғу ансамбли иштирокчилари ҳам катта программада концерт бердилар.

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА

Бошимизга тушган оғир жудолик муносабати билан бизга ҳамдардлик билдирган муассасалар, ташкилотлар коллективларига ва барча ўртоқларга ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Академик В. ЗОҲИДОВ оиласи

Асартарошлик

Саид АҲМАД

Газета бош редакторига «Асартарошлик» бош устаси Саид АҲМАДУЛЛОДАН:

РАПОРТ

«Асартарошлик» дўконимизда ремонт тугади. Дўкон қайта жиҳозланди. Устахона четдан, яъни Қўқон, Уратепа, Каттақўрғон, Шофиркон каби шаҳарлардан олиб келинган устара-қайроқлар билан бойитилди.

Ҳангома зали қайта жиҳозланиб, кўргазмали плакатлар осилди.

БОШ УСТА

Илтимос, устахона олдида очилган кино залида «Бошсиз одам» бадиий фильми кўрсатилмасин.

ЯХШИ ТАШАББУС

Кейинги пайтларда мўйқалам усталари ўз ижодларини кенг омма ўртасида намойиш қилишни бир анъанага айлантирдилар. Улар яратган асарларини жамоат жойларида санъат мухлислари назаридан ўтказа бошладилар.

Яқинда мўйқалам устаси, ҳали хизмат кўрсатмаган санъат арбоби рассом Н. Маллабоевнинг ижодий командировкадан қайтиши муносабати билан арқон тўқувчилар маданият уйида кўргазма очилди.

Шуниси диққатга сазоворки, томошабинлар асарни яхши тушунишлари учун ҳар бир картина олдида жонли прототиплар туради.

Масалан, натюрморт олдида ошқовоқ, нок, икки бош узум қўйилган. Томошабин бу нарсаларга қараб асарда нима акс эттирилганлигини аниқ билади.

Айниқса, рассомнинг «Сут соғувчи аёл» картинаси олдига битта сигир бойланган бўлиб, полда сут тўла челак ҳамда оқ халат кийган аёлнинг туриши асарнинг ҳаётийлигини таъминлаган.

Экскурсовод сувратлардаги акс эттирилган нарсаларни аниқ қилиб, бу — одам, бу —товуқ, бу — эчки, бу— шашлик, деб тушунтириши томошабинларга қулайлик туғдирмоқда.

Эскартма:

Кўргазмага ўн олти ёшга тўлмаган ёшларнинг киритилмаслиги тарбиявий аҳамиятга эгадир.

ХРОНИКА

Анонимчи ижодкор Ғойибийнинг олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди.

Юбилей кечаси горочистка базасининг еттинчи филиалида тўла қоронғи залда нишонланди. Минбарга тимирскиланиб чиққан докладчи юбилярнинг босиб ўтган йўли ҳамда «ижодий» фаолияти тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди.

—Азиз ҳамкасблар, биродаримиз, ветеран анонимчи Ғойибий ўз меҳнат фаолиятини бундан қирқ йил олдин бошлади. Шундай қилиб унинг туғилганига олтмиш йил, аноним ёза бошлаганига қирқ йил тўлди, десам хато қилмаган бўламан.

Шон- шарафларга тўлган шу қирқ йил ичида статистик маълумотларга қараганда, унинг фаолияти билан етмиш бир киши инфаркт, ўттиз олти киши юрак ўйноғи, етти киши тутқаноқ дардига йўлиқди. Саккиз киши ўлди. Йигирма киши ишдан бўшатилди. Ўттиз бир киши ҳайфсан олди. Ўн икки киши жиноий жавобгарликка тортилиб у ёққа кетди.

Ишламаган одам хато қилмайди, деган гапга қўшиламан. Ғойибий ишлади. Ҳалол ишлади. Шунинг учун ҳам баъзи хатоларга йўл қўйди. Юз саксон юмалоқ хати тасдиқланмади. Бу, албатта, унинг минус томонидир.

Азиз дўстим, бугун шу ерга тўпланган ҳамкасб дўстларинг номидан, шахсан ўз номимдан сени олтмиш ёшинг билан қутлайман ҳамда юмалоқ ишларингга каттадан-катта юмалоқ муваффақиятлар тилайман.

Тўғри, сен пенсия олишдан бош тортдинг. Бу ҳам сенинг ўз ишингга садоқатинг зўрлигини билдиради. Пенсия дафтарчасида супратинг бўлиши керак. Биз анонимчилар ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ўз нусхамизни кўрсатмаймиз. Шу муносабат билан мен сиз азиз анонимчилар номидан юқори ташкилотларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Бизнинг пенсия дафтарчамиз сувратсиз бўлишини талаб қиламиз.

Докладчи давомли қарсаклар остида тимирскиланиб минбардан тушди.

Сўзга чиққан анонимчилар Ғойибийга турли совға-саломлар топширдилар.

Кеча охирида «Кўринмас киши» бадиий фильми намойиш қилинди.

АСАРТАРОШЛИК ПОЧТАСИДАН

Бош едактой ўйинбосайига!

Ихтиёйингизга бий епойтаж ёзиб юбойдим. «Асайтаёшлик» юбйикаси остида босиб, юбойсангиз, хуйсанд бўлайдим.

Машинкамда бий дона энг заюй хайиф йўқлигига узий сўяйман.

— Ушла авторни, ушла!

А. ХОЛИҚОВ расми

«Меҳнат-ёҳат» колхозининг илғой макажўхойикойлайи ошийилган мажбуйият ҳисобидан ойтиқча қийиқ тонна макажўхойи ғаямладилай.

Яйимбой Асқаев, Юстам Нойматов, Ёҳатой Яйимбейганова сингайи фидокойлай кахябо дон уюги жамғайишда ҳам юқойи кўйсаткичлайга эйишмоқдалай.

Яҳим ИУЗИЕВ,

Суйхандайё области, Сайиосиё яйони

• • •

Ҳурматли редакция!

Аввалги хатимда адабий танқидчи ўртоқларнинг газетада босилган мақолаларида бир қанча ёзувчи ва шоирларнинг номлари айтилиб охирида «... ва бошқалар» дейишининг боисини, ва шу «ва бошқаларга» кимлар киришини тушунтириб беришингизни сўраган эдим. Олган жавобимда ана шу «ва бошқаларга» кирган ёзувчи, шоирлар орасида ўзимнинг йўқлигимга ҳайрон бўлдим. Бу ҳолда мен қайси рўйхатган кираман?

Салом билан шоир ШАВҚИЙ

Ҳурматли ўртоқ Шавқий! Сиз шоир сифатида «ва бошқаларга» кирмайсиз. Ўзингизни «ва ҳоказолар» рўйхатидан қидиринг.

ШИКОЯТ ХАТИ

Етти йилдан бери «Навбаҳор» ресторанида ошпазлик қилардим. Аммо янги директор ишга келиб ғаламусларнинг гапларига ишониб «Тишларингиз протез экан», деб мени ишдан бўшатди. Унинг бу хатти- ҳаракатига норозилик билдираман.

Ошпаз ШОДМОНОВ

Ўр. Шодмонов!

Янги директорнинг сизни ишдан бўшатгани тўғри. Протез тишли одамнинг умумий овқатланиш тармоғида ишлаши мумкин эмас. Чунки акса урганда оғзидаги протез тиши отилиб чиқиб қозонга тушиб кетиши мумкин.

• • •

Бундан уч йил олдин Рамазон Рўзийнинг «Қайтиш» романини ўқиб касал бўлиб қолганимда, врачлар бир ойлик бюлетен беришган эди.

Шу авторнинг кейинги «Сахийлик» романини ўқиб тутқаноқ касалига мубтало бўлиб қолдим. Врачларга мурожаат қилган эдим, бюлетен беришмай мени пенсияга чиқариб юборишди. Мен бунга норозиман.

Б. БАРАКАЕВ

Ҳурматли Баракаев!

Сизни пенсияга чиқарганлари жуда тўғри. Агар шу авторнинг яна бир романини ўқийдиган бўлсангиз, албатта, васият ёздириб қўйинг.

• • •

Врачлар бир грамм никотин отни ўлдиради, дейдилар. Мен қирқ йилдан бери папирос чекаман. Ичимга энг камида минг грамм никотин кирган бўлиши керак. Аммо ўлмадим, бинойидек яшаб юрибман.

А. КАШАНДАЕВ

Ўр. Кашандаев!

Врачлар бекор айтишипти.

Сиз минг от кучига эга экансиз. Энди туфли киймай оёғингизга тақа қоқтиринг.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ШИКОЯТ ДАФТАРИ» БОСМАДАН ЧИҚДИ

Йигирма еттинчи озиқ-овқат магазинининг мудири Ҳотамов «шикоят дафтари»ни талаб қилган харидорларга бир йилдан бери бермай босиб ётган эди.

Яқинда халқ контроли ходимлари уни жойидан қўзғатиб, босиб ётган жойидан турғизишди.

Шундай қилиб, «Шикоят дафтари» босмадан чиқди.

ХРОНИКА

Район матлубот жамиятининг шофери Маҳкамов мажлисда жамият раиси Турдиевнинг порахўрлигини аниқ фактлар билан фош қилгани учун ишдан олинди. Ҳозир Маҳкамов устидан жиноий иш қўзғатилган.

ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

Манти Ўрта Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган таом бўлиб, унинг тўрт хили мавжуд. Баҳор кезларида кўк манти, кузда қовоқ манти, йилнинг тўрт фаслида қийма манти тайёрланади. Бу, мантининг хонаки тайёрлаш усулларидир.

Умумий овқатланиш тармоқларида, асосан пиёз манти кенг тарқалган бўлиб, хўрандаларга манзур бўлмоқда.

Хамир картон қоғози қалинлигида ёйилиб блокнот шаклида қирқилади. Унга пиёз ёхуд қийма гўшт солиниб хамирнинг тўртта бурчагидан кўтариб бир-бирига ёпиштирилади. Ана шундан кейин парракларга териб сув қайнаб турган манти қозонга устма-уст қўйилади ва қопқоғи ёпилади. Қирқ минут вақт ўтиши билан қопқоқ очилиб, буғда етилган мантилар ликопчаларга тўрттадан солинади ва устига қатиқ, майдаланган кўкат ҳамда мурч сепилиб меҳмонлар олдига қўйилади.

Манти ўнг қўл билан ейилади. Мантидан кейин қимиз, пиво, пепси-кола ичиш ҳамда нос чекиш қатъий ман қилинади.

Манти хушхўр овқат бўлиб, у, асосан, ейилади.

СПОРТ

(Телефон орқали олинди)

Районимиз самбочилари область мусобақаларидан қайтиб келдилар.

Ҳар икки самбочи спортсменнинг аҳволи ёмон эмас. Уларга қон қуйиш ва уколь қилиш давом этмоқда. Иккинчи спортсменимиз саҳар пайтида ўзига келиб одам танийдиган бўлиб қолди. Биринчиси ҳозирча кислород билан нафас олиб турипти.

Район касалхонасининг бош врачи мухбиримиз билан қилган суҳбатида шундай деди:

—Ҳар икки спортсменни ҳаётга қайтариш учун бор куч, билим ва имкониятларимизни ишга соламиз.

• • •

Миллий кураш бўйича кеча бўлиб ўтган олишувда Абдурайим полвоннинг ютиб чиққани бекор қилинди. Йиқилган Карим полвон фойдасига ҳал қилинди.

Йиқилган Карим полвон райсполком раиси Ҳожихоновнинг ўғли экани кейинчалик маълум бўлди.

Биз спорт мухлислари ўртоқ Ҳожихоновни чемпион ўғил билан чин қалбдан табриклаймиз. Бўш келма, Карим полвон!

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Дириллама қишлоғидаги етти йиллик мактабнинг география ўқитувчиси Дарвешов бу йилги мавсумда биринчи марта дарсга соқолини олдириб кирди.

БИЛДИРИШ

Посёлка совети марказида рангли фотоателье очилди.

Портретлар, групповой оилавий сувратлар ҳамда эски сувратлардан кўчириб катталаштиришга заказлар қабул қилинади.

Ателье олинган суратнинг олти ойгача эгасига ўхшашини гарантия билан таъминлайди.

АДМИНИСТРАЦИЯ

ЭЪЛОНЛАР

Ўт ўчириш командасига уйқусизлик дардига мубтало бўлган ўн етти ёшдан қирқ беш ёшгача бўлган эркаклар қабул қилинади.

Синов муддати ўн беш кеча.

• • •

Тўққизинчи туғруқхона проходнойида кўз ойнагини унутиб қолдирган гражданин ўн беш сутка давомида шаҳар ҳушёрхонасига келиб Фаёзов деган «меҳмон»га учрашсин.

Тери қабул қилиш пункти деворига ёпиштирилган эълон

• • •

Колхоз фермасидаги соғин сигирларни ўз болаларидан бошқа бузоқларнинг эмиши қатъиян ман қилинади. Эмиб қўйишда айбланган ферма ходимлари гўштга топшириб юборилади.

Ферма мудири М. ХАЖАЙИП

• • •

Халтурачи қўшиқчи шоир Хониший «Асартарошлик» дўконида қўшиқ ёзадиган қаламини унутиб қолдирган. Топиб олганлар агар эгасига қайтариб берсалар, жиноий жавобгарликка тортиладилар.

БОШ УСТА

• • •

Ҳайвонот боғининг район филиалига қўй, сигир, эчки, от, туя, эшак каби уй ҳайвонлари келтирилди.

Коллектив бўлиб кўришга заявкалар қабул қилинади.

«Чорвадор» совхози марказидаги симёғочга ёпиштирилган эълон

• • •

«Ғунчаой» кинотеатрида янги мультфильмлар намойиш этилади.

Ўн етти ёшдан ошган ота-оналарнинг кириши қатъиян манъ қилинади.

«АСАРТАРОШЛИК» АНКЕТАСИГА ЖАВОБЛАР

Институтни битириб кетган областлардаги собиқ студентларга устахона икки савол билан мурожаат қилди.

1. Диплом олиб юртингизга борганингиздан кейин қандоқ китоблар ўқидингиз.

2. Ҳозир қандай китоб ўқияпсиз?

Бу саволларга бухоролик, андижонлик, наманганлик ва тошкентлик собиқ студентлардан жавоблар олинди. Қуйида жавобларни эълон қиламиз.

Бухоролик. «Елвизак»ни ўқидим. Ҳозир «Юлдузли тунлар» деган катматта романни ўқиёпман.

Андижонлик. Биринжидан, бу китобларни аввал ўқиганман. Вақтим бўғанда яна ўқийман.

Наманганлик. «Книга» деган дўконимизга яхши китоб келмутти. Ундан ташқари китоб ўқишга вақтим етмутти.

Тошкентлик. Дўконувзага яхши китоблар кевотти. Аммо бу китоблар прилавка остидан сотилвотти. Манам олган китобларимни тушунганимча ўқивомман.

МАЖНУНТОЛ

(Агроном маслаҳати)

Шарқнинг буюк алломалари, ғазалхон шоирлари мажнунтолни жуда кўп таъриф-тавсифлаганлар, куйлаганлар. Мусаввирлар мажнунтол тасвирини ҳозирги кунда ноёб бўлиб қолган кўлёзмалар ҳошиясига нозик дид билан чизганлар.

Мажнунтол поэзияда интизорлик тимсоли бўлиб келган.

Хўш, у қандай дарахт? Қаерларда, қандай шароитда ўсади? Бу тўғрида ҳалигача бирон қўлланма ва ё илмий асар йўқ. Мажнунтол ишқибозларининг тобора ўсиб бораётган талабларини қондириш мақсадида бир неча амалий маслаҳатлар тавсия қилмоқчимиз.

Аввало, мажнунтол Ўрта Осиёнинг деярли ҳамма серсув ерларида ўсадиган беор дарахтдир. Аммо унинг салқини, кўриниши кўнгилни юпатадиган хоссага эгадир.

Мажнунтол эрта баҳорда экилади.

Оддий қоратолнинг пояси бир, бир ярим метр узунликда кесиб олиб майда шохчаларини бутаб ташлайсиз. Уч томонини қаламнинг очилган жойига ўхшатиб теша билан чопасиз. Кейин ана шу тарафини ерга йигирма, йигирма беш сантиметр узунликда санчасиз. Сал фурсат ўтмай, (етти-саккиз сутка) поя пастга қаратиб куртак туга бошлайди.

Сувга қониққан поя гуркираб ерга қараб новдачалар осилтиради ва мажнунтол бўлади.

Эътиборингиз учун раҳмат!

• • •

Ташкент — Каканд маршрути бўйича учадиган пассажирлар диккатига, пассажирлар учинчи юлдан чиказилмокда.

Ташкент—Фергана маршрути бўйича учадиган самолётнинг учиши сагат ун тўкизгача кечиктирилади.

(Тошкент аэропорти радиосидан бериладиган хабарлардан)

ШЕЪРИЯТ ШАЙДОЛАРИГА

Шоир Илҳомийнинг «Хаёлларим» тўплами кечаги газетада қаттиқ танқид қилингани муносабати билан бугун соат олтида Илҳомий билан бўладиган учрашув қолдирилди.

Кутубхона деворидаги билдириш

• • •

Пулларингизни омонат кассаларда сақлангиз.

Шаҳар савдо бошқармаси ревизорлар хонаси деворидаги плакат

Эркин ВОҲИДОВ

ДОНИШҚИШЛОҚ ЛАТИФАЛАРИ

1. МАТМУСАНИНГ ҚИШЛОҒИ

Донишқишлоқ деган жой
Бордир бизнинг томонда.
Ўша қишлоқ аҳлидек,
Доно халқ йўқ жаҳонда.

Жўяк тортиб томига
Макка эккан ўшалар.
Калишини перронга
Ечиб кетган ўшалар.

Юз қоп ганчни бир йўла
Сувга қорган у ерлик.
Эчкини сартарошга
Олиб борган у ерлик.

Кўриб миноралари
Ўша ерлик улуғлар
Деган—булар тескари
Туриб қолган қудуқлар.

Томдан бошлаб уй қурмоқ
Бўлиб тиккан ҳавоза
Девори йўқ ҳовлига
Ўрнатган ҳам дарвоза,

Ойга чиқмоқ йўли бор,
Жуда осон деган ҳам,
Темир йўлни кўтарса,
Тайёр нарвон деган ҳам.

Ой нурига хум тутиб
Умид қилган қишлоқдан
Соҳибхаёл фаришта
Ўша донишқишлоқдан.

Донишқишлоқ қаерда?
Ўзимизнинг томонда
Ўша қишлоқ халқидек
Доно халқ йўқ жаҳонда.

Балки у Алдаркўса
Калкўсанинг қишлоғи,
Балки у дутор чалган
Матмусанинг қишлоғи.

Содда деманг уларни
Улар содда бўлмайди.
Кулдирса ҳам сизларни
Ўзлари ҳеч кулмайди...
Китоб бўлар таърифи
Ёзса минг бир саҳифа.
Матмусалар ишидан
Тингланг уч-тўрт латифа.

2. МАТМУСАНИНГ ҚАЛПОҒИ

Қалпоқ олди Матмуса,
Қалпоқ деса қалпоқдай.
Уни кийиб Матмуса
Йигит бўлди чақмоқдай.

Ўнта қўйга арзийди,
Яроқлаши бир жаҳон.
Бир қарасанг—сувсардек,
Бир қарасанг —олмахон.

Қалпоқ эмас—эртак у,
Қалпоқ эмас —тилла тож!
Қўйинг-чи, ресторанда
Ювмаса ҳеч йўқ илож.

Кирдилар, ўлтирдилар.
Буюрдилар арақни.
Доно Матмуса учун
Ичдилар бош қадаҳни.
Қалпоққа тери берган
Сувсар учун ичдилар.
Шундай қалпоқни сотган
Овсар учун ичдилар.

Эсланмаган қишлоқнинг
Итигача қолмади.
Мақталмаган қалпоқнинг
Ипигача қолмади.

Хўп отдилар ўйламай
Ҳисоб-китоб қилмоқни.
Охирида пул етмай
Топширдилар қалпоқни.

3. МАТМУСАНИНГ ЛАГАНИ

Матмусавой шаҳардан
Лаган олиб қайтарди.
Йўл-йўлакай ўй суриб
Ўз-ўзича айтарди:
Бу лаганни кўтариб
Олиб борсам қишлоққа,
Хотин уни албатта
Идиш қилар пишлоққа.
Тийиб бўлмас ҳеч қачон
Бола-чақа деганни.
Улар пишлоқ талашиб
Синдиришар лаганни.

Шунда излаб чегачи
Мен нотавон бечора
Қайта келиб шаҳарга
Бўладирман овора.

Машойихлар гапи бор
Иш кўзини бил деган.
Ҳар юмушда эртанинг
Ҳисобини қил деган.

Нима қилсам экан деб
Бир дам ўйга толди у.
Сўнг лаганни синдириб,
Чегалатиб олди у.

Шундай қилиб уйга
Қайтди оғзи қулоқда.
Ҳамма унинг ақлига
Қойил қолди қишлоқда.

4. МАТМУСАНИНГ ЧАРХПАЛАГИ

Полвон эди Матмуса
Тўрт йил кучи жам эди.
Қишлоқда энг зўр, аммо
Ақли бироз кам эди.

Матмусани шундан ҳеч
Кўзга илмас эдилар.
Қўрқсалар ҳам ундан, ҳеч
Ҳурмат қилмас эдилар.

Бир кун деди Матмуса,
Шундай кучга эгамен.
Шуҳратим йўқ эл аро,
Беобрўман нега мен?

От кўтардим тиш билан
Кулди фақат одамлар.
Арзимаган иш билан
Топди ҳурмат одамлар.

Энди зўр бир иш билан,
Ҳайрон қилай ҳаммани
Доно бўлиб бир ўзим
Нодон қилай ҳаммани.

Бўз ариқда кўп замон
Бор эски бир чархпалак.
Кўрибдики, бир томон
Айланар у ғилдирак.

Балки минг йил нарида
Айлангандир шу йўсин
Матмусанинг даврида
Янгилик бир иш бўлсин.

Турди бир оз ўй суриб,
Юрди шахдам илгари.
Чархпалакни суғуриб
Шартта қўйди тескари.

Бу ижоддан эл дарак
Топди саҳар паллада.
Жадал чопар чархпалак,
Лекин сув йўқ далада.

Ўйлар аҳли уламо
Тузатмоқнинг йўлини.
Мағрур турар Матмуса
Белга қўйиб қўлини.

Ким чархпалак косасин
Ялпоқ қилиш керак дер.
Ким косага осма сим
Қопқоқ қилиш керак дер.

Дер идроки энг юксак
Қашиб туриб каллани:
—Дарёни сал кўтарсак,
Сал туширсак далани...

—Йўқ, иш битмас «сал»
билан!
Қишлоғимиз эрлари —
Чархпалакни гал билан
Айлантирсин тескари.

—Йўқ, кучимиз ожизроқ,
Қийналмасин эл жони.
Тескарига оқизмоқ
Тўғри бўлар дарёни...

Эмиш, ҳамон қилар баҳс
Ўша қишлоқ эрлари.
Чархпалак-чи, сув бермас,
Айланармиш тескари.

Азиз газетхонлар!

Сиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўлдингизми?

Обуна баҳоси бир йилга 5 сўм 16 тийин, олти ойга 2 сўм 58 тийин.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Орган союза писателей Узбекистана и Министерства культуры Узбекской ССР.

Бош редактор: Одил ЁҚУБОВ

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Рамз БОБОЖОН, Собир БОБОЕВ, Барот БОЙҚОБИЛОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош редактор ўринбосари), Саъдулла КАРОМАТОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Назир САФАРОВ, Ўлмас УМАРБЕКОВ, Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Тўлепберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Лазиз ҚАЮМОВ, Малик ҚАЮМОВ, Сора ЭШОНТЎРАЕВА.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент—700029, Ленин кўчаси 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: Бош редактор — 33-52-91, 32-57-42, қабулхона — 32-54-71; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь — 33-49-93, 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48; сатира ва юмор — 32-56-49; фотолаборатория — 32-58-95.

Р. 19304. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64593 Б. 3250. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14